

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ
100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ
100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2023

УЎК: 342.41(575.1)(083.13)

КБК: 67.400.1(5Ўзб)

Ў 32

Янгиланаётган Конституция. 100 саволга 100 жавоб.
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва
хўқукий сиёсат институти. – Тошкент. “Адолат” миллӣ хўқукий ахборот маркази. 2023 йил. – 180 б.

ISBN 978-9943-8166-3-3

УЎК: 342.41(575.1)(083.13)

КБК: 67.400.1(5Ўзб)

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиши ва қўшимчалар киритши юзасидан таклифларни шакллантириши ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор М.Х. Рахманкуловнинг умумий таҳрири остида тайёрланди.

Масъул мухаррир: ю.ф.д., профессор М.Х. Рахманкулов

Тақризчилар:
М.Э. Абдусаломов – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, ю.ф.н.
А.Ж. Ташкулов – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Мазкур қўлланмада янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасида белгиланган 100 та энг муҳим ўзгартиши ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоб тарзида батағсил ёритилган.

Ушбу қўлланма референдум ташкилотчилари ва кене жамоатчиликка мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8166-3-3

- © Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва хўқукий сиёсат институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги, Тошкент давлат юридик университети
© “Адолат” миллӣ хўқукий ахборот маркази, 2023 йил

КИРИШ

Конституция хар бир давлат тараққиётининг пойдевори бўлган ҳукуқий, сиёсий ва мафкуравий ҳужжат – мамлакатнинг Асосий конуни ҳисобланади. 1992 йил 8 декабрда кабул килинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуқ ва эркинликлари, мустақил демократик давлатимиз, эркин жамиятимизнинг мустаҳкам ҳукуқий асоси бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг энг муҳим орзу-интилишлари ва мақсадлари Асосий қонун – Конституцияда тўлик ифода этилади. Мустақиллик йилларида Конституция асосида инсон қадри улуғланадиган демократик ҳукуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини куриш мақсадида кенг қамровли янгиланишлар ва ислоҳотлар амалга оширилди, бу борада бой тажриба тўпланди.

Ўзбекистон бугун ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш йўлида долзарб аҳамиятга эга бўлган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш унинг максади, кўламига монанд ва муносиб бўлган янги мустаҳкам конституциявий маконни шакллантиришни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, конституциявий ислоҳотлар табиий ривожланиш натижаси бўлиб, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ўта аҳамиятлиdir, адолатли жамият куриш йўлида улкан қадамdir.

Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳукуқ ва эркинликлари бундан буён барча соҳаларда устувор аҳамият касб этишини қатъий коидага айлантириш, бир сўз билан айтганда, “**Инсон қадри учун**” фоясини ҳамда бугунги ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган “**Инсон – жамият – давлат**” деган ёндашувни янги таҳирдаги Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида “Бош мақсадимиз – ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқишидир”, деб таъкидлаган эди.

Шу маънода, референдумга чиқарилишидан олдин лойиҳа мисли кўрилмаган ҳажмда **жамоатчиликнинг кенг қатламлари** томонидан синчковлик билан мухокамадан ўтказилганлиги, бунинг натижасида **220 мингдан ортиқ таклифлар** келиб тушганлиги, Конституциявий қонун лойиҳаси ушбу таклифлар асосида шаклланганлиги янги таҳрирдаги Конституция том маънода халқ Конституцияси эканлигидан далолат беради.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси халқ овоз берганидан кейин қўшимча ҳужжатларсиз ёки тартибаомилларсиз, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси **бевосита** халқ томонидан қабул қилинса, тарихимида тўғридан-тўғри амалга киритиладиган биринчи ҳужжат бўлади. Бунинг энг аҳамиятли томони, янги таҳрирдаги Конституцияга муносабат билдирилганида барчанинг овози бир хил мақомга ва кучга эга эканлигидадир. Яъни, Конституция лойиҳасини мухокама қилиш жараёнида фуқаро қайси касбда, қандай лавозимда эканлигидан қатъи назар, **ҳар бир инсоннинг танлови ва фикри аҳамиятли ва ҳал қилувчи бўлади**.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон шароитида янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг энг мухим жиҳатлари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-киммати, дахлесиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва әдолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат куриш билан боғлиқ ўзгаришлар билан мухим аҳамиятга эга.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ҳуқуқий давлат принципини рўёбга чиқаришга қаратилган конституциявий кафолатлар белгиланмоқда.

Давлат фаолияти конун устуворлиги асосида амалга оширилишини таъминлаш учун Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тӯғридан-тӯғри амал қилиши белгиланмоқда ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликлари ҳалқаро ҳукуқ ва Конституция нормаларига мувофиқ кафолатланмоқда.

Бу борада айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ижтимоий давлат принципларига оид нормаларнинг янада мустаҳкамланиши, хусусан, сифатли таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий эҳтиёжманд қатламни қўллаб-куватлаш, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳаки тизимини яратиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойга эга бўлишга қаратилган қоидалар билан янада такомиллаштирилиши билан боғлиқdir.

Шу билан бирга, инсон ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом ракобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш билан боғлиқ янги қоидалар ҳам янги таҳрирдаги Асосий қонунимиз лойиҳасида белгиланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидә барчанинг – бир томондан давлат ва унинг органлари тизими, иккинчи томондан инсон, фуқаро ва жамиятнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари аниқ ва лўнда қилиб, ҳамма учун тушунарли тарзда баён этилаётганлиги Ўзбекистоннинг янада барқарор бўлишига ва ҳар қандай таҳдидларга қарши ишончли қалқон бўла олиш қобилиятини мустаҳкамлашга асос бўлади.

Қўлингиздаги мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилиши таклиф этилаётган **100** та энг муҳим янгиликларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоб тарзida батафсил ёритилган бўлиб, турли ёшдаги фуқароларнинг конституциявий ислохотлар билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР



1-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида Ўзбекистон – хукукий давлат, деб белгиланмоқда. Бу нимани англатади?

Жавоб: Хукукий давлат – инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланган тараққиёт ғояси бўлиб, Конституция ва конун устувор бўлган, инсон хукуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинган ва амалда таъминланган, демократик принциплар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, хеч ким қонундан устун турмайдиган давлатdir.

Бугун Янги Ўзбекистон инсонпарвар ва ҳалқчил бўлган хукукий давлат қуриш ўйлида одимламоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституцияий комиссия аъзолари билан учрашувда, таъкидлаганидек: “Фақат ҳукукий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода ҳалқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин”.

Шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 1-моддасида “Ўзбекистон – хукукий давлат”, деб мустаҳкамланмоқда.

Конституцияда Ўзбекистон ҳукукий давлат эканлигини алоҳида белгилаш – давлат ўз фаолиятини, жамият ва фуқароларнинг яшаш тарзини фақат Конституция ва қонунлар асосидагина амалга оширилишини таъминлайди. Пиравардида давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун



устуворлиги асосида халк манфаатлари учун ишлайди, унга хизмат килади.

Янги таҳрирлаги Конституция лойиҳасининг бошқа нормаларида ҳам ҳуқуқий давлат принципини рӯёбга чиқаришига қаратилган механизмлар ва кафолатлар мустаҳкамланмоқда. **Биринчидан**, давлат фаолияти қонун устуворлиги, қонунийлик принципи асосида амалга оширилишини таъминлаш бўйича Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланмоқда. Натижада давлат органлари, шу жумладан, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилган холда карорлар қабул қиласди. **Иккинчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ ва Конституция нормаларига мувофиқ кафолатланмоқда, улар қонунчилик ва давлат органлари фаолиятининг мазмунини белгилаши мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, инсонга нисбатан давлатнинг ҳуқуқий таъсир чоралари қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши шартлиги ва инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши мустаҳкамланмоқда.

Франция, Германия, Испания, Туркия конституцияларида ўз давлатини ҳуқуқий давлат деб белгилашга оид нормалар мустаҳкамланган.

Мазкур янгилик барчанинг қонун олдида тенглигини ва қонундан ҳеч ким устун эмаслигини таъминлаш, инсонлар онига қонунларга хурмат ва итоат этиб яшаш лозимлигини сингдириш, умуман олганда, давлат органларининг халқка хизмат қилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”, “Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси” каби халқаро иуфузли рейтингларда ўрни яхшиланишига имкон беради.




2-савол: Конституцияда ижтимоий давлат, деб аҳамияти нимада?

Жавоб: Ижтимоий давлат хар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, ҳусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатилган, мувозанатлашган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Асосий қонунимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман. Чунки “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир”, деб таъкидлаган эди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 1-моддасида “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили мустаҳкамланмоқда.

Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлик нормалар З баробарга кўпайтирилиб, ижтимоий давлат моделини амалга ошириш механизмлари белгиланмоқда.



Биринчидан, Конституциямизда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш ҳисобга олиниши алоҳида белгиланмоқда.

Иккинчидан, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш бўйича мажбуриятлари Конституция нормаси даражасида мустаҳкамланмоқда.

Учинчидан, фуқароларнинг кафолатланган тиббий ёрдамга бўлган хукуқлари белгиланмоқда ва давлатнинг таълимнинг барча шаклларига ғамхўрлик қилиши, инклузив таълимни таъминлаши, ўқитувчининг мақомига оид нормалар мустаҳкамланмоқда.

Тўртинчидан, ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси сифатида барча учун тенг имкониятлар, оиласар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид янги қоидалар ўрнатилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Махкамасининг ижтимоий давлат тамоилини амалга оширишга қаратилган янги вазифа ва ваколатлари белгиланмоқда. Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасида давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари уч баравардан ортиққа кўпаймоқда.

Ижтимоий давлат принциплари **Германия**, **Франция**, **Испания**, **Хорватия**, **Туркия** ва бошқа бир қатор давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб белгилаш – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, айниқса, ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш орқали уларга муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилади.




З-савол: Янги таҳирдаги Конституция лойихасининг І-моддасида Ўзбекистон – дунёвий давлат, деб белгиланмоқда. Буниг аҳамияти нимада?

Жавоб: Дунёвий давлат – диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган, давлат бошқаруви диний қоидалар билан эмас. Конституция ва қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинадиган давлат хисобланади.

Дунёвий давлат виждон ва эътиқод эркинлигининг мавжудлиги, давлатнинг жамият хаётида фуқаролар томонидан эътиқод килинаётган динларга teng ва бирдек бетараф муносабатда бўлиши ҳамда ҳеч қайси диннинг давлат дини сифатида ўрнатилмаслиги билан тавсифланади. Дунёвий давлат фуқароларга таълим олиш, шахсий ривожланиш йўлини мустақил танлаш имкониятини яратиш ҳамда илм-фан ва маданий тараққиётда ижодий эркинликни таъминлашни кўзда тутади.

Дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёsatдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди, балки инсонларнинг маънавий ва руҳий камолотга эришишининг омили бўлиб хисобланади. Шу нуқтаи назардан, дунёвийлик – дахрийлик эмасdir, айни пайтда дунёвий давлат дахрийликка тарғиб этувчи давлат эканлигини англатмайди. Аксинча, дунёвий давлатда барча учун виждон ва эътиқод эркинлиги хукуки таъминланади, турли дин вакилларига teng имконият яратиб берилади ҳамда диний эътиқодни чуқур хурмат қилган ҳолда, дунёвий тараққиёт йўлидан борилади. Энг муҳими, дунёвий давлат барча динлар учун нафақат **teng шароитлар** яратиб беришни, балки фуқароларга таълим олиш, шахсий



ривожланиш йўлини мустақил танлаш имкониятини яратиш ҳамда илм-фан ва маданий тараққиётда ижодий эркинликни таъминлашни кўзда тутади.

Умумий маънода давлат дунёвий давлатда диний масалаларда расман бетараф бўлади ёки диний масалаларга аралашишдан ўзини тияди. Дунёвий давлатнинг муҳим хусусиятларидан бири – турли дин вакилларининг бағрикенглик ва тинч-тотувликда яшашидир. Жамиятда турли-туман дин ва маданиятлар вакиллари мавжуд бўлган ҳолда, давлат бошқаруви ва сиёсати бир мафкурага ёки диний қарашга асосланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бундай шароитда ҳар бир давлат учун энг адолатли ва тўғри йўл – дунёвий давлат йўлидир.

Дунёвий давлат принциплари кўплаб хорижий мамлакатлар конституцияларида (**Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон**) мавжуд. Масалан, ўз конституциясида ушбу принципни белгилаган Туркия тажрибаси ҳам шундан далолат берадики, дунёвий тараққиёт ва барча демократик тизимларда дунёвий давлатнинг асосий принципларидан бири – виждан эркинлиги кафолатланган.

Ўзбекистонда **16** та диний конфесияга мансуб **2300** дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Турли диний эътиқодга мансуб аҳолига эга давлатда эътиқод эркинлигининг кафолатланиши сиёсий ва хукукий аҳамият билан бирга, ижтимоий аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги хукуқига эгалиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришига йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, шахснинг диний эътиқоди бўйича унга қўшимча хукуқ ёки мажбуриятлар юкланмайди.

Ўзбекистонни дунёвий давлат сифатида белгилаш – дунёвий тараққиёт, турли дин ва мазҳаблар ўртасида бағрикенглик ва тотувликни мустаҳкамлашга, диний бирлашмаларнинг мустақил фаолият юритишига, дин ва эътиқод эркинлигини таъминлашга хизмат қиласи.



4-савол: Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга ошириши нимани англатади?

Жавоб: Барқарор ривожланиш – бу мамлакатимизда иктисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, барқарор ривожланган жамият қуришdir.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижтимоий давлат принциплари асосида инсон қадрини юксалтириш, камбағалликни қисқартириш, ҳар бир кишини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш каби барқарор ривожланишга эришишга қаратилгандир.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 14-моддаси “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деган мазмунда баён этилиб, барқарор ривожланишни таъминлаш давлат фаолиятининг асосий вазифаси сифатида белгиланмоқда.

Ушбу норма киритилишининг зарурати, энг аввало, республикада барча соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда давлат бюджетини шакллантиришда, солиқларни белгилашда, қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларни қабул қилишда давлатнинг ҳалқ олдидаги вазифаларини етарли даражада бажаришдан иборатдир.

Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширади деб белгиланишида ижтимоий давлат ғояси ўз ифодасини топаётгандигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларда ахоли фаровонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзи, сифатли таълим, гендер тенглик, барқарор инфратузилма, хавфсизлик ва экологик барқарорликни таъминлаш, шунингдек бандликни ошириш, тенгсизликни барча кўринишларда қискартириш, иклим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш, барча учун имкониятлардан фойдаланишини таъминлаш каби муҳим мақсад ва вазифалар белгиланган.

Давлат ўз фаолиятида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадини амалга оширади, деган ўхшаш нормалар Япония, Нидерландия каби давлатлар конституцияларида ҳам белгиланган.

Конституцияга мазкур норманинг киритилиши ҳар бир инсоннинг ҳаёт сифатини юксалтириш орқали ахоли турмуш фаровонлигини оширишга, оиласлар, маҳаллалар, жамоат бирлашмаларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда барқарор ижтимоий-иктисодий тизимни ривожлантиришга хизмат қиласди.



5-савол: Конституцияда “ижтимоий бирдамлик” принципининг акс этирилиши жамият ҳаётида қандай ўзгаришларга сабаб бўлади?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 14-моддасига кўра, “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деб белгилаб қўйилмоқда. Бу билан Конституциямизда илк маротаба “ижтимоий бирдамлик” тушунчаси белгиланмоқда.

Ижтимоий бирдамлик – ижтимоий давлатнинг муҳим белгиси сифатида жамиятни бирлаштирадиган ва мустаҳкамлайдиган, инсонларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилувчи, инсонлар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилган муносабатлар, жамиятни биргаликда ривожлантириш принципидир.

Ушбу принцип XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган ижтимоий бирдамлик назарияси асосида келиб чиқкан бўлиб, **Германия, Франция, Италия, Испания ва Польша** каби мамлакатлар конституцияларида давлат фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида мустаҳкамланган.

Мазкур принцип жамият ҳаётида тинчлик, миллатлараро тутувлик, диний бағрикентлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини мустаҳкамлашга, умумхалқ манфаатларини юзага чиқаришга, пировардида одамлар ўртасида ижтимоий бирдамликни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ижтимоий бирдамлик жамиятда хеч бир инсоннинг ўз муаммолари билан ёлғиз қолиб кетмаслигини ҳамда инсонларни бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишига асосланган ривожланишни таъминлайди.

Ушбу принцип фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч туйғусини уйрошиб, инсон – жамият – давлат манфаатлари йўлида белгиланган вазифаларни бажаришда яқиндан ҳамкорликни таъминлайди.

Жамиятда ижтимоий бирдамлик одамларни ўзаро бирлаштириб, жамиятдаги муаммоларни биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб, аҳил бўлиб ечиш, айниқса, эҳтиёжданд ахолини иқтисодий қўллаб-кувватлашда ҳам намоён бўлади.

Энг муҳими, **ижтимоий бирдамлик** принципининг Конституциямизга киритилиши Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида, уларнинг миллати, тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.



Янада соддароқ айтганда, ушбу норма жонажон Ватанимиз ижтимоий-иктисодий тараккиёти учун фукароларимизни бирдамлик ва бирлашишга чорлаб, уларни камбағалликдан чиқариш, оиласвий ёки бошқа шароитига кўра қийин аҳволда қолганларга кўмак бериш, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш каби азалий қадриятларимизни янада мустаҳкамлайди.



6-савол: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга деганда нималар тушунилади, унинг аҳамияти қандай?

Жавоб: Конституциянинг энг асосий юридик хусусиятларидан бири – унинг олий юридик кучга эга эканлигидир. Шу боис янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эга, деган устувор қоида белгиланмоқда.

Конституция олий юридик кучга эга деганда – қонунчилик хужжатларининг тизимида (иерархиясида) энг юқори ўринда туриши ҳамда унинг бошқа ҳар қандай норматив-хуқуқий хужжатлардан устунлиги тушунилади.

Шу билан бирга, Конституциянинг олий юридик кучи ҳақида сўз юритилганда унинг Муқаддимасидаги “халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган”, деган тамойилини ҳам назарда тутиш лозим.



Конунчилик хужжатларига Конституция, конунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва идоралар бўйруқлари ҳамда қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари киради.

Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги унинг сиёсий-хукукий хужжатлиги, парламентда қабул қилинишининг алоҳида тартибига эга эканлиги ёки умумхалқ овози (референдум) асосида қабул қилиниши, давлатнинг ички ва ташки сиёсатининг асосий стратегик йўналишларини, инсоннинг асосий хукуқ ва эркинликларини белгилашида ҳам намоён бўлади.

Конституция олий юридик кучга эгалигини белгиловчи нормалар **Япония**, **Сингапур**, **Бразилия** каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

Ушбу коида барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахсларни Конституцияга мувофиқ иш кўришга, қарорлар қабул қилишга мажбур қиласди, фукароларнинг Конституцияда белгиланган хукуқ ва эркинликларининг бошқа қонун хужжатлари билан чекланиши ёки чегараланишининг олдини олади.



7-савол: Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши тўғрисидаги қоидани белгилаш нима учун зарур?

Жавоб: Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакатнинг бутун ҳудудида қўлланилиши **хукукий давлатнинг муҳим ва асосий шартлари**дан биридир.

Хукукий давлатда барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фукаролар конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилиши, Конституция тўғридан-тўғри амал қиласиган хужжат бўлиши шартлиги, давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаслиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”, деган норма белгиланмоқда.

Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши – давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, судлар томонидан Конституция нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита қўллаган ҳолда қарорлар қабул қилиш, фуқароларнинг Конституция нормаларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши ва риоя этишини кўзда тутади. Жумладан, вазирликлар, хокимликлар, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар муайян бир ҳолат ёки иш юзасидан Конституцияда белгиланган нормаларни аниқ кўрсатган ҳолда қарорлар қабул қилади.



Фуқаролар эса кундалик ҳаётда Конституцияда белгиланган нормаларга мурожаат қилган ҳолда ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширади. Масалан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 47-моддасига киритилаётган қоидага асосан, суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди. Мазкур ҳуқук бузилса, фуқаро айнан Конституцияда менинг ҳуқуқим кафолатланган, деб тегишли ўз ҳуқукини тиклаши мумкин.

Ушбу норманинг киритилиши натижасида, кундалик ҳаётимизда бирон имтиёз ёки ҳуқуқдан фойдаланмоқчи бўлганда, давлат органлари ходимлари томонидан “ҳали тартиби ишлаб чиқилмаган” ёки “юқоридан бизга кўрсатма ёки буйруқ берилмаган” қабилидаги баҳоналар Конституцияда белгиланган нормаларга нисбатан қўлланилмайди.

Конституцияга киритилаётган мазкур коида орқали Конституция нормалари уларни қўллаш тартиби алоҳида қонунчилик хужжатларида мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, тўғридан-тўғри амал қилишига эришилади.



8-савол: Ўзбекистон Республикаси ҳуқукий тизимининг таркибий қисми сифатида ҳалқаро шартномаларнинг тан олинишига доир қоиданинг Конституцияга киритилаётганинг аҳамияти нимада?

Жавоб: Ҳуқуқий тизим деганда ҳукуқ соҳаларининг тузилиши, ўзаро алоқаси ва муносабати тушунилади.


Давлатимиз ҳуқукий тизимини конституциявий, маъмурий, фўқаролик, оила, меҳнат, жиноят, ижтимоий ҳимоя каби қатор ҳукуқ соҳалари таркибий қисм сифатида ташкил этади.

Деярли барча қонунларимизда агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгиланган. Аммо мазкур коида конституциявий даражада белгиланмаган эди.

Таъкидлаш лўзимки, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқукий тизимининг таркибий қисмидир”, деган норма мустаҳкамланмоқда.

1969 йил 23 майдаги “Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси ҳамда 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида”ги Конунга биноан ҳалқаро шартнома –

бу шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви хамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларидан катъи назар, хорижий давлат, халқаро ташқилот билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳукуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув ҳисобланади.



Бугунги кунда, Ўзбекистон халқаро ҳукуқнинг тўла ҳукуқли субъекти сифатида **142** давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатган, **200** ортиқ халқаро шартномалар аъзоси бўлиб, халқаро ҳукукнинг умумэтироф этилган нормаларини камраб оловчи халқаро ҳужжатларга кўшилган.

Германия, Франция, Испания, Словения ва бир қатор бошқа давлатлар конституциявий амалиётида халқаро шартномалар миллий ҳукукий тизимининг таркибий қисми эканлиги белгиланган.

Конституцияга Ўзбекистон Республикаси ҳукукий тизимининг таркибий қисми сифатида давлатимиз аъзо бўлган халқаро шартномалар киритилиши давлатимиз чин маънода ҳукуқ устуворлигига эришишига интилиши, ҳамда республиканинг халқаро миқёсдаги нуфузи янада ошишини, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳукукнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида ҳимояланишини таъминлайди.



9-савол: Ўзбекистон Конституциясининг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг хукуқ ва манфаатларига, Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслигини белгилашнинг аҳамияти нимада?

Жавоб: Конституциямизнинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий қоидалар мамлакатимиз сиёсий-хукукий тизмининг асосий устунлари сифатида намоён бўлиб, уни “Конституция ичидаги кичик Конституция” десак муболаға бўлмайди. Зоро, унда давлатчилигимиз барқарорлигини таъминловчи муҳим конституциявий кафолатлар ўз ўрнини топган.



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “ҳаёт олдимиизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз”, деб алоҳида таъкидлади.

Шуларни инобатга олиб, демократик ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш учун муҳим хукукий кафолатлар яратиш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 16-моддасида “Ушбу Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг хукуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас”, деб қатъий белгиланмоқда.

Бош комусимизнинг асосий принципларини давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устуналиги, ташқи сиёсат ташкил этади. Мазкур асосий принциплар устувор аҳамият касб этиб, Асосий қонунимизнинг бутун мазмун-моҳиятини белгилаб беради, сиёсий-хуқуқий тизимимизнинг устунлари, давлатчилигимизнинг пойдеворини ифода этади.

Конституциямизда давлатчилигимизнинг пойдеворига заарар етказиши мумкин бўлган хатарларни бартараф этишга йўналтирилган кафолат, фавқулодда муҳим аҳамият касб этувчи раҳбарий қоидалар белгиланмоқда.

Ушбу янги конституциявий норма бутун сиёсий-хуқуқий тизимимизнинг мустаҳкам ҳимояси, Конституциямизнинг тӯғри талқин қилиниши, фуқароларимиз ва жамиятимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг демократик ва барқарор ривожини таъминлаш учун муҳим конституциявий кафолат яратади.



10-савол: Конституцияга ташқи сиёсатнинг асосий принципларидан бири сифатида “давлатларнинг худудий яхлитлиги” принципининг киритилаётганлиги қандай аҳамиятга эга?

Жавоб: Давлатларнинг худудий яхлитлиги давлат ва унинг суверенитетининг муҳим шарти, халқаро хуқуқнинг асосий принципларидан биридир. Куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш натижасида бирор-бир давлат худуди ёки унинг бир қисми эгаллаб олиниши тан олинмайди.

Таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 17-моддасида “давлатларнинг худудий яхлитлиги” Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланмоқда.



Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципи дастлаб, 1945 йилда кабул қилинган БМТ Уставида белгиланган, кейинчалик БМТ, ЕХХТ, ШХТ ва бошка ҳалқаро ташкилотларнинг хужжатларида, хусусан, БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид ҳалқаро ҳукуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда (1970 йил) такомиллаштирилган:

Мазкур принципга кўра, ҳар қандай давлат бошқа давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши, унинг суверенитети, миллий бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини қисман ёки тўлиқ бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим. Бундан ташқари, давлатлар ва ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари бирор-бир давлат ҳудудига, унинг бир қисмига ёки ресурсларига куч билан ёки куч ишлатиш таҳди迪 билан бевосита ёхуд билвосита тажовуз қиласликлари шарт. Бунда давлатлар алоҳида давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмига зиён етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлари ва бузғунчи давлатларни кўллаб-қувватламасликлари лозим.

Ҳудудий яхлитлик принципига мувофиқ, нафакат Ўзбекистон бошқа давлатларни, балки бошқа давлатлар ҳам мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини ҳурмат қилиши лозим.

Ҳозирги таҳликали даврда давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш принципига амал қилиш – ташкисиёсатда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Давлатларниң ҳудудий яхлитлиги принципи деярли барча давлатлар, шу жумладан, **Германия**, **Франция** каби давлатлар конституцияларида ўз ифодасини топган.

Мазкур принципнинг Конституцияга киритилиши Ўзбекистоннинг дунёдаги барча бошқа давлатлар ҳудудий яхлитлигини тан олиши ва ҳурмат қилишини, ички ва ташкисиёсатда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, дўстона алоқаларни ривожлантиришни, сарҳадларимиз осойишталигини, ҳалқимиз ҳавфсизлигини, тинч-тотув ҳаёт кечириши ва ривожланишимиз барқарорлигининг ҳукукий асосини мустаҳкамлайди.



II-савол: Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ташқи сиёsatни амалга оширади, деган янги принципнинг мазмун-моҳияти нимада?

Жавоб: Давлатлар ўртасида доимий дўстликка асосланган муносабатларни ривожлантириш, жаҳон ва минтақа даражасида тинчликни таъминлаш халқаро муносабатларнинг долзарб масаласи хисобланади.

Ўзбекистон ўз тараққиёт босқичида очик, ўзаро хурмат, тенглик ва манфаатдорлик, яхши кўшничилик принципларига асосланган ташқи сиёsat олиб бормокда. Масалан, қардош Кирғизистон билан **30 йиллик чегара муаммоси ечилганилиги туфайли 2 миллиондан зиёд** водий аҳолиси ўз яқинлари, қариндош-уруғлари билан эркин борди-келди қиладиган бўлди.

Айни шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёsatни амалга оширади”, деган норма назарда тутилмоқда.

БМТ Низомида ҳам халқлар бир-бирлари билан муросаю мадора ва тоқатлиликни намоён қилиб, тинчлик шароитида яхши кўшничилик муносабатларини шакллантириб яшашлари лозимлиги мустаҳкамланган.

Тинчликсевар сиёsat деганда, давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тизимлари ва уларнинг ривожланиш даражасидан қатъи назар, эркинлик, тенглик,adolat ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини хурмат қилиш, шунингдек, давлатлар ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаши тушунилади.



Ўзбекистоннинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини кенгайтириш ва хорижий давлатлар билан кенг камровли ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантириш йўналишлари конун билан тасдиқланган “Ташки сиёсий фаолият концепцияси”да белгиланган.

Давлатимиз дунёнинг **131** та давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, 38 та давлатда 37 та элчихоналар, 17 та шаҳарда бош консулхоналар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларда доимий ваколатхоналаримиз фаолият юритмоқда.

Бундай норманинг киритилиши аҳолимизнинг бошқа халқлар билан тинч-тотув, дўстона, хавфсиз шароитда яшashi, хорижий мамлакатлар, айниқса, кўшни давлатларга эмин-эркин бориб-келиши, қон-қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаши, мамлакат инвестиция мухитининг яхшиланиши учун кенг имкониятлар яратади.



12-савол: Инсоннинг хуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, деган янги конституциявий норма қандай мазмун ва аҳамиятга эга?

Жавоб: Инсонга туғилганидан бошлаб тегишли бўлган табиий ва ажralmas ҳуқуқлар сирасига инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, озодлиги, тенглиги, эркин бўлиши, хавфсизлиги, дахлсизлиги киради ва бу ҳуқуқлар қонунларда белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигидан қатъи назар, инсонга азалий тегишилдири, деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Конституциявий комиссия билан учрашувда таъкидлаганидек: “**Инсоннинг қадр-қиммати, асосий хуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, ажralmasdir, улар ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади**”.

Ҳукукий демократик давлатда инсоннинг қадр-қиммати, асосий хуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ажralmasligini белгилаш билан бир қаторда, уларни ҳар кимга

туғилганидан бошлаб тегишли эканлигининг тан олиниши мұхим ақамият касб этади.

Айни шу мақсадда янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 19-модда сида инсон ҳуқуқ ва әркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, деган мұхим қоида белгиланмоқда.

Ушбу қоида билан инсоннинг асосий, табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг асосий вазифаси сифатида Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда. Мазкур ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи, әркинликка бўлган ҳуқуқ, шахсий ва уй-жой даҳлсизлиги, бошпана ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ, сўз ва эътиқод әркинлиги ҳуқуқи, әркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, фуқароликка эга бўлиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, тиббий ҳуқуқ ва бошқа шу кабилар киради.

Инсоннинг ҳуқуқ ва әркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлиши Ўзбекистон аъзо бўлган инсон ҳуқуқларига оид **80** дан ортиқ



халқаро хужжатларда белгиланган. Улар орасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг 7 та асосий шартномаси ва уларга қўшимча протоколлар, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро конвенциялари, халқаро гуманитар ҳуқуқ конвенциялари, ЕХХТнинг “Инсонийлик мезонлари” хужжатлари, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ, каби минтақавий ташкилотларнинг хужжатлари миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришда мұхим ақамият касб этади.

Инсоннинг ҳуқуқ ва әркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади деган норма **Испания, Италия, Словения, Чехия** конституцияларида белгиланган.



13-савол: Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқук ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши нимани англатади?

Жавоб: Инсон ҳуқук ва эркинликларини Конституция ва қонунларда мустахкамлаш, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича **80** дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 7 та асосий шартномалари ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгashi ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 19-моддасида “**Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади**”, деган инсонпарвар норма мустаҳкамланмоқда.

Конституцияга киритилаётган ушбу норма инсон ҳуқук ва эркинликларининг Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳужжатларга мувофиқ тан олинишини, хусусан, уларни халқаро ҳужжатларда кўрсатилган умумэътироф этилган нормаларни амалиётда тўғридан-тўғри қўллаш, миллий қонунчилик ҳужжатларига сингдириш ва бошқа механизmlар орқали таъминлашни кўзда тутади.

Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқук ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши **деярли**



барча демократик давлатлар конституцияларида белгиланган.

Мазкур норма, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси конунчилик хужжатларининг инсон ҳукуқларига оид халқаро хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, давлат органлари ва мансабдор шахсларга қарорлар қабул қилишда халқаро хужжатлар талабларига риоя этиши, иккинчидан, фуқароларга давлат органлари билан муносабатларда, шу жумладан суд-тергов амалиётида халқаро хужжатлардаги нормалардан фойдаланган ҳолда ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратади.

14-савол: Инсоннинг ҳукуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши нимани англатади?

Жавоб: Инсон ҳукуқлари ҳар бир инсонга тегишли бўлган, унинг яшаш жойи, миллати, жинси, этник келиб чиқиши, танасининг ранги, дини, тили ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ажralмас, ўзаро боғлиқ ҳукуклар ва эркинликлардир. Инсон ҳукуқлари қадр-қиммат, адолат, тенглик, ҳурмат ва мустақиллик каби умумий қадриятларга асосланади. Ушбу қадриятлар конституциялар, қонунлар ва халқаро шартномалар билан ҳимоя қилинади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 20-моддасида илк бор “Инсоннинг ҳукуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади”, деган тўғридан-тўғри қўлланиладиган муҳим норма мустаҳкамланмоқда.



ИНСОН ҲУКУҚЛАРИ
БЕВОСИТА АМАЛ
ҚИЛАДИ

Инсоннинг асосий ҳуқук ва эркинликларининг бевосита амал қилиши деганда, шахснинг Конституцияга бевосита асосланиб, барча қонуний воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳимоя қилиш имконияти тушунилади.

Инсон асосий ҳуқук ва эркинликларининг бевосита амал қилиши уларни тўлақонли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур норма, бир томондан, шахснинг ҳуқукий макомини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ривожлантиришни ва иккинчидан, шахснинг ҳуқукий ҳимояси механизмини такомиллаштиришни таъминлайди.

Инсон ҳуқуқларининг бевосита амал қилиши принципининг умумқабул қилинган таърифи бўлмаса-да, асосан инсон ҳуқуқларининг амал қилиши алоҳида конун, қоида қабул қилишга ёки маҳсус орган тузишга боғлиқ бўлмаслигини назарда тутади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу принцип конституциявий норма сифатида белгиланиши қўйидаги имкониятларни яратади: **биринчидан**, фуқароларимиз учун ўз ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш имкониятини беради; **иккинчидан**, судлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид муайян ишларни кўраётганда Конституциядаги инсон ҳуқуқларига оид нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини яратади; **учинчидан**, барча даражадаги давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятида инсон ҳуқуларига бевосита амал қилиш қоидасига риоя қилиши шартлигини яна бир бор эслатиб туради.

Мазкур конституциявий норма ислоҳотларнинг бош мақсади “**инсон қадри учун**” боясини кундалик амалиётимизда бош қадриятга айлантиришга, яъни инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва фурури бундан бўён барча соҳаларда биринчи ўринда туришини таъминлашга хизмат қиласи.



15-савол: Инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мөхияти ва мазмунини белгилаши түррисидаги норманинг Конституцияга киритилиши нимани англатади?

Жавоб: Конунларнинг мазмун-мөхияти ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар фаолиятининг асосий мақсади инсон қадрини таъминлашдан иборатdir.

Дарҳақиқат, инсонни улуғлаш унинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш ҳамда унинг баҳтли ҳаёти учун зарур шароит яратишдан бошланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 20-моддасида “Инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг мөхияти ва мазмунини белгилайди”, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мазмунини белгилаши ҳакида конституциявий норманинг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари бевосита амал қилиши деганда, аввало, инсоннинг ҳуқуқлари қонунчилик хужжатларида тўлиқ белгиланиши, шу асосда ҳуқуқни қўлловчи ваколатли органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятини ташкил этиши ҳамда судлар одил судловни амалга оширишда қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши назарда тутилади;

иккинчидан, инсоннинг ҳар бир конституциявий ҳуқук ва



эркинликлари давлат ва фуқаро ўртасидаги хукукий муносабат мазмунини белгилаб беради. Яъни ушбу нормаларни амалда таъминлаш, муҳофаза этиш давлат органларига мажбурият сифатида юкланди. Шу аснода фуқароларнинг хуқук ва эркинликлари кенгайиб, уларнинг манбаатлари тўлароқ ифода этилишига эришилади.

Мазкур норма фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини олий даражада кафолатлаб, Конституциянинг **инсонпарвар табиятини** кучайтиради. Шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг факат ва факат фуқароларнинг манбаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишининг **ишончли хуқукий асоси** бўлиб, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик мухит яратиб беришга хизмат қиласди.



16-савол: Инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги белгиланишининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги **олий қадрият** бўлиб, хукукий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида уни амалда таъминлаш мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Конституциявий комиссия билан учрашувда таъкидлаганидек: “**Инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт**”.

Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир, деган инсонпарвар норма мустаҳкамланмоқда.



Инсон шаъни – бу инсоннинг бошқа одамлар олдида ўз аҳамиятини англаши ёки инсоннинг маънавий обрусиdir.

Инсон қадр-қиммати – бу шахснинг ўзини ўзи хурмат қилиши, жамият аъзоси сифатида ўз мавқеи ва аҳамиятини англашиdir.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил), Кийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция (1984 йил) каби халқаро хужжатларга асосан инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг ор-номуси, шахсий ҳаётига тааллукли маълумотлар ошкор бўлишига олиб келадиган, ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўядиган, унга жисмоний, маънавий ёки руҳий азоб-укубат етказадиган ҳаракатлар қилиш тақиқланиши шахс шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, айниқса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз фаолиятида ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шаъни, ор-номуси, ва қадр-қимматига дахл қилмаслиги, камситмаслиги, аксинча, уларга инсоний муносабатда бўлишлари лозим.

Масалан, шахсий тинтуб тинтилаётган шахс билан бир жинедаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши ҳам инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлашга қаратилган маҳсус қоида хисобланиб, уни бузиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан, миллий қонунчиликда инсон шаъни ва қадр-қимматига қарши содир этилган хуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, фуқаролик қонунчилигига эса уларга етказилган заарни қоплашга доир маҳсус нормалар назарда тутилган.

АҚШ, Германия, Франция, Испания каби давлатлар конституцияларида ҳам инсон шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигини химоя қилувчи алоҳида нормалар ўз ифодасини топган.

Ушбу норманинг Конституциямизга киритилиши инсон қадри юксалаётган Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати тўғридан-тўғри Конституция химояси остида эканлигини англатувчи кучли механизмни шакллантиришга хизмат қиласди.

17-савол: “Инсонга нисбатан давлат органлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши керак”, деган конституциявий қоиданинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Жавоб: Қонунлар кимгадир ортиқча мажбурият ёки харажат юклаши мумкин эмас. Аксинча, қонунлар воситасида жамият ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади, инсонлар ҳаёти барқарорлаштирилади ва бир маромда давом этиши таъминланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 20-моддасида “**Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак**”, деган катъий норма белгиланмоқда.

Қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқук ва эркинликларини химоя қилишдан иборатdir.



Бирок, қонунчиликда бир инсоннинг ҳуқук ва эркинликларини химоя қилиш йўлида бошқа инсонга бажариш жуда қийин ёки иложесиз бўлган мажбуриятларни юкловчи нормалар ҳам учраб туради. Масалан, амалиётдаги бир ҳолат: фукаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчиликка кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин, бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади. Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қиласи. З миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион сўм давлат божини қандай тўлайди? Кўриш мумкинки, суд қўллаган ҳуқуқий таъсир чора мақсадга эришишга нисбатан мутаносиб эмас.

Шу боис, энг муҳим конституциявий принциплардан бири бўлган мутаносиблик принципи илк бор Конституциямизда ўз ифодасини топмоқда. Мазкур принцип моҳиятан инсон ҳуқуқларининг химоясини кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари давлат томонидан чекланишининг асослиигини аниқловчи мезон ҳисобланади.


Мазкур нормага ўхшаш қоидалар қатор ривожланган мамлакатлар конституцияларида, хусусан, **Германиянинг Асосий қонунида** ҳам ўз аксини топган.

Ушбу қоида фуқароларнинг давлат идоралари билан бўлаётган муносабатларида юзага келадиган қатор муаммоларни ҳал этиб, ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Мазкур норма қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам белгиланган, мансабдор шахслар қарорлари ва фаолиятида қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлишига хизмат қиласи.



18-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро, муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги номувофиқликларни ҳал этиш бўйича қандай тартиб белгиланмоқда?

Жавоб: Хуқукий давлатда барча муносабатлар қонункоидалар билан тартибга солиниши лозим. Ҳеч бир муносабат хуқукий ечимсиз қолмаслиги шарт. Аммо, ижтимоий муносабатларнинг доираси жуда кенг бўлиб, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида ноаниқликлар бўлиши мумкин. Шундай ҳолатларда қонунчиликдаги ноаниқликлар кимнинг фойдасига, қандай тартибда ҳал этилиши ва талқин этилиши муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.



Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 20-моддасида “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”, деган инсонпарвар қоида мустаҳкамланмоқда.

Мазкур қоидага ўхшаш нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Божхона, Солиқ кодекслари, шунингдек “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, амалиётда қонунчиликдаги номувофиқликлар истеъмолчилар, солиқ тўловчилар, тадбиркорлик субъектлари, жиноят процесси иштирокчилари фойдасига талқин этилмоқда.

Эндиликда ушбу қойданинг Конституцияда мустаҳкамланиши унинг қўлланиш доирасини янада кенгайтиради. Яъни нафакат жиноят процесси, солик ёки тадбиркорлик соҳасида, балки инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-хукуқий муносабатларга татбиқ этиш имконини беради.

Давлат ва инсон ўртасида муносабатларни тартибга солувчи конунчиликдаги ноаниқликлар турли тушунмовчиликларга, инсон ва фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига олиб келади. Масалан, Солик кодексининг ўзида муайян бир масала юзасидан турлича норма белгиланган бўлиши ёки тадбиркорликка оид бир қонунда бошқа норма, иккинчи қонунда бошқача норма белгиланган бўлиши мумкин. Бундай номувофиқлик фуқаро фойдасига талқин қилинмаслигига олиб келиши мумкин. Конституцияга киритилаётган норма эса шундай номувофиқликлар давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади, деган қатъий нормани аниқ-равshan мустаҳкамламоқда.

Ушбу принципнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши инсон манфаатлари устунлиги асосида “**инсон – жамият – давлат**” тамойилини амалга оширишга хизмат килади.



19-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида инсоннинг хуқук ва эркинликларини чеклаш асослари бўйича қандай норма белгиланмоқда?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 21-моддасида “**Инсоннинг хуқук ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, ахолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин**”, деган норма мустаҳкамламоқда.



Таъкидлаш керакки, Фукаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халкаро пактнинг 12, 19, 21, 22-моддаларида инсоннинг хукуқ ва эркинликларига нисбатан факат қонунда назарда тутилган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ва маънавиятини ёки бошқаларнинг хукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган чеклашлар кўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Конституциямизга киритилаётган ўзгартиришга кўра, фукароларнинг хукукларини чеклаш факат қонун билан белгиланган тартиб ва асосда амалга оширилади.

Жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда инсон хукуқ ва эркинликларини чеклаш қонунда белгиланган тартиб ва асосларга мувофиқ амалга оширилгандагина қонуний ҳисобланади.

Хукуқларни чеклаш асослари эса, авваламбор, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлашга, бошқа шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини химоя қилишга йўналтирилган. Масалан, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунга асосан 2020 йилда COVID-19 пандемияси туфайли Ўзбекистонда карантин режими эълон қилиниб, аҳолининг ҳаракат эркинлиги катъий чекланди ва бу чеклов аҳоли саломатлигини саклаш, пандемиянинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик максадида амалга оширилган эди.

Ушбу норманинг Конституциямизда акс эттирилиши белгиланган ҳолатларда индивидуал хукуқлар, яъни алоҳида шахсга тегишли хукуқлардан жамоавий хукуқларни таъминлаш устувор эканлигини назарда тутади. Бунда аҳоли саломатлиги, турли хил хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳалқимизни химоялаш, барқарор ривожланишини таъминлаш ва фаровонликка эришиш мақсадида бундай чекловлар назарда тутилади.


Мазкур қоида Франция, Испания, Германия, Словения, Польша конституцияларида мустаҳкамланган.

Айни шу маънода, киритилаётган норма аҳолининг хавфсизлиги, саломатлиги ва тинчлигини, жамоат тартибини таъминлашга, шунингдек, Конституция ва қонунларга мувофиқ ташкил этилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини бир меъёрда фаолият юритишини кафолатлашга хизмат қилади.



20-савол: Ўз шахсини эркин камол топтириш хуқуқи нима ва у қандай амалга оширилади?

Жавоб: Ўз шахсини ривожлантириш, яъни камол топтириш хуқуқи, кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён бўлиб, шахснинг фаровонлигини доимий равишда оширишни назарда тутади.



Асосий қонунимизда “инсон – жамият – давлат” тамойили хуқукий жиҳатдан расмийлаштирилиши натижасида давлат ва жамиятнинг сиёсий-хуқукий қиёфаси ўзгармоқда. Инсоннинг ҳақ-хуқуқларини муҳофаза қилиш, унинг баҳт-саодатини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий мазмуни, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсадига айланмоқда.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 21-моддасида “Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш хуқуқига эга”, деган норма назарда тутилмоқда.

Демократик ислоҳотларнинг мезони сифатида “Давлат инсон учун” тамойили белгиланиши ушбу жараёнларнинг локомотиви, қолаверса, барча бойликлар, неъматларнинг бош истеъмолчиси инсон эканлигини яна бир бор яққол кўрсатади. Ўз шахсини эркин камол топтириш хуқуқи инсон салоҳиятининг янги кирраларини намоён қилиш, барча имкониятларни рўёбга чиқаришнинг бош омили ҳисобланади. Шахсларнинг интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш эса ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

БМТнинг 1986 йилдаги Ривожланишга бўлган хукуқ тўғрисидаги Декларациясида қайд этилганидек, инсон ривожланиш жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади.

Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, мазкур янгилик “ўзбошимчалик”ни назарда тутмайди, чунки Конституциямизнинг 21-моддаси иккинчи кисмида **инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги** аниқ кўрсатилган.

Ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқи – бу инсоннинг ўз шахсини эркин ривожлантириш, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам айнан “**ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли**” деган коида мустаҳкамланганлиги бежиз эмас.

Юридик жиҳатдан шахсни эркин камол топтириш ҳуқуқи унинг ҳуқуқларини қонунчиликда кафолатлаш, сўнгра уларни таъминлаш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон қонунчилиги “**инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади**” деган олтин коида билан сингдирилганлиги эркин камол топтириш ҳуқуқини амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжудлигини англаради.

Ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқи инсоннинг ижод қилишга бўлган ҳуқуқлари асосида таълим олиш, маданий ва ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиш, ўзига керакли бўлган билим ва илмни олиш ҳуқуқини ҳам англаради. Ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқи белгиланиши инсонга ўзини ўзи кашф этишга бўлган эҳтиёжлари амалда таъминланиши учун конституциявий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлайди.



21-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига киритилаётган ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас, деган норма нимани англатади?

Жавоб: Хукукий давлат сиғатида Ўзбекистонда ҳам ҳар қандай фаолият, хукуқ ва эркинликлар, мажбуриятлар факат ва факат қонунчиликка мувофиқ белгиланиши ва амалга оширилиши лозим.

Шу маънода янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 21-моддасида **“Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас”**, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Конституция ва конунларга риоя этиш, бошқаларнинг хукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш ва бошқа бурч ҳамда мажбуриятлар жисмоний ва юридик шахсларга юклатилган.

Янги киритилаётган норма жисмоний ва юридик шахслар факат Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида мажбурий этиб белгиланганидан ташқари, бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга бурчли эмаслигини, шунингдек давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳам уларга қўшимча мажбуриятларни юклаш ваколатига эга эмаслигини англатади. Бу эса амалиётда айрим ҳолатларда учраб турадиган бирор-бир қонунчилик ҳужжатида назарда тутилмаган мажбуриятни ёки қандайдир вазифани ташкилот раҳбари томонидан ходимга юклаш каби салбий ҳолатларга чек қўяди.

Муҳим жиҳати шундаки, кўпинча мансабдор шахслар ёки



рахбарлар ўз бўйсунувидағи шахсларга турли кўринишдаги оғзаки ва ёзма кўрсатмалар, топшириқлар ва вазифаларни юклайди. Ходим эса бундай ҳолатда нокулай вазиятга тушади, ҳатто ушбу вазифа ва топшириқларни бажариш оқибатида жавобгарликка тортилишига ҳам сабаб бўлади. Айрим ҳолатларда мактаб ўқитувчиларини ҳокимият ёки маҳаллалар фаолиятига кўмаклашиш учун унинг ихтиёрига зид равишда жалб этиш каби амалиёт бунга яққол мисол бўлади.

Шу маънода киритилаётган ушбу норма, энг аввало, раҳбарларни қонунчиликда кўрсатилмаган топшириқларни беришдан тийилишга мажбур қиласди, айни пайтда ходимларга ушбу вазифа бирор-бир қонунчилик ҳужжатида кўрсатилмаган, деб ижро этмаслик, уни бекор қилинишини юқори идоралардан талаб қилиш имкониятини беради.

Бу эса амалиётда айрим ҳолатларда учраб турадиган бирор-бир қонунда кўрсатилмаган мажбуриятни ёки қандайдир вазифани (масалан, жамоат ишларига жалб қилиш, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш) ташкилот раҳбари томонидан ходимга юклаш каби салбий ҳолатларга қатъян чек қўяди.

Мазкур норма Германия, Болгария, Сербия, Грузия, Испания ва бошқа мамлакатлар конституцияларида белгилаб қўйилган.



22-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкинми?

Жавоб: Ҳар бир давлат ўз фуқароси қаерда бўлишидан қатъи назар, уни ҳимоя қилишга мажбурдир. Шу нуқтаи назардан, ҳеч бир давлат ўз фуқаросини худудидан мажбуран чиқариб юборилишига ёки бошқа давлатга беришга йўл қўймайди.

Айнан шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 23-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши

мумкин эмас", деган инсонпарвар норма белгиланмокда.

Фуқаронинг ўз мамлакати ҳудудидан мажбурий чиқариб юборилиши деганда, унинг эрки-хоҳишига зид равиша сиёсий, диний, миллий, мафкуравий, маданий ва бошқа қарашлари ёки фаолиятини ёхуд бошқа вожларни асос қилиб яшаб турган мамлакатидан мажбурий чиқариб юборилишини англатади. Бундан ташқари, сургун ёки бадарға каби жазо чораси сифатида ҳам ўз уйини тарк этишга мажбур қилиниши тушунилади.


Шўролар даврида сиёсий тузумга ёкмайдиган ёки ўзгача фикрлайдиган фуқароларни Ватанидан ташкарига сургун қилиш амалиёти бунга ёрқин мисол бўла олади. 1930 йилларда мамлакатимизда 5,5 мингдан зиёд оиласалар сиёсий тузумнинг курбонларига айланиб, "кулок" қилинганлиги, зўравонлик билан ўз ватанидан, қариндошуруғларидан жудо этилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Инсон хукуқи ва қадр-қимматини оёқ ости қилувчи амалиётлар тарихда бўлганлигини инобатга олиб, давлат ўз фуқароларини жазо ёки сиёсий чора сифатида ўз ҳудудидан мажбуран чиқариб юбориши мумкин эмаслиги **Инсон хукуқлари бўйича Европа конвенциясининг 4-протоколи** ҳамда **Инсон хукуқлари бўйича Араб хартиясида** ҳам тўғридан-тўғри кўрсатилган.

Ўз фуқаросини бошқа давлатга бермаслик (*non-extradition*) деганда, ҳалқаро ҳукуқда давлат ўз фуқаросини содир этган жинояти учун бошқа давлатга ушлаб бермаслиги тушунилади.

Шу билан бирга, ҳалқаро шартномаларга асосан, давлатлар ўз фуқароларини ушлаб беришни рад этиши жиноятчининг жазосиз қолишини англатмайди.

Мазкур янги норма фуқароларимизнинг доимий равиша давлат ҳимоясида эканлигига ишончини мустаҳкамлашга, ўз



юртідан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатта берилиши каби холатларнинг олдини олишга хизмат қилади, давлат ва унинг масъул органларининг ўз фуқаролари тақдирiga бефарқ эмаслигини намоён этади.



23-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига хорижда яшаётган ватандошлар билан боғлиқ қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

Жавоб: Бир қатор давлатларда хориждаги ватандошларни ижтимоий-иктисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда кўллаб-куватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “**Конституциямизга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқароларимиз ҳамда ватандошлар билан мунтазам алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилади, деган қоидани киритиш лозим**”, деб давлатнинг янги мажбуриятини белгилашни таклиф этди.

Шундан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 23-моддасида “**Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади**”, деган норма белгиланмоқда.

Хорижда яшаётган ватандош деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташкарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси худудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фукаролари бўлса тушунилади.

Дунёдаги барча ўзбеклар ўзаро маданий алоқаларни сақлаб қолиши мақсадида чет элларда тахминан **500** дан ортиқ ўзбек миллий-маданий марказлари фаолият юритади.


Айrim хорижий мамлакатлар конституциясида ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида норма мавжуд. Хусусан, **Грузия, Сербия, Польша** ва бошқа мамлакатларнинг конституцияларида белгилаб ўтилган.

Ушбу норма чет элларда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган ватандошларимизнинг Ўзбекистон билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани – Ўзбекистоннинг обўсини янада оширишга ўз хиссасини қўшишларига хизмат қиласди.



24-савол: Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади, деган қатъий норма ўринатилишининг моҳияти нимада?

Жавоб: Яшаш ҳукуки ҳар бир инсоннинг ажралмас ва табиий ҳукуки бўлиб, у мамлакатда ўлим жазосини белгилаш, тайинлаш ва ижро этишни қатъий инкор этади. Ўлим жазоси энг оғир жиноий жазо бўлиб, у кўлланиладиган деярли барча давлатларда ўта оғир, инсон ҳаётига қасд қиласиган жиноятлар учунгина кўзда тутилган.



Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **Конституциямизга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”**, деган яна бир муҳим нормани киритишни таклиф қилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасининг 25-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади” деган қатъий норма мустаҳкамланмоқда. Шу тарика, давлатимиз бу ниҳоятда жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содик эканлигини бутун дунёга намоён қилмоқда.

Тарихга назар ташласак, 1994 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси белгиланган эди. Ўлим жазоси белгиланган нормалар босқичма-босқич қисқартирилиб, 2008 йил 1 январдан эса ўлим жазоси жиноий жазо сифатида батамом бекор қилинди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва тақиқланиши БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги **Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** талабларига ҳам тўлиқ мувофиқ келади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юқори судлар томонидан аввал чиқарилган кўплаб ҳукмлар қайта кўрилиб, оқлов ҳукмлари чиқарилмоқда. Демак, судлар ҳам хатоларга йўл қўйиши мумкинлиги хавфини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, ўлим жазоси тайинланган шахсга суд келгусида оқлов ҳукми чиқарадиган бўлса, ноҳақ айбланган инсон ҳаётини ортга қайтаришнинг ҳеч қандай имкони йўқ!

Ўлим жазосига қайтмаслик юзасидан Ўзбекистоннинг қатъий позицияси Конституцияда мустаҳкамланиши давлатимизда инсон ҳаёти ва қадри юқори даражада муҳофаза этилишини яна бир бор тасдиқлади.

Бугунги кунда **106** давлатда (**Канада, Аргентина, Дания, Франция, Италия, Норвегия, Швеция, Болгария, Польша ва бошқалар**) ўлим жазоси барча жиноятлар учун бекор қилинган.

Конституцияга ушбу норманинг киритилиши билан Ўзбекистон инсонпарварлик ғояларига ўз содиклигини намоён этади, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўлим жазосини қайтариш бўйича ҳар қандай ташабbusларга барҳам беради. Пировардида эса ҳар бир инсоннинг, ҳатто у жиноят содир этган бўлса ҳам, яшаш ҳуқуқининг кафолатланишига хизмат қилади.



25-савол: “Миранда қоидаси” тушунчаси ва мазмун-моҳияти нима ҳамда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига “Миранда қоидаси”га оид қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: Шахсни ушлаб туриш чоғида унга ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асосларининг тушунтирилиши (“Миранда қоидаси”) халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган норма бўлиб, суриштирув, тергов ва суд жараёнларида қонун бузилишига йўл қўймасликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 27-моддасида “Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт”, деган норма белгиланмоқда.

“Миранда қоидаси” ўз тарихига эга. 1966 йилда жиноят содир этган Э. Мирандан ҳибсга олган АҚШ Аризона штати полицияси уни сўроқ қилишдан аввал гумон қилинувчи сифатида ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги туфайли, кейинчалик унинг айбга икрорлиги тўғрисидаги кўрсатмаси асосида чиқарилган ҳукм АҚШ Олий судида бекор бўлган. “Миранда қоидаси”га (инглизча: *Miranda warning*) биноан шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши, айбланувчи айловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор қилиниши, шунингдек, сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, жиноят ишларида ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги, малакали юридик ёрдам таъминланиши талаб этилади.

Кўпчилик фуқароларимиз тергов органлари томонидан кимдир қўлга олинганида, у нима учун ушланганлиги айтилмаслигидан, айтилғанида ҳам ушлаш сабаблари ва айбноманинг асл маъносини тушунмаслигидан шикоят

Miranda vs. Arizona

1966



қиладилар. Айрим·холларда, ушланган шахс ўз хукукларини билмаган шароитда тергов органлари томонидан айбига иқрорлик кўрсатмалари беришга мажбурланиши хавфи мавжуд. Айнан процессуал ушлаш вактида инсон оғир рухий холатга тушади ва хукуқий ёрдамга айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда **айбдор ёки айбизлигини исботлаш мажбурияти унга эмас**, аксинча, тергов органларига тўлиқ юклатилганлигини англай олмайди.

Муҳими, мазкур қоидага кўра, шахснинг хукуқлари у яхши тушунадиган тилда тушунтирилиши ва бу тил айнан унинг она тили бўлиши шарт бўлмай, шахс одатда мулоқот қиладиган ва яхши тушунадиган тил бўлиши талаб этилади. Шу нуктаи назардан, ушбу қоида ушланган шахсга унинг хукуқлари реал таъминланишини кафолатлайди ва унга нисбатан тергов органлари томонидан алдов, нотўғри маълумот бериш ва бошқа ҳар қандай қонунга хилоф усуllар кўлланилишининг олдини олади.

“Миранда қоидаси”нинг мазкур талаби **Испания, Греция, Нидерландия, Хорватия, Словения** ва бошқа бир катор давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган.

Ушбу қоиданинг Конституцияга киритилиши шахснинг асоссиз ушланиши, адвокат иштирокисиз ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур қилинишининг олдини олади. Айниқса, ўз хукукларини яхши билган ва талаб қиладиган инсонларга нисбатан тергов вактида зўравонлик ёки қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш эҳтимоли янада пасаяди.



26-савол: “Хабеас корпус” институти тушунчаси ва мазмун-моҳияти нима ҳамда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига “Хабеас корпус”га оид қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: Инсон хукукларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича муҳим институтлардан бири **“Хабеас корпус акт”** халқаро даражада умумэтироф этилган хужжат сифатида **шахс эркинлигини таъминлаш йўлида ўзига хос янги даврга асос солган**.

“Хабеас корпус” (лат. *habeas corpus*) – “танани судга келтириш”, яъни ушланган ёки ҳибсга олинган шахсниadolatli суд мухокамасига бўлган хукуки хисобланиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция



Government of Ireland Act
1920 ("repealed 2.12.1999")

1920- йил № 37. 10 маи 1920 й.

бериш, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуровлар чораларнинг асослилигига фақат суд томонидан баҳо бериш амалиётининг жорий қилиниши, ўз навбатида, **суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини** таъминлашни, жиноят процессида **тортишув принципини кучайтиришни** назарда тутади. “Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экслумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлар прокуратурадан судларга ўтказилди.

Қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётини келтирадиган бўлсак, **2022 йилда** тергов органларидан судларга келиб тушган жами **24 118** та илтимосномадан **23 503** таси қаноатлантирилган, **485** таси эса рад этилган, яъни 485 нафар шахсга нисбатан асосиз равиша қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишининг олди олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида **“Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарур. ...** Бу ҳақдаги мухим нормани ҳам Асосий қонунимизда акс этиришимиз зарур. Бундай қоидалар инсон, унинг ҳаёти, хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади”, деб таъкидлади.

Шу мақсадда янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 27-моддасида **“Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади.**

Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас”, деган инсонпарвар қоидалар мустаҳкамланмоқда.

Мазкур талаб **Испания**, **Греция**, **Нидерландия**, **Хорватия**, **Словения** ва бошқа давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамланган.

Янги киритилаётган норманинг аҳамияти шундаки, эски тузумдан мерос бўлиб қолган суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларни жазоловчи ёндашувидан инсон хуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчи, поймол қилинган хуқукларни тикловчи, рағбатлантирувчи ёндашувига ўзгартиради. Хусусан, жиноят процессида фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга, суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноконуний харакатлардан тийиб туришга, шахснинг асоссиз хибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, шу орқали инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган хатоларга йўл қўйилмаслигига ҳамда ҳалқимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга хизмат қиласди.



27-савол: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш борасида янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда айбсизлик презумпцияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 28-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қўйидаги кафолат белгиланмоқда: “айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”.

Таъкидлаш лозимки, муайян жиноят иши бўйича суринтирувчи, терговчи тергов харакатлари, суд эса суд тергови оркали далиллар тўплайди.

Айрим холатларда тўпланган далилларни баҳолашда уларга нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бунда, шубҳалар айблов томонга ишлатилиши керакми ёки химоя фойдасигами, деган савол юзага келади.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига киритилаётган ушбу инсонпарвар янги норма бундай вазиятда айбдорликка оид барча шубҳалар гумон килинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг фойдасига ҳал қилинишини катъий мустаҳкамламоқда.

Шахсни айбли эканлигига оид ҳар қандай шубҳалар, шунингдек айблаш учун етарли бўлмаган маълумотлар асосида шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Терговда шубҳа остидаги далиллар асосида айб эълон килинган бўлса ҳам, бундай вазиятда шахсни айбини тасдиқловчи далилларнинг етарли эмаслиги туфайли судда унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади. Яъни **“исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг”**, деган коида амал қиласи. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз судлари томонидан сўнгги **6 йилда 4 минг 700 нафардан ортиқ фуқаро оқланган**.

Бундай нормалар **Озарбайжон, Чехия, Грузия, Хорватия, Япония, Словакия** ва бошқа давлатлар конституцияларида ўрин олган.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган мазкур нормалар тўғридан-тўғри амал қилувчи қоидалар бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда натижада фуқароларимизни асоссиз ва қонунга хилоф жиноий таъқибдан химоя қиласи, тергов органлари томонидан жиноятда айбланаётган шахсларнинг ҳукуқлари бузилишининг олдини олади.





28-савол: Жиноят процессида шахснинг
“сукут сақлаш ҳуқуқи” белгиланишининг
аҳамияти нимада?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида айбезлиқ презумпциясидан келиб чиқадиган яна бир мухим кафолат, яъни “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбезлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин”, деган қоида мустаҳкамланмоқда.



Айтиш мӯҳимки, жиноятни фош этиш ва уни содир этган шахсларни аниқлаш вазифаси каби жиноят бўйича исботлаш мажбурияти ҳам тўлалигича тергов органларига юклатилган. Жумладан, дастлабки терговда шахсга нисбатан айблов суриштирувчи ва терговчи томонидан эълон қилиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилади. Айнан шунинг учун ҳам шахсни айбли ёки айбезлигини исботлаш мажбурияти мазкур шахслар зиммасидадир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзининг жиноядада айблилиги ёки айбезлигини исботлаш жараёнида иштирок этишга мажбур эмас. Агар истаса, шахс ушланган вақтидан то ҳукм чиқарилгунга қадар умуман сукут сақлаши мумкин – бу унинг ҳуқуқи.

Одатда, шахсга нисбатан жиноят иши очилганда у оғир руҳий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди ва шундай вазиятда айби бор ёки йўқлигини исботлаш ўзининг эмас, аслида тергов органларининг вазифаси эканлигини англамай ўзига қарши кўрсатмалар бериши амалиётда учраб туради.

Шунингдек, сукут сақлаш ҳуқуқига бўлган эҳтиёж жиноят процессининг энг бошланғич нуқтасида – шахс жиноят содир этишда гумонланиб ушланган заҳотиёқ юзага

келади. Яъни шахснинг эркинлиги чекланиши билан дарҳол унга сукут сақлаш хукуки тушунтирилиши шарт.

Мазкур хукуқ шахсга ўз адвокати билан кўришмай туриб, иш юзасидан ҳеч бир маълумотни ошкор қилмаслиги орқали айбловдан самарали ҳимояланиш позициясини шакллантириши учун муҳимдир.

Сукут сақлаш хукуқига оид бундай нормалар **Мексика**, **Миср**, **Грузия**, **Сербия**, **Озарбайжон**, **Арманистон** ва бошқа давлатлар конституцияларида ўрин олган.

Мазкур кафолатнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши суриштирув ва дастлабки терговда жиной таъкиб остидаги шахси мажбуран икрорлик кўрсатмаларини беришга ундаш ва бошқа бу каби қонунга хилоф харакатларнинг олдини олишга хизмат қиласди.



29-савол: Шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслигига оид қоида Конституция даражасида мустаҳкамланишининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик хукукининг кафолатланиши суриштирув, тергов ва суд жараёнларининг холислик ва адолат тамойилларига таяниб амалга оширилишини таъминлайди.



Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 28-моддасига **“Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас”**, деган мазмундаги инсонпарвар ва қадриятларимизга мос норма мустаҳкамланмоқда.

Табиий савол туғилади, нима учун жиноят иши бўйича шахс ўзига ёки яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас?

Биринчидан, ушбу коида шахсга нисбатан ҳар қандай айлов кўриб чиқилаётганда тезкор-қидиув ходими, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан унга нисбатан босим ўтказишдан ҳимоялайди, **иккинчидан**, ўз айбига мажбуран икрор бўлишининг олдини олади, **учинчидан**, жиноят процесси иштирокчисидан мажбурий равиша унинг қариндошларига қарши кўрсатув олишни тақиқлайди.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактда ҳам “ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбор деб тан олишга мажбур қилинмаслик” кафолати белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 116-моддасида **шахснинг ўз қариндошларига қарши кўрсатув беришдаги эркинлиги** белгиланган бўлиб, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг **яқин қариндошлари гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.**

Лекин, афсуски, тергов амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, айрим тергов ходимлари фуқароларимиз ўзининг бундай ҳуқуқи борлигини билмаслигидан фойдаланиб, ўз қариндошига нисбатан гувоҳлик бериш эркин эканлиги ва бу каби гувоҳлик беришдан бош тортиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд эмаслигини тўлиқ тушунтирмайдилар. Натижада инсонларнинг мазкур ҳукуқдан амалда реал фойдаланиши чекланади.

Мазкур талаб қатор давлатлар конституцияларида, масалан, Испания, Греция, Нидерландия, Хорватия, Словения ва бошқа мамлакатларда мустаҳкамланган.

Бу қоиданинг Конституцияда белгиланиши жиноий таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланишининг олдини олишга хизмат қиласи.



30-савол: Шахснинг ўз айбини тан олиши уни айбор деб топишга асос бўлмаслигига оид қоиданинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Жавоб: Хукукий давлатда қонун устуворлиги амалда таъминланиши ҳамда инсон хукук ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя килувчи одил судлов тизими амал қилиши шарт.

Энг муҳими, шахслар ноконуний, асоссиз ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлардан иборат далиллар асосида айбор деб топилиши ва жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жиноий таъқибга олинган шахснинг иқрорлик кўрсатувларигагина асосланиб, уни айбор деб хулоса чиқариш одил судлов тамойилларига зиддир.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 28-моддасида “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”, деб белгиловчи норма ўз ифодасини топмоқда.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Фақатгина шахснинг ўз айбини бўйнига олиш ҳақидаги кўрсатувни уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги лозим. Бунда шахсни айбор деб топиш ва уни жазога тортиш учун етарли далиллар тўпланган бўлиши керак. Бу каби қоида Япония ва бошқа давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамланган.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 112-моддасига кўра, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрорлик бошқа ишончли далиллар мажмуй билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.



Мазкур қоида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасидаги “ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик” кафолатидан ҳам келиб чиқади.

Ушбу қоида содир этилган жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, айни пайтда жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.



31-савол: Судланганликнинг ҳуқуқий оқибати таъсири билан боғлиқ қандай инсонпарвар қоида белгиланмокда?

Жавоб: Афсуски, яқин-яқингача мустабид тузумдан қолган иллат фуқароларни ишга олишда эскидан сақланиб қолган амалиёт, яъни қариндошлари судланган, деб ишга қабул қиласлик ёки юқори лавозимга тайинласлик ҳолатлари учраб турар эди.

Табиий савол туғилади, жиноят учун бутун бир авлод жавоб бериши адолатданми? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши керак?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Бундай адолатсиз “тизим”дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидағи сиёсий қатагонларнинг ўзи етарли эмасми?!” – деб таъкидлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 28-моддасида “Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас”, деган инсонпарвар ва адолатли норма мустаҳкамланмокда. Унинг моҳияти нимадан иборат, деган савол туғилади.


Судланганлик шахсга судхукми билан жазо тайинланганидан кейин унга нисбатан муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, судланганлик давлат бошқаруви, ҳукукни муҳофаза килувчи органларга ишга кириш ёки уларда тегишили лавозимларни эгаллашда, ҳарбий хизматни ўташда, сайданиш ҳукуқидан фойдаланишда ёхуд муайян фаолият билан шуғулланишда қатор тақиқларни юзага келтиради.

Аммо шахснинг судланганлиги билан боғлиқ турли чекловлар унинг ўзи билан чекланиб, бошқа шахсларнинг ҳукуқларига таъсир қилмаслиги ва **ҳеч бир ҳолатда инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бермаслиги керак!**

Қолаверса, меҳнат қонунчилигига кўра, шахсларни яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик ҳолати ишга қабул қилишни **ғайриқонуний равишда рад этиш**, деб хисобланади.

Афсуски, бир неча йиллар аввал шахсга унинг қариндошлари судланганлиги ҳолати таъсир этишини назарда тутувчи эскича ёндашув оқибатида кўплаб юртдошларимиз азият чеккан. Масалан, одатда, бир оиласда ота-она, бир неча ака-ука, опасингил ва фарзандлар бўлса, бу оиласнинг биргина аъзоси қилган хатоси 10 нафардан ортиқ инсонларнинг ҳаётига салбий таъсир этарди. Қанчалик уринмасин, меҳнат қилмасин, яқинининг судланганлиги инсоннинг касбий ўсиши, шахс сифатида ривожланиши, жамиятда нуфузли ўринга эга бўлишига тўғридан-тўғри тўсик бўлар эди.

Асосий қонумизга киритилаётган мазкур қоида судланган шахслар қариндошларининг ҳукуқларини асоссиз чеклашни тақиқлайди. Мустабид тузумдан мерос бўлган салбий тажрибадан воз кечиб, ҳар ким факат ўзи содир этган жинояти учун жавоб беришини амалда таъминлашга хизмат қиласди.





32-савол: Жиноят процессида адвокат ёрдамидан фойдаланиш хуқуқига оид қандай янги хуқукий кафолатлар киритилмоқда?

Жавоб: Сўнгги йилларда давлатимизда фуқароларнинг хукуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, уларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган хуқуқини таъминлашга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Айни шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 29-моддасида “Хар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг харакатланиш эркинлиги хуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш хуқуқига эга”, деб белгиланмоқда. Мазкур норма жиноят процессида адвокат ёрдамидан фойдаланиш хуқукини кафолатламоқда.

Адвокат ёрдамидан фойдаланиш учун, энг аввало, профессионал адвокатлар корпусининг мавжудлиги талаб этилади. Бугунги кунда мамлакатимизда 4500 нафардан ортиқ адвокат фаолият юритмоқда. Энг муҳими, жамиятда адвокат хизматига эҳтиёжнинг ва ахоли хуқуқий маданияти даражасининг ортиб бориши кузатилмоқда.

Жиноят процессининг ҳар қандай босқичида адвокат ёрдамидан фойдаланиш деганда, адвокат томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, биринчи инстанция судида, ҳукмни ижро этиш, апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриб чиқишида жиноий таъқибга олинган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахсларнинг қонуний хукуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши тушунилади.



Шахс ушланганида унинг ҳаракатланиш эркинлиги хукуки амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуки таъминланади. Яъни ушбу норма жиноятни содир этишида гумон қилинган шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса, унга нисбатан ноқонуний ёки асоссиз айблов қўйилишидан, турли босимлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Шунингдек, шахс ўз танловига кўра, яъни адвокат ёрдамидан фойдаланиши ёки бундай ёрдамдан воз кечиши мумкин. Агар шахсда адвокат хизматидан фойдаланиш истаги бўлса-да, бунга моддий имконияти бўлмаса, давлат ҳисобидан ҳимояланиш ҳуқуки таъминланиши кафолатланмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ бугунги кунда бепул юридик ёрдам асосан жиноят-процессуал қонунчилиги доирасида кўрсатилади. Фуқаролик ишлари, меҳнат низолари ва бошқа йўналишларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилмайди. Конституцияга мазкур янгиликлар киритилса, фуқароларимиз нафақат жиноят ишлари доирасида, балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа соҳаларда ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиши мумкин бўлади.

Ушбу кафолат қатор давлатлар конституцияларида, жумладан, Испания, Греция, Нидерландия, Хорватия, Словения ва бошқа мамлакатларда мустаҳкамланган.

Мазкур коида фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада ишончли таъминланишига, уларга нисбатан турли босим ва ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг ҳамда асоссиз айбловнинг олди олинишига хизмат қиласи.



33-савол: Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлат қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмоқда?

Жавоб: Ҳар қандай демократик ҳуқукий давлатда шахсларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, ундан жабрланганларнинг ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга.

Хуқуқбузарлик – шахс, жамият, давлат манфаатларига заарар келтирувчи, ижтимоий хавфли, айбли, хуқукка зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлиб, юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи қилмидир. Хуқуқбузарликнинг фуқаровий, интизомий, маъмурий, жиноий турлари мавжуд бўлиб, уларни содир этганлик учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Хуқуқбузарликнинг энг хавфли кўриниши бу – жиноядир. Жабрланувчи деб жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликдан жабрланган шахс тушунилади.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 29-моддасида “Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шартшароитлар яратади”, деган янги норма белгиланмоқда. Мазкур норма давлат зиммасига хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юкламоқда.

Шу билан бирга, Конституция лойиҳасида хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатга яна қўйидаги мажбуриятлар юклатилмоқда:

Биринчидан, жабрланганларга ҳимояланиш учун шартшароитларни яратиш, яъни жабрланганларга хуқукий, ижтимоий, моддий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам ёки ташкилий-хуқукий чораларни кўрсатиш. Масалан, одам савдосидан ёки бошқа зўравонликлардан жабрланганларга тиббий ёки психологик ёрдам, мол-мулкидан маҳрум бўлганларга етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилади;

Иккинчидан, одил судловдан фойдаланишни таъминлаш учун шартшароитлар яратиш, хусусан, шахсларни давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг гайриқонуний



қарорлари ҳамда бошқа фуқароларнинг ғайриконуний хатти-харакатларидан (харакатсизлигидан), шунингдек хукуқ ва ёркинилкleriiga тажовузлардан суд химоясида бўлиш хукуқи кафолатланади;

учинчидан, жабрланувчиларга етказилган заарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиш. Бунда давлат хукуқбузарлик туфайли фукарога, унинг мол-мулкига етказилган заарни хукуқбузардан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича ташкилий-хукукий чораларни кўради. Масалан, амалдаги қонунларга кўра, фирибгарлик жинояти бўйича заар қопланмаса, хукуқбузарга нисбатан амнистия ёки афв қўлланилмайди.

Шу каби нормалар **Бразилия, Озарбайжон, Миср, Чехия** каби давлатлар конституцияларида ўрин олган.

Ушбу норма жиноят ёки хукуқбузарлик содир этганларни жазолаш билан бирга, аввало, жабрланувчиларнинг бузилган хукуқлари тикланишини, уларга етказилган моддий ва маънавий заарлар қопланишини кафолатлади.



34-савол: Шахсий ва оиласий сирга эга бўлиш хукуқи янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида мустаҳкамланмоқда, бу фуқароларга нима беради?

Жавоб: Шахсий ва оиласий сирларга эга бўлиш инсоннинг муҳим хукуқларидан бўлиб, у давлат томонидан кафолатланиши, Конституция ва қонун ҳужжатлари билан муҳофаза этилиши лозим.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 31-моддасида ҳар бир инсон шахсий ва оиласий сирга эга бўлиш хукуқини белгиловчи муҳим қоида мустаҳкамланмоқда.

Шахсий сирлар – бу инсон ҳётидаги воқеалар, фактлар, шароитлар тўғрисидаги ҳар қандай инсоннинг ўзи очиқлашни хоҳламаётган маълумотлардир. Қачонки шахс бу маълумотларни ўз хоҳишига кўра очиқласа, унинг сир тутилиш мақоми бекор бўлади.

Оилавий сирларнинг шахсий сирлардан фарқи шундаки, у оиланинг бир неча аъзоларига тегишли бўлади. Бунда, сир оиланинг барча аъзолари томонидан эмас, балки бир-икки аъзоси томонидан ҳам махфий деб топилиши мумкин. Оилавий сирларда маълумотлар оиланинг барча аъзоларига ёхуд баъзи бирларига алоқадор ҳам бўлиши мумкин.

Шахсий ёки оилавий сирга нафақат кишини ёки унинг оиласини обрўсизлантирувчи, шарманда қилувчи маълумотлар, балки шахс махфий сақлаб қолишни истаётган бошқа маълумотлар ҳам киради.

Афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали шахснинг оилавий ёки шахсий сири тўғрисидаги маълумотларни, фотосуратлар, ўзаро ёзишмаларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (1948 йил), **Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда** (1966 йил) ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, унинг ёзишмаларидағи сирларига ёки унинг номуси, шаънига тажовуз қилиш мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Шахсий ва оилавий сирлар Ўзбекистон қонунчилиги билан муҳофаза қилинади. Хусусан, инсоннинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равиша йиғанлик ёки тарқатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу норма билан шахсий ва оилавий сирлар эндиликда конституциявий норма даражасига кўтарилиб, давлат кафолати кучайтирилмоқда.






35-савол: Шахс ўзига доир маълумотларни химоя қилиши бўйича қандай конституциявий нормалар киритилмоқда?

Жавоб: Шахс ўзига доир маълумотларни химоя қилиши унинг шахсий ҳуқукларидан бири хисобланади ва мазкур ҳуқуқ давлат томонидан таъминланиши керак.

Шу муносабат билан янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 31-моддасида “Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқукий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга”, деган қатъий норма белгиланмоқда.

Шахсга доир маълумотлар сифатида инсоннинг бевосита ўзига тааллуқли бўлган электрон ёки қофозда қайд этилган маълумот тушунилади. Масалан, шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, касби, фуқаролиги, маълумоти, оиласиб аҳволи, иш жойи, яшаш манзили, оила аъзолари, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, партиявийлиги, ҳарбий хизматга алоқадорлиги каби маълумотлар улар сирасига киради.

Инсон туғилганидан бошлаб у ҳақидаги маълумотлар унинг ҳаёти давомида бирор-бир жойда “из” қолдиради. Жумладан, давлат хизматларидан фойдаланганда, шифохонада, ФХДЁ бўлимларида, боғчада, мактабда, банкларда ва бошқа ташкилотларда, кундалик фойдаланадиган ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда ёки маълумотлар базаларида шахснинг **фото, видео, аудио, ёзма** ёки электрон шаклдаги шахсга доир маълумотлар мавжуд.



Айниқса, ракамлаштириш шароитида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга эхтиёж тобора ортиб бормоқда. Чунки айримлар ўзгаларга тегишли шахсий маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам амалиётда кўп учрамоқда.

Давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Хусусан, давлат шахснинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилинишини, шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сакланишини, махфийлигига риоя этилишини, қонунга хилоф равища ишлов берилшининг олди олинишини таъминлаши лозим.

Инсон қадри улуғланаётган Янги Ўзбекистонда шахс билан боғлик бўлган маълумотларни ҳимоя килиш бўйича чинакам янги давр бошланди. Жумладан, 2019 йилда қабул қилинган **“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”**ги Конун бунинг ёркин тасдидидир. Унга кўра, шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган шахслар ушбу маълумот эгасининг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт.

Шу билан бирга, Конституцияга фуқаронинг ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки хукуқий асосларга эга бўлмаган маълумотларнинг **йўқ қилинишини талаб қилиш хукуқини кафолатловчи** янги коида киритилмоқда.

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ёки юридик шахсдан шахс ўзи тўғрисидаги маълумотлардаги турли хатоликларни бартараф этишни, шунингдек унинг розилигисиз, ноқонуний тарзда йиғилган ҳамда хукуқий асоси бекор бўлган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилишга ҳақли. Башарти ташкилот бу талабни таъминламаса, шахс бузилган хукуқларини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мисол учун, ўзига алоқадор бўлмаган мақолада сурати акс этган шахс ушбу мақолани тарқатган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек давлат органидан ўз суратини мақоланинг таркибидан чиқариб ташлашни (йўқ қилишни) талаб қилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда (Сингапур, Япония) “унутилишга бўлган хукуқ” (*right to be forgotten*) деган ном билан қўлланиувчи ушбу хукуқ шахснинг ўзи ҳақидаги конунга хилоф йўл билан тўплланган ёки хукукий асосларга эга бўлмаган маълумотларни ахборот ресурсларидан, жумладан Интернетдан йўқ қилинишини талаб қилиш хукуқини англатади.

Мазкур норма Германия, Испания, Словения, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган, шунингдек Европа иттифоқининг Маълумотларни ҳимоя қилиш регламентида (General Data Protection Regulation) ҳам белгилаб қўйилган.

Бундай норманинг киритилиши, инсоннинг шахсий дахлсизлигини таъминлашни Конституция даражасида мустаҳкамлайди, пировардида ҳар бир инсонга унинг ўзигагина тегишли бўлган маълумотларнинг сир сақланиши, унинг розилигисиз берилиши, олиниши ёки тарқатилишининг кафолати бўлиб хизмат қиласди.



36-савол: Шахснинг республика бўйлаб эркин ҳаракатланиш хукуқига эгалиги белгиланиши инсонларнинг ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади?

Жавоб: Эркин ҳаракатланиш хукуки шахснинг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга бориш, турага ва яшаш жойини эркин ўзгартириш, мамлакатдан чиқиш ва қайтиш хукуқини қамраб олади.

Мазкур хукуқ инсоннинг эркин ривожланишига хизмат қиласди ва у Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисида халқаро пакт ва бошқа инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларда алоҳида эътироф этилган.



эркин ҳаракатланиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда “фуқароларнинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, туарар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим”лигини Конституция даражасида мустаҳкамлашни таъкидлаган эди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 32-моддасида “Конуний асосларда Ўзбекистон Республикаси худудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, туарар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно”, деган норма белгиланмоқда.

Сир эмаски, мамлакатимизнинг яқин ўтмишида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чекловчи қонун ости ҳужжатлари мавжуд эди. Масалан, баъзида фуқароларимиз Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз ўта олмас эди, уларнинг билим олиши, даволаниши, ишлаши ёки қариндошларини кўриши учун пойтахтга келиб туришида ҳам қийинчиликлар мавжуд эди. Фуқароларимизнинг хорижга чиқиши учун эса рухсатнома (стикер) расмийлаштириш талаб этиларди. Бундай тўсиқларнинг аксарияти **Ҳаракатлар стратегияси** доирасида бартараф этилди, хусусан, йўлларда назорат постлари олиб ташланди, “прописка”, хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириш тартиби бекор қилинди.

Эркин ҳаракатланишга оид янги норма инсон қадрини камситувчи, ҳаракатланиш эркинлигига тўсиқ бўлган чекловларни бартараф этиб, ҳар бир шахснинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишини кафолатлайди, аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратишга, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожига, урбанизация жараёнларининг самарали амалга ошишига ва барқарор ривожланишига муҳим омил бўлади.

Эътиборли жиҳати шуки, мазкур норма нафақат фуқароларимизнинг, балки Ўзбекистонда турган фуқаролиги

бўлмаган шахсларнинг ҳамда хорижий фукароларнинг ҳам мамлакатимиз ҳудудида эркин ҳаракатланишини кафолатлайди.

Бу эса Ўзбекистон ҳудудида бўлиб турган ҳар ким республиканинг хоҳлаган жойига бориш, саёҳат қилиш, билим олиш, ишлаш, тадбиркорлик қилиши имкониятини беради.



37-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига шахснинг туарар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига оид қандай янгилик киритилмоқда?

Жавоб: Туарар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи – шахсга давлат ҳудуди доирасида туарар ва яшаш жойини эркин ўзgartириш имконини берувчи шахсий ҳуқуқ бўлиб, инсон шахсининг эркин ривожланиши учун муҳимdir.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 32-моддасида “**Конуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, туарар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга**, бундан конунда белгиланган чекловлар мустасно”, деган норма белгиланмоқда.

“**Туарар жой**” ва “**яшаш жой**” тушунчалари бирбирига ўхшаш бўлса-да, улар фарқланади, туарар жой – шахснинг вактинчалик туарар жойи бўлса, яшаш жойи эса – шахснинг доимий **яшаш жойи** сифатида тушунилади. Фуқаролик кодексида фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади. Масалан, фуқаронинг меҳмонхонада, ётоқхонада, қариндошлари ёки яқинларининг уйида яшаб турган манзили унинг **туарар жойи**, доимий рўйхатдан ўтиб яшаб турган уйи **яшаш жойи** ҳисобланади.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 12-моддасида бирор-бир давлат ҳудудида конуний



равишида турган ҳар бир инсоннинг ушбу давлат ҳудуди доирасида эркин харакатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга эканлигининг белгиланганлиги инсон ҳуқуқлари нуктаи назаридан мухим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг туарар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқини тўлаконли таъминлаш максадида, узоқ йиллардан буён оғрикли масала бўлиб келган, фуқароларни камситувчи “прописка” тизими йўқ қилинди. Бундан ташқари, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш” тизимини янада соддалаштириш белгиланди.

Мазкур ҳуқуқларнинг Конституцияда тўғридан-тўғри кўрсатилиши фуқароларимизга Ўзбекистон бўйлаб, хусусан, Ватанимизнинг барча вилоятларида, туманларида, шахарларида эмин-эркин ҳаракатланиш, яшаш ва фаолият олиб боришлигини таъминлайди ҳамда фуқароларимизни пойтахтга ёки бошқа ҳудудларга бориб бемалол билим олишлари, ишлашлари, тадбиркорлик билан шугулланишларига хизмат қиласи ва бошқа ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширишга кўмаклашади.

 38-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига Интернет тармоғига оид қандай норма киритилмоқда?

Жавоб: Интернет (*лат. inter – apo ва net – тармоқ*) – бу ахборот алмашиш, сақлаш ва узатиш учун ахборот-коммуникация тармоғи ва ўзаро боғланган бутунжаҳон компьютер тармоқлари тизими бўлиб, ҳозирда ҳаётни Интернетсиз тасаввур этиш қийин.

Интернетдан фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, энг аввало, ахборотни излаш, олиш, алмашиш ва тарқатишни, шу жумладан, сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга кўмаклашади.

Шуни инобатга олиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 33-моддасида “Давлат Интернет жаҳон


ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади", деган норма мустаҳкамланмоқда.

Кундалик хаётимизда таълимдан тортиб савдо-сотикқача, давлат органига мурожаат этишдан тортиб коммунал тўловларни тўлашгача бўлган барча жараёнларни Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. IT йўналишида мутахассислар тайёрлаш кўламининг кенгайтирилаётанилиги давлатнинг иқтисодий ривожига ва тараккиётига кўмаклашади, жамиятнинг очиқлиги ва креативлигини оширади.

Интернет тармоғига киришни таъминлашга оид янги конституциявий норма мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини, хусусан, сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши бир неча бор ўз резолюцияларида **Интернетда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш зарурлиги** бўйича тавсияларини берган. Хусусан, 2011 йил 3 июндаги йиғилишида ҳам **Интернет инсон ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашувчи муҳим восита сифатида тан олинган.**

Шу нуқтаи назардан, давлат томонидан Интернет тармоғининг доимий равишда ривожлантирилиши **замонавий дунёда қўйилаётган янгича талаб – инсон ҳуқуқларини нафақат анъанавий шаклда (оффлайнда) таъминлаш, балки ушбу ҳуқуқларни виртуал маконда, онлайн шаклда ҳам амалга оширишга имконият яратади**. Масалан, мамлакатимизда фуқароларнинг билиш олиш ҳуқуқини факат ўкув юрти биносига келиб эмас, масофадан амалга оширишга, электрон давлат хизматларини кўрсатишга, мурожаатларни электрон тарзда тақдим этишга ва бошқа шу каби имкониятларга шарт-шароит яратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда фуқароларимиз ва ташкилотларни Интернетга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида



бир катор карорлар қабул килиниб, ташкилий-хукукий чоралар кўрилмоқда. Натижада Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2016 йилда 12,1 млн бўлган бўлса, 2022 йилга келиб деярли уч баробар, яъни 31 млн дан ошди, шунингдек, мамлакатимиз аҳоли яшаш масканлари худудини Интернет тармоғи билан қамрови эса 2016 йилдаги 28% дан, 2022 йилда 98% га етган. Мобиль телефондан фойдаланувчи аҳоли 29,5 млн дан ошди. Одамларимиз банкда ҳисоб рақами очиш, маҳсулот ёки хизматлар учун тўловлар қилиш ва бошқа 400 га яқин давлат хизматларидан уйидан чиқмасдан, телефон орқали фойдаланмоқда.

Бундай норманинг Конституцияга киритилиши рақамли технологиялар асида Интернетга оид қонунчиликни такомиллаштиришга, аҳолининг, айниқса, олис ва чекка худудларда яшовчиларнинг ҳам Интернет тармоғига уланишига, пировардидага хар бир шахснинг Интернетдан фойдаланиш ҳукуқини, жамият ва давлатнинг эса очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.



39-савол: Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳукуқлар кафолатланшининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган очиқлик сиёсати натижасида фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳукуқлари кенгайиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида хар кимга ахборотни излаш, олиш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳукуқи кафолатланмоқда. Унинг 33-моддасида ахборот билан боғлиқ қўйидаги нормалар белгиланмоқда:

Биринчидан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳукуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ йўл қўйилиши қатъий белгилаб қўйилмоқда. Бунда шахсларнинг



ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган хуқуклари конун ости ҳужжатлари, жумладан Ҳукумат карорлари, вазирлик ёки идоранинг, ҳокимликларнинг норматив-хуқукий ҳужжатлари билан, шунингдек, оғзаки ёки ёзма кўрсатмалари билан чекланиши мумкин эмаслиги конституциявий даражада мустахкамланмоқда.

Эндиликда шахсларнинг ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган хуқуклари факат ҳалқ вакиллари фаолият кўрсатадиган Олий Мажлис томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинган қонунлар билан чекланиши мумкин;

иккинчидан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш чегарасининг асослари ёки аниқ рўйхати кўрсатилмоқда. Унга кўра, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган хуқуқни чеклашга факат қонунга мувофиқ ҳамда факат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

Бошқа шахсларнинг хуқуклари ва обрў-эътиборини хурмат қилиш учун ёки давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг соғлигини ва ахлоқни муҳофаза этиш учун шахснинг айrim хуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкинлиги **Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда** ҳам белгиланган.

Сўз эркинлиги ва ахборот олиш хуқуки билан боғлиқ чекловлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик конунчилигимизда ҳам кўзда тутилган. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда фуқарога маънавий ёки моддий заарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этганлик, ёлғон ахборот тарқатиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур янги конституциявий нормалар нафақат фуқароларимизнинг ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш, шу

жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган холда излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлайди, балки мазкур ҳуқук сунистеъмол-қилинишининг олдини олиш, шахс, жамият ва давлатнинг химояси ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.



40-савол: Давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқлилик нима ва унинг Конституцияда мустаҳкамланиши фуқароларга нима беради?

Жавоб: Давлат хизматига киришда номзодларга жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланиши орқали тенг ҳуқуқлилик амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, бу жараёнда одам ажратмасдан, барчага бир кўз билан қаралади, “**фалончининг ўғли**”, “**пистончининг жияни**” бўлганлиги учун унга устунлик бериш каби ҳолатларга асло йўл қўйилмайди. Энг асосий мезон – профессионаллик талаби, яъни қанчалик даражада ўз касбини чукур билишидир.



Давлат хизмати самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очик-ошкора тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 37-моддасида “**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар**”, деган қоида белгиланмокда. Давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги принципи 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конунда ҳам мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда давлат органларида давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан

фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб бориши таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари амал қилмоқда.

Фуқаровий ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасида “**ҳар бир фуқаро ҳеч бир камси-тишсиз ва асосланмаган чеклашларсиз ўз мамлакатида умумий тенглик шартларида давлат хизматига кириш**” ҳукуқига эгалиги белгиланган.

Ўхша什 нормалар **Италия**, **Латвия** ва бошқа давлатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Бундай ҳукуқнинг берилиши фуқароларга давлат хизматига киришда ортиқча талаблар қўйилишининг, коррупциявий ҳолатлар, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, кариндош-урӯғчилик каби иллатларнинг олдини олади. Ўзбекистон фуқароларининг давлат хизматига киришда тенг имкониятларга эга бўлиши давлат хизматининг жозибадорлиги ва рақобатдошлиги ошишига хизмат қиласи, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти самарадорлиги, хизмат кўрсатиш сифати, давлат хизматининг очиқлиги ва профессионаллигини оширади.



41-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига меҳнат ҳукуки ва уни амалга оширишга оид қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: Фуқароларнинг меҳнат ҳукуқларини амалга ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоялаш, муносиб меҳнат учун муносиб иш ҳаки билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг асосий шартларидан биридир.

Шу боис Асосий қонунда ҳар бир шахснинг асосий меҳнат ҳукуқларини кафолатлаш уларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўллаб-куvvatлаш ва ҳимоя қилиш нуктаи назаридан мухим аҳамият касб этади.



Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 42-моддасида меҳнат ҳуқуки ва уни амалга оширишга оид қўйидаги нормалар белгиланмоқда:

биринчидан, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқига эга, деган норма мустахкамланмоқда. Конституциявий ислохотлар доирасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуки янгича караш билан бойитилиб, “муносиб” сўзи билан тўлдирилмоқда. Эндиликда “муносиб меҳнат” деганда, адолатли иш ҳақи тўланадиган иш жойлари, етарли меҳнат шароитлари ва ишончли ижтимоий химоя кўзда тутилади.

Шунингдек, ҳар ким хавфсизлик ва гигиена талаблари га жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда. Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитлари деганда, хавфсизлик стандартлари, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари талаблари асосида иш жойларини ташкил этиш тушунилади. Бундай шароит ходимларни касб касаллеклари, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва инсонлар ўлимини ёки соғлиғига зарар етказишнинг олдини олади.

Ушбу масала бўйича 2006 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Мехнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон 2021 йилда ушбу ҳужжатни ратификация қилган;

иккинчидан, меҳнати учун ҳеч қандай камситишлиарсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга, деган норма назарда тутилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдори белгиланади.

Ўхшаш нормалар **Испания, Италия, Португалия, Чехия, Руминия, Хитой, Туркия** каби давлатлар конституцияларида белгиланган.

Меҳнат ҳуқуқига оид ушбу янгиликлар фуқароларимизга ҳаёти ва соғлиғи учун зарар етказмайдиган иш жойларда ишлашга, меҳнатига яраша муносиб иш ҳақи олишга конституциявий кафолат яратади.



42-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига меҳнатга ҳақ тӯлашнинг энг кам миқдорини белгилашга доир қандай норма киритилмоқда?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида Ўзбекистон ўзини **ижтимоий давлат** деб эълон қилмоқда. Ижтимоий давлатда эса шахснинг муносаб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи олиши, бандлиги таъминланиши, хавфсиз меҳнат шароитида ишлаши учун шарт-шароитлар яратилиши лозим.



Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **42-моддасида** “Меҳнатга ҳақ тӯлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносаб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади”, деган янги норма белгиланмоқда.

Инсоннинг муносаб яшashi деганда, инсоннинг яшаш харажатларини (озик-овқат, кийим-кечак ва бошқ.) қоплаш, шунингдек таълим олиш, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши тушунилади.

Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон асосий эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағга эга бўлиши керак. Ўз навбатида, давлат шахсга меҳнатига яраша иш ҳақи тұланишининг чораларини кўриши ва кафолатларини таъминлаши, иш берувчи эса ходим олдидаги мажбуриятларини бажариши шарт.

Меҳнатга ҳақ тӯлашнинг энг кам миқдори тушунчasi халқаро қабул қилинган бўлиб, бутун дунёда кенг тарқалган ижтимоий адолат принципларидан биридир. Бу меъёр мамлакатимизнинг халқаро ҳужжатлари билан ўз зиммасига олган мажбуриятларида ҳам кўзда тутилган. Масалан,

Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясида хар бир ишловчи шахс муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, **Халқаро меҳнат ташкилотининг Ривожланаётган давлатлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисидаги конвенциясида** энг кам иш ҳақи даражасини аниқлашда мамлакатдаги иш ҳақининг умумий даражаси, истеъмол нархлари, ижтимоий нафақалар ва бошка ижтимоий гурухларнинг қиёсий турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозимлиги кўрсатилган. Иш берувчилар ходимга иш ҳақини белгилашда юқоридаги талабларни инобатга олишлари лозим.

Мазкур янги норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлашда амалий аҳамиятга эга.



43-савол: Конституцияда фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги нормаларнинг белгиланиши фуқаролар учун қандай аҳамиятга эга?

Жавоб: Фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Шу боисдан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш,



шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантириди", деган норма белгиланмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида янги иш ўринлари яратиш ва ахоли даромадларини ошириш орқали 2026 йилгача камбағалликни камидаги бараварга камайтириш белгиланган. Бунинг учун, норасмий ишлайтган 2,5 млн фуқаронинг бандлигини легаллаштириш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини **2 бараварга** камайтириш, касбга ўқитиш кўламини **2 бараварга** ошириш, яъни **1 млн** нафар ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш, **700 мингдан** зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат хисобидан касб-хунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги **5 йилда 3,5 млн** янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда давлат фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш чоралари қаторида маҳаллалар кесимида ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхати ("Темир дафтари", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Мехр дафтари") орқали маҳаллаларда иш юритиш йўлга қўйилган. Фуқароларимизнинг чет элда меҳнат қилиш хуқуқларини амалга ошириш борасида ҳам уларни касбий тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг хавфсиз, тартибли ва конуний меҳнат миграцияси тизими яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда **30 дан ортиқ** давлатлардаги **475 дан ортиқ** иш берувчилар билан шартномалар тузилиб, меҳнат мигрантларига ишга жойлаштириш, ўқитиш, сурурта, кредит, микроқарз каби **10 га** яқин хизматлар кўрсатилмоқда.

Бундай нормалар **Италия, Чехия, Финляндия, Польша, Хитой** каби давлатлар конституцияларида ҳам назарда тутилган.

Конституцияга киритилаётган янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларни, айниқса, ишсиз аёллар сонини кескин камайтиришга, фуқароларни камбағаллик холатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб колган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чораларини кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қиласди.



44-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида болалар меҳнатига оид қандай нормалар белгиланмоқда?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслика алоҳида эътибор қаратган эди.



Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг **Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган.**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш, яъни вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Янги таҳирдаги Конституциямиз лойихасининг 44-моддасида “Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади”, дёган қатъий норма мустаҳкамланмоқда.

Пахта далаларида ёки бошқа кишлоқ хўжалиги ишларида, умуман, бошқа соҳаларда ҳам болалар меҳнатидан фойдаланиш, айниқса, уларни жалб қилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича тизимли ва қатъий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда болаларнинг мажбурий меҳнати тўлиқ барҳам топди. **2 миллионга** яқин болалар мажбурий меҳнатдан озод қилинди.

Эндиликда бу борадаги давлат сиёсатини конституциявий даражада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадамлар ташланмоқда.

Конституциямизга илк маротаба киритилаётган мазкур норма мамлакатимиизда ушбу соҳада эришилган ютуқларни қатъий мустаҳкамлайди ҳамда болалар соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун муҳим хуқуқий кафолат бўлиб хизмат қиласди.

Айни пайтда, ушбу конституциявий норма болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган тарзда меҳнат қилишларига тўсқинлик қilmайди. Хусусан, амалдаги Мехнат кодексига мувофиқ меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.



45-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган янги кӯшимчага мувофиқ пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамлар миқдорлари қайси мезонлар асосида белгиланади?

Жавоб: Инсон ҳукуклари умумжахон декларациясининг 25-моддасида “Хар бир инсон ... тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”, деб белгиланган.

Бу ҳуқуқни таъминлаш – ижтимоий давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Конституциямизда Ўзбекистонни – ижтимоий давлат сифатида белгиланиши ижтимоий таъминот соҳасида давлат сиёсатини янада самарали амалга оширишнинг долзарблигини оширади.

Шундан келиб чиқиб, ижтимоий адолат тамойилига амал қилиш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 46-моддасида “**Конунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол ҳаражатларидан оз бўлиши мумкин эмас**”, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Бу билан, амалдаги Конституциядаги “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” сўzlари ўрнига “**энг кам истеъмол ҳаражатларидан оз бўлиши мумкин эмас**” деган сўzlар қўлланилмоқда. Чунки “тирикчилик учун зарур миқдор”, деган кўрсаткич Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти томонидан белгиланган нормадан паст ҳисобланади. Қолаверса, тирикчилик деганда, фақатгина инсоннинг яшаб қолиши учун қилинадиган



харажатлар тушунилади, “энг кам истеъмол харажатларида” эса нафақат озик-овқат, балки кийим-кечак, турли хизматлардан фойдаланиш, таълим олиш, соғлиқни саклаш ва бошқалар билан таъминланиши тушунилади.

2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган **500 минг** оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб **2 миллиондан** ортиқ оиласларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса **7 баробар** кўпайтирилиб, йилига **11 триллион** сўмга етди.

Энг кам истеъмол харажати деганда, инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун бир ой давомида зарур бўладиган товар ва хизматларни сотиб олишга етадиган маблағ миқдори тушунилади. Энг кам истеъмол харажатлари миқдорини ҳисоблаб чиқишида бугунги шароитда аҳолининг реал ўртacha ижтимоий харажатларини инобатга олиш лозим.

Пенсия ва бошка ижтимоий ёрдам турлари миқдорларининг энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлмаслиги эса – фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, харид қобилиятини сақлаб қолиш, соғлиғи, меҳнат қилиш салоҳиятини сақлаган холда жамиятнинг ҳеч бир аъзосини эътибордан четда қолмаслигини таъминлайди.



46-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш масаласида қандай норма белгиланмоқда?

Жавоб: Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмак кўрсатиш ижтимоий давлатнинг муҳим функцияларидан биридир. Айниқса, муҳтож инсонларни ватан ичра ватани бўлган уй-жой билан таъминлаш Янги Ўзбекистон инсонпарвар сиёсатининг ёрқин ифодасидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган хуқуqlарини химоя қилиш, мухтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур”, деб таъкидлаган эди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 47-моддасида **“Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонунда белгиланади”**, деган янги инсонпарвар норма мустаҳкамланмоқда.

2022 йил 28 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, кўп болали оиласлардаги ота-оналар, “мехрибонлик” уйларининг битиравчилари, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсияолди ёшидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар ва ҳоказолар киради.

Охирги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда “мехрибонлик” уйларининг битиравчиларини, ногиронлиги бўлган шахсларни, кам таъминланган оиласларни, айниқса, алоҳида ёрдамга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, уйларнинг дастлабки бадалларини тўлаб бериш, имтиёзли ва узок муддатли ипотека кредитлар бериш каби инсонпарвар сиёsat амалга оширилмоқда.

Хусусан, уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобига субсидиялар тўланиши белгиланди. Янги тартиб доирасида 2020 – 2022 йилларда жами **27 800 нафар** фуқарога бошланғич бадал бир қисмини

қоплаш учун 795,6 млрд сўм ва 38 811 нафар фуқарога 429,4 млрд сўм фоиз тўловлари бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилган.

Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди. Ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиralар олишга шароит яратилган. Бу йил 90 минг оиласи уй-жойли қилинади. Яқин 2-3 йилда бу ракамни 200 мингга етказиш мақсад қилинган.

Яна бир мисол, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган хотин-қизлар ижара ҳукуқи асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилмоқда. Жумладан, уй-жой фондида ижара ҳукуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда давлат маблағлари хисобидан қоплаб берилмоқда.

Бундай норма Швейцария, Финляндия, Португалия, Польша каби давлатларнинг ҳам конституцияларига киритилган.

Ушбу норманинг белгиланиши ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оиласарнинг ўз хонадонига эга бўлиши унинг меҳнат самарадорлигига, ўқиш имкониятларига, самарали дам олишига ижобий таъсир кўрсатиб, шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан розилик даражасини оширади.

 **47-савол: Уй-жойга нисбатан мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий кафолатлар кучайтирилишининг аҳамияти нимада?**

Жавоб: Ҳукуқий давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири мулк ҳукуки дахлсизлигини таъминлаш ҳамда мулкдор ҳукуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарур иқтисодий-ҳукуқий шарт-шароитлар яратишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда “...уй-жой бўйича конституциявий кафолатни

белгилаб қўйиш лозим. Яъни суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинmasлиги керак. Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равиша компенсация тўла-ниши шарт”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 47-моддасида қуидаги нормалар акс этмоқда: “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган заарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда teng қийматда қопланиши таъминланади”.

Мазкур модда билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда: суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолати.

Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуки суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Бу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуки мулкдорнинг эрки-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Бунда суд томонидан мулк ҳуқуқини бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун хужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равиша уй-жойидан маҳрум этилмаслигини кафолатлади.

Иккинчи кафолат мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилганлиги билан эътиборга молик. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорнинг шу уй-жой ва етказилган зарар учун teng қийматда компенсация олишини кафолатлади. Тeng



кийматда компенсация олиш нима дегани? Фуқаролик кодекси 206-моддасига мувоғиқ, мулкдорга олиб кўйилган мол-мулкка тенг кимматли мол-мулк мулк ҳуқуки асосида берилиши ва унинг кўрган бошқа заарлари тўланиши ёки мулк ҳуқуки бекор килиниши билан етказилган заар тўла ҳажмда қопланиши белгиланган.

Мазкур норманинг киритилиши уй-жой мулкдори ҳуқукларини кафолатли таъминлашга, уй-жойларни ноқонуний олиб кўйилиши билан боғлиқ низоли ҳолатларнинг олдини олишга, суд ҳимоясини кенгайтиришга хизмат қиласди.



48-савол: Конституцияда соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?

Жавоб: Саломатлик инсоннинг бирламчи эҳтиёжи ва истагидир. Фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ахоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилди. Хусусан, 48-моддада “**Ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга**. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли”, деган мазмундаги ҳаётий норма мустаҳкамланмоқда. Ушбу нормага кўра:



биринчидан, илк маротаба фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи Конституция даражасида белгиланмоқда. Фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бирламчи ва ихтисослашган тиббий хизматни ахолига яқинлаштириш, мамлакатимиизда соғлом турмуш тарзини тарғиб

килиш, профилактик чораларни кучайтириш, тиббий суфуртани босқичма-босқич жорий қилиш, хусусий соғлиқни сақлаш тизимини кенгайтириш, тиббий хизматни рақамлаштириш каби тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2023 йилнинг хозирги даврига қадар тиббиёт соҳасига бюджетдан **29 триллион сўм** йўналтирилди, бу маблағ 2016 йилга нисбатан **5 баробар кўпдир**. Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун маблағлар **12 баробар кўпайтирилди**.

Хусусан, қишлоқлардаги 801 та оиласиги поликлиника замонавий ташхис аппаратлари билан таъминланди. Бу орқали қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга кўйилди. 23 та ихтисослашган тиббиёт марказларининг барча худудларда филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда **“Кафолатланган хизматлар пакети”** қайта кўриб чиқилиб, **20 турдаги** касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ камраб олинади. Кўп учрайдиган **20 турдаги** касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги **бепул тиббий таҳлил** турлари – **15 тадан 25 тагача**, текширувлар – **10 тадан 20 тагача**, дорилар – **64 тадан 90 тага** оширилади.

Буларнинг барчаси юртимиизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган амалий чоралардир.

Иккинчидан, фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади. Хозирда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг кафолатланган бепул ҳажми доирасига шошилинч тиббий ёрдам, бир қатор юқумли касалликлар бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва хавфли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш киради. Давлат ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида **2021 йилдан бошлаб**, бирламчи бўғинда аҳолини **66 турдаги**, **2022 йилда 120 турдаги** дори воситаси ва тиббий буюмлар билан бепул

таъминлаш йўлга қўйилди. Ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма электрон навбат асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан, маблағлар шифохонага эмас, балки аник беморга ажратилмоқда.


Бундай норма **Италия, Болгария, Чехия, Латвия, Литва** каби давлатлар конституцияларига ҳам киритилган.

Соғлини саклаш ва кафолатланган тиббий ёрдамга оид норманинг белгиланиши аҳоли соғлини ишончли муҳофаза этиш ҳамда аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.



49-савол: Соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича давлатнинг асосий вазифалари сифатида нималар белгиланмоқда?

Жавоб: Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар бир фуқаронинг соғлини асрабавайлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза килиш ижтимоий давлатнинг устувор вазифаларидан биридир.



Айни шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 48-моддасида “**Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади**”, деган муҳим норма мустаҳкамланмоқда.

Жаҳон Соғлиқни саклаш ташкилоти маълумотига кўра, саломатликнинг 50 фоизи турмуш тарзига боғлиқ, қолган таъсир омиллари – атроф-муҳит, генетика, соғлиқни саклаш хизматлари ҳисобланади.

Соғлом турмуш тарзи деганда, **жисмоний саломатлик** ва узоқ умр кўришни таъминлайдиган одамларнинг **хатти-ҳаракатлари** тушунилади. Бу эса меҳнатни дам олиш ва

спорт билан уйғунлаштиришни, түгри овқатланишни, заарли одатлардан (чекиш ва спиртли ичимликлар) воз кечиши талаб этади.

Шу боис 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақланыш тизимини ривожлантириш Концепциясида ҳам жамиятда соғлом турмуш тарзи ва түгри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўз саломатлиги ва атрофлагилар соғлиғи учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, шунингдек уларнинг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Конституциямизга киритилаётган мазкур қўшимчага кўра:

биринчидан, эндиликда давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида чекка ҳудудлар ва қишлоқларда соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, ёшларни, ташкилотлар ходимларини, аёлларни, ногиронлиги бўлган шахсларни спорт тадбирларига жалб қилиш, спорт обьектлари инфратузилмасини яхшилаш белгиланган. Ушбу йўналишда давлат томонидан 22 сентябрь “Халқаро автомобилсиз куни” деб эълон қилинган. Аёлларни спортга жалб қилиш мақсадида “Баҳор маликалари” спорт мусобақалари, 50 ёшгача бўлган уй бекалари ҳамда 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида “Гимнастрода” спорт фестивалини ўтказиш ҳамда спортга кенг тарғиб қилиш чоралари амалга оширилмоқда;

иккинчидан, давлат аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу мақсадда, 2020 – 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури амалга оширилмоқда. “Соғлом турмуш тарзи” платформаси ишлаб чиқилган, ҳар бир ҳудудда пул мукофоти билан рафбатлантирилган “Соғлом турмуш тарзи ривожланган мажалла” танловлари ташкил этилмоқда. Эндиликда бу каби тадбирларни амалга ошириш давлатга конституциявий вазифа сифатида белгиланмоқда.


Мазкур норманинг киритилиши жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ҳаётий заруратга айлантиришга, кенг

аҳолимизни, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга көнг жалб этиш ҳамда ўсиб келаётган авлодни уйғун равишида маънавий ва жисмоний камол топтиришга хизмат қилади.



50-савол: Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш бўйича қандай янги қоидалар киритилмоқда?

Жавоб: Атроф-муҳит инсон саломатлиги ва ҳаётига бевосита таъсир қилувчи муҳим омилдир. БМТ маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 20 – 40 фоизи атроф-муҳит сифати ва ҳолатига узвий боғлиқ. Қулай атроф-муҳит табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.



Қулай атроф-муҳит деганда, **инсонга муносиб** ва **фаровон ҳаёт** кечиришга имкон берадиган, инсоннинг жисмоний мавжудлигини таъминлайдиган, унга интеллектуал, ахлоқий, ижтимоий ва маънавий ривожланиш имкониятларини берадиган муҳит тушунилади.

Шахснинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи инсоннинг асосий фундаментал ҳуқуқларидан бўлиб, инсоннинг барча асосий ҳуқуқларини, шу жумладан яшаш ҳуқуқини амалга ошириш учун жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **49-моддасида**:

Биринчидан, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати түғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга, деган қоида мустаҳкамланмоқда;

иккинчидан, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради, деган ҳаётӣ заруратга мос норма белгиланмоқда.

Афсуски, Оролбўйи минтақасида юзага келган глобал экологик муаммо **50 млн.** нафарга яқин минтақа аҳолисининг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўреатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илк маротаба “**Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ**”, деб таъкидлаган эди. Шу боис, Ўзбекистонда Орол муаммоси оқибатларини бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, **Орол денгизи тубининг 2,5 млн. гектарида янги “яшил макон” яратилмоқда.** Шунингдек, Орол ва Оролбўйидаги мураккаб экологик вазият, аҳоли генофондини муҳофаза қилиш, саломатлигини яхшилаш ҳамда ушбу худудда барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Конституцияга киритилаётган нормада Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан қўшимча чоралар кўрилиши **давлатнинг конституциявий мажбурияти** сифатида мустаҳкамланмоқда.

Конституцияда ушбу норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитларининг яратилишини ва турмуш даражаси жиддий тарзда яхшиланишини таъминлайди, барча касб эгалари, биринчи навбатда ижтимоий соҳа вакиллари учун **қўшимча имтиёзлар пакети** қўлланилади ҳамда тадбиркорлик тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилишга йўналтирилган турли лойиҳаларда фаол қатнашиш имконияти пайдо бўлишига хизмат қиласи.

Шу билан бирга, мазкур норма ахолимиз ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза худудни сақлаб қолиш, Оролбүй минтақасида яшовчи ахолини ижтимоий-иктисодий құллаб-куватлаш, уларнинг яшаши ва ривожланиши учун қулай атроф-мухитни таъминлашнинг Конституциявий кафолатларини яратмокда.



51-савол: Фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратылған янги нормаларнинг мөһияти нимадан иборат?

Жавоб: Билим инсонни комилликка күтариш билан бирга, у яшаётган жамият ва мамлакатни ҳам юксалтиради. Инсонда билим ва интеллект сифатли таълим натижасида шаклланади. Шу боис давлат фуқароларнинг таълимга оид ҳукуқларини амалга оширишни ўз зиммасига олади.



Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **50-моддасида** **фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи** билан боғлик күйидаги мазмундаги нормалар мустаҳкамланмокда:

бириңчидан, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, деган норма белгиланмокда. Бунда давлат янги боғчаларни қурыш, мавжудларини таъмирлаш, шу жумладан давлат, давлат-хусусий шериклик ва хусусий боғчаларни күпайтириш, янги боғчаларни ташкил этишга имтиёзлар ва субсидиялар бериш, пировардидә болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни юз фоизга етказиш чораларини күради;

иккинчидан, умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги белгиланмокда. Бу дегани мактаб ёшидаги ҳар қандай бола албатта мактабда ўқиши шарт ҳамда бунга тұсқинлик қилишга ҳеч кимнинг, ҳатто ота-оналарнинг ҳаққи йўқ. Ушбу мажбурият таълим олувчига ҳам, таълим ташкилотига ҳам бирдек масъулият юклайди;

учинчидан, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир, деган норма ўрнатилмоқда. Олдин фақатгина мактаб ишлари давлат назоратида эди, эндиликда эса мактабгача таълим ҳам давлат назоратига ўтказилмоқда. Натижада борча ва мактабларда болаларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги, санитария-гиgiene талабларига риоя этилиши, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган тарбия, таълимнинг юкори сифати ва мазмундорлиги таъминланади;

тўртинчидан, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклузив таълим ва тарбия таъминланади, деган инсонпарвар норма билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклузив таълим ташкил этилади. Бу шундай нуқсонларга эга болаларимизнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳим;

бешинчидан, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди, деб мустаҳкамланмоқда. Бу эса мактабгача таълим-тарбиядан то олий таълимгача ҳамда бошқа таълим турларини, шунингдек, таълимнинг кундузги, сиртқи, кечки, масофавий, оиласда таълим олиш, мустақил таълим олиш, инклузив таълим ва ҳоказо шаклларини ташкил этиш ва фаолият юритишига имконият яратади.

Таълимга оид қоидалар инсон ҳуқуқларига оид кўплаб ҳалкаро ҳужжатларда ҳамда **Германия, Португалия, Болгария, Уругвай** каби давлатларнинг конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган.

Юқоридаги нормаларнинг Конституциямизга киритилиши борчалар ва мактаблар, олий таълим ташкилотлари сонининг кўпайишига, таълим ва тарбия сифатининг ошишига хизмат қиласди, пировардида ҳар бир шахснинг умри давомида таълимнинг барча турларидан фойдаланиш имкониятини яратади.



52-савол: Конституцияда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг ривожлантирилишини таъминлашга оид нормани киритиш зарурияти нимадан иборат?

Жавоб: Таълим ҳар қандай мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали баркарор тараққиётни таъминлайдиган мухим омилдир. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасининг 50-моддасида **давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятини** белгиловчи норма мустаҳкамланмоқда.

Таълим ташкилотларини, айниқса, нодавлат ёки хусусий боғча, мактаб, университетлар ва бошқа таълим ташкилотларини ташкил этиш, фаолият юритиши ва ривожланиши учун давлатнинг доимий, ҳар томонлама қўллови мухим ўрин тутади. Ижтимоий давлатда давлатнинг асосий функцияларидан бири ахолининг умумий илмий ва маърифийлик даражасини оширишга қаратилади. Бунда таълим ташкилотларининг етарли бўлиши ҳамда таълим сифати мухим аҳамиятга эга.

Шу маънода давлат таълим ташкилотларини ривожланиши учун қанчалик шароит яратса, нодавлат таълим ташкилотларини ҳам ташкил этиш ва фаолият юритиши учун ундан кам бўлмаган ташкилий, ҳукуқий шароитларни яратиш, моддий кўмак кўрсатиши шарт. Шу боис хусусий таълим ташкилотларига кенг имтиёз ва преференциялар тақдим этилиб, ушбу соҳа ривожлантирилмоқда.

Буни қўйидагиларда кўриш мумкин:

2016 йилда **5211** та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритган бўлса, бугунги кунда **6598** та давлат ҳамда



22 мингдан зиёд турли шакллардаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмокда:

2016 йилда **9719** та умумтаълим ташкилотлари фаолият кўрсатган бўлса, хозирда уларнинг сони **10296** тага етди. 2016 йилда **21** та нодавлат умумтаълим ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2022 йилда улар **334** тага кўпайди;

2016 йилда **77** та олий таълим ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2023 йилга келиб уларнинг сони **210** дан ошиди. Нодавлат таълимни ривожлантиришга оид коидалар **Финляндия, Венгрия, Корея Республикаси** каби давлатларнинг конституцияларида ҳам белгилаб кўйилган.

Ушбу янги норма давлат томонидан нафақат давлат, шу билан бирга, нодавлат боғчалар, мактаблар, олий таълим ташкилотларини ташкил этиш, фаолият юритишига шароит яратиш ва кафолатлаш каби вазифаларни амалга оширишни таъминлайди. Мухими, болаларни боғчалар билан қамров даражаси ошади, хусусий мактаб ва университетлар кўпайиши оркали ракобат муҳити вужудга келади, пировардида таълим олиш имконияти кенгайиб, унинг сифатини оширишга эришилади.



53-савол: Мактабгача таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш бўйича давлатнинг янги конституциявий мажбуриятини белгилаш зарурияти нимадан иборат?

Жавоб: Халқимиз ёшликда олинган билимни тошга ўйилган нақшга қиёслайди. Зеро, таълимнинг бошланғич асоси бўлган мактабгача таълим инсон камолотида бекёёс аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда ушбу таълим тури тубдан ислоҳ этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, боғча тарбияси нафақат боланинг ўзига, балки унинг ота-онасига ҳам, қолаверса, бутун жамият ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Янги таҳrirдаги Конституциямиз лойиҳасининг 50-моддасида давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, деган

мухим норма мустаҳкамланмоқда. Мазкур киритилаётган узгартаришларга кўра, давлатга қуидаги мажбуриятлар юклатилимокда:

биринчидан, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Яъни давлат томонидан ушбу таълим ташкилотларини ривожлантириш учун иқтисодий ва ташкилий, ҳуқуқий қўмак кўрсатилади. Сўнгги йиллардаги давлатнинг қўллаб-кувватлови натижасида болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 2016 йилдаги **27,7 фоиздан**

71,8 фоизга, мактабгача таълим ташкилотлари сони **5211 тадан 29 мингдан зиёдга** етказилди.

Бу – **2 миллионга яқин** бола боғчага бораяпти, дегани. 2022 йилда “Finance Inquirig” нашри болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бўйича энг яхши динамикага эга бўлган дунёдаги энг пешқадам **10 та давлатни** эълон қилди. Унда Ўзбекистон жаҳон рейтингига биринчи ўринни эгаллади;

иккинчидан, мактабгача таълим ва тарбия ҳам давлат назоратида бўлиши белгиланмоқда. Яъни мактабгача таълим соҳасида болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш, ўкув жиҳозлари билан таъминлаш, болаларни соғлом озиқ-овқат, сифатли тиббий парваришилаш хизмати ва бошқа моддий воситалар билан таъминлаш ишлари доимий назоратга олинади.

Мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришга оид қоидалар **Швейцария, Литва** каби давлатларнинг конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган.

Киритилаётган ушбу норма ҳар бир боланинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Мактабгача таълим ва тарбия орқали болаларнинг ривожланишига асос яратади. Шунингдек, алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига шароит яратилади.





54-савол: Конституциямизда алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга доир норма белтиланишининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Фуқароларни, айниқса, соғлиғида муаммоси бўлган болаларни таълим ва тарбия олиши учун боғча, мактаб, олий таълим ташкилотларида маҳсус шароитларни яратиш ижтимоий давлатнинг вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда алоҳида эътиборга муҳтоҷ бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклузив таълим ташкил этилади, деган қоидани Асосий қонунимизга киритишни таклиф қилган эди. Шу мақсадда янги таҳrirдаги Конституциямиз лойиҳасининг 50-моддасида “таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклузив таълим ва тарбия таъминланади”, деган муҳим ижтимоий аҳамият касб этувчи норма мустаҳкамланмоқда.

Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар сирасига жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ вакт даволанишга муҳтоҷ бўлган болалар киради.

2020 – 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклузив таълимни ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, инклузив таълим ихтисослаштирилган мактаблар ва биринчи маротаба умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилади. Унга кўра, соғлиғида нуқсони бўлган болаларни фақатгина ихтисослашган мактабларда эмас, ҳамма қатори умумий мактабларда хам ўқишининг ўйлаштирилган инсон қадри тамоилининг амалий ифодасидир.



Бугунги кунда акли заиф, кар ва заиф эшитувчи, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, таянч аъзоларида нуксони бўлган **21 231** дан ортиқ болалар учун республикамида **90 та** ихтисослаштирилган мактаб фаолият юритмоқда, Бундан ташқари, енгил даражадаги ногиронлиги бўлган **18 000 нафарга** яқин ўқувчилар мактабларда соғлом болалар билан биргаликда ўкишмоқда.

Инклюзив таълимга оид алоҳида норманинг белгиланиши алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ва тарбия уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишини хисобга олган холда ташкил этилишига, таълим олиш жараёнида уларни бирор-бир шаклда камситишга йўл қўйилмаслигига хизмат қиласида ва пировардида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларнинг таълим олишга бўлган ҳукуқининг тўлиқ амалга оширилиши таъминланади.



55-савол: Умумий ўрта таълим мажбурийлиги Конституцияда белгиланаётганлигининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Мамлакатимиздаги таълим турлари тизимида умумий ўрта таълим марказий ўринни эгаллайди. Мактаб ҳар бир инсоннинг баркамол ва билимли шахс бўлиб вояга етишида муҳим аҳамиятга эга.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **50-моддасида** давлат бепул умумий ўрта таълим олишни кафолатлаши билан биргаликда **умумий ўрта таълим мажбурий эканлиги** ҳақида норма белгиланмоқда.

Мазкур янги норманинг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, интеллектуал авлод асли бўлган XXI асрда илм-маърифатсиз ҳар қандай жамият, иқтисодиёт барқарор ривожлана олмайди. Шу сабабли, ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳукуқини таъминлаш оила, жамият ва давлатга муайян мажбуриятларни юклайди. Ўтган олти йилда мактабларда қўшимча **500 минг ўқувчи ўрни** ташкил қилинди, келгуси 2-3 йилда яна **1 миллион** ўринли мактаблар ташкил қилиш режалаштирилган;

ИККИНЧИДАН, Ўзбекистон томонидан имзолангандан кўплаб халқаро ҳужжатларда умумий ўрта таълим мажбурий эканлиги белгиланган. Хусусан, Инсон хуқуклари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида бошланғич таълим мажбурий бўлиши белгиланган. Зоро, умумий ўрта таълимнинг мажбурийлигини белгилаш орқали аҳолининг саводлилик даражасини юксалтириш жаҳонда тан олинган усуздир;




УЧИНЧИДАН, мактабда ўқишининг мажбурий эканлигини бажармаганлик учун қонунчилигимизда ота-оналар учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Бу вояга етмаганларнинг ўз вақтида ва сифатли таълим олишларини, ота-оналарнинг таълимга оид мажбуриятини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари ва яқинларининг масъулиятини ошириш билан бирга, эртамиз эгалари бўлган ёшларнинг мактабда пухта билим олиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб, эл-юрт корига ярайдиган муносиб фарзанд бўлиб етишиши учун муҳим хуқуқий кафолат бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълимнинг мажбурий эканлигига оид нормалар Италия, Болгария, Венгрия каби мамлакатлар конституцияларида мавжуд.



56-савол: Олий таълим ташкилотларига қонунга мувофиқ бериладиган академик эркинлик ҳамда ўзини ўзи бошқариш хуқуқларининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Жавоб: Янги Ўзбекистонда олий таълим тизими тубдан ислоҳ этилмоқда. Жумладан, хусусий олий ўқув юртлари очилмоқда, хорижий университетлар филиаллари сони ортмоқда, олис ҳудудларда ҳам университет филиаллари ташкил этилмоқда, **41 та давлат олий ўқув юртларига** академик ва молиявий мустақиллик берилди. Шунингдек, олийгоҳларга қабул сўнгги олти йилда **5 бараварга** ортиб, талабалар сони **1 миллионга** етди. Қамров эса **9 фоиздан 38 фоизга** ошиди. Мисол учун, 2016 йилда Ўзбекистонда **77 та олийгоҳ** бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони **210 тани** ташкил қилмоқда. Охирги олти йилда **грантлар** сони **2 баравар** кўпайиб, **40 мингтага** етди. Шундан, магистратура учун – **5 баравар** кўпайди.



Олий таълим тизими халқаро стандартлар асосида фаолият юритиши – уни маъмурий бошқаришдан тортиб ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот жараёнини ташкил этишда академик эркинликка эга бўлишини тақозо этади. Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 51-моддасида “**Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги хуқуқига эга**”, деган қоида белгиланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини **2030 йилгача** ривожлантириш Концепциясида ҳам олий таълим муассасаларининг **академик ва молиявий мустақиллигини таъминлаш** олий таълимдаги асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Академик эркинлик – ўз фикрини эркин билдириш хукуқининг таркибий қисми бўлиб, олий таълим ташкилотларида таълим бериш ва илмий-тадқиқот ўtkазиш эркинлигидир. Ушбу эркинлик ўқув жараёнини мустақил шакллантириш, профессор-ўқитувчиларни дарс ўтиш эркинлигига, илмий-тадқиқот мавзуларини мустақил танлаш ва тадқиқ этиш, унинг натижаларини нашр этиш ва тарқатиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар академик эркинлигининг чекланмаслигига ва бошқаларда намоён бўлади.

Ўзини ўзи бошқариш – бу олий таълим ташкилотларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва илмий тадқиқотлар ўtkазиш, ташкилий-бошқарув, молиявий ва фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилишдаги мустақиллиги ва жавобгарлигини англатади.

Конституциямизга ушбу норманинг киритилиши олий таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятининг ривожланишига, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув ва илмий фаолияти мустақиллигини таъминлашга, ушбу соҳага ташки аралашувни чеклашга хизмат қиласди.



57-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ўқитувчи касбига доир алоҳида норма белгиланаётганлигининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев "...муаллимнинг обрў-эътибори – бу аввало миллатнинг, бутун ҳалқнинг обрў-эътибори эканлиги"ни алоҳида эътироф этиб, Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарурлиги ҳақидаги таклифни берган эди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **52-моддасида:**

биринчидан, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом,

баркамол авлодни шақллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишининг асоси сифатида эътироф этилиши мустаҳкамланмоқда.

Жамиятни инсон, инсонни эса таълим ва тарбия ўзгартиради. Миллат ва халқнинг ривожи, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, авваламбор, ўқитувчилар фаолиятига боғлик. Зеро, ўқитувчи аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган илм-фан сир-асорлари, маънавий ва маданий меросни ёшларга етказиша мухим бўғин ҳисобланади. Шу боис мазкур норма Учинчи Ренессанснинг таянч устунларидан бири бўлган ўқитувчига рамзий маънода “миллат бунёдкори” мақомини бермоқда;



иккинчидан, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қиласди, деган норма белгиланмоқда.

Устозлар қадри юксалган юрт, албатта, барқарор ривожланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-куватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратилмоқда. Хусусан, уларга имтиёзли **истеъмол кредитлари берилиши**, олис ҳудудларга бориб ишлаётган юқори малакали ўқитувчилар учун устамалар белгиланиши шулар жумласидандир.

Мазкур норма устоз ва мураббийлар хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шаъни ва қадр-қиммати ҳимояланишига хизмат қиласди.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган **700 мингга яқин** ўқитувчиларни давлат томонидан профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-куватланишининг кучайтирилиши уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қиласди.



58-савол: Ижод эркинлиги ва унинг натижаларини химоя қилиш борасида қандай ўзгаришлар киритилмоқда?

Жавоб: Инсоният тамаддунининг ривожланиши доимо инсонлар ижодий фаолияти натижаси ўлароқ амалга ошган. Барча янгиликлар замирида, аввало, инсон ва унинг ақлзаковати турганлиги боис конституцияларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилади.



Амалдаги Конституциямизда асосий эътибор илмий, техникавий ижод масалаларига қаратилган бўлиб, **бадиий ижод** масаласи эътибордан четда қолган эди. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 53-моддасида **бадиий ижод** **эркинлигининг кафолатланиши** белгиланмоқда.

Адабиёт, санъат ва маданиятининг жамият ҳайтидаги ўрни бекиёс бўлиб, фактат улар билангина миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. Дарҳақиқат, бадиий ижод юкори ижтимоий аҳамият касб этиб, башарият олдидаги пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммоларни бартараф этишда, халқимиз маънавиятини юксалтириш, айниқса, ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялашда мухим роль ўйнайди. Шу нуктаи назардан, Асосий қонунимизда ҳар бир шахсга бадиий ижод эркинлигининг кафолатланиши миллий адабиёт ва санъатимизнинг янги асарлар ва номлар билан бойишига, маданият ва маънавиятимизни янада юксалтиришга хизмат қиласи.

Шунингдек, мазкур моддага “**интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади**” деган янги норма киритилмоқда.

Интеллектуал мулк маҳсули бўлган рақамли технологиялар ва инновациялар XXI асрда мамлакат иқтисодиётини асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Бугунги кунда номоддий актив хисобланган интеллектуал мулк кириб бормаган ва

таъсирига учрамаган бирор соҳа ва тармок қолмади.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш, аввало, уни яратувчиси бўлган эгасининг барча хукуқлари тан олинишини, ўз манфаати йўлида bemalol фойдаланишини ва турли тажовузлардан ҳимоя қилинишини англатади.

Интеллектуал мулк обьекти эгаси уни бошқа мол-мулки сингари сотиш, мерос қилиб қолдириш, совға қилиш, ҳар кандай тарзда фойдаланишга рухсат бериш ёки тақиқлаш хукуқига эга. Бугунги кунда интеллектуал мулк йирик даромад манбаи хисобланади. Масалан, Facebook ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукерберг, Гарри Поттер хақидаги китоблар муаллифи Джоан Роулинг интеллектуал мулкини тижоратлаштириши орқали йирик капитал эгаларига айланишган.

Мазкур норма киритилиши интеллектуал мулкнинг, бошқа кўчар ва кўчмас мол-мулк турлари каби, Конституция даражасида ҳимоясини таъминлайди. Энг муҳими, интеллектуал мулк эгалари – ёзувчи, шоир, рассом, санъаткорлар, олимлар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқаларни ўzlari яратган интеллектуал мулк натижасига нисбатан хукукларини кафолатлади.



59-савол: Конституцияга киритилаётган “ҳар ким ўз хукуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуслар билан ҳимоя қилишга ҳақли”, деган норманинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Жавоб: Ҳар кимга ўз хукуклари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш хукуқи кафолатланади. Шунингдек, ҳар бир шахс Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ, ўз хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари инсон хукуклари бўйича миллий институтлар томонидан ҳимоя қилиниши учун мурожаат қилишга ҳақли эканлиги назарда тутилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасининг 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга хақли”, деган норма мустахкамланмоқда.

Ушбу қоиданинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг ягона шарти – бу фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бўлишидир.

Масалан, Жиноят-процессуал кодексига кўра, суриштирувчи ва терговчи жиноий таъқиб остидаги шахснинг айбловдан ҳимояланиши ҳуқуқини таъминлаш доирасида қонунда кўзда тутилган барча усул ва воситалардан фойдаланиши учун реал имконият яратиши шарт. Лекин аслида ҳалқаро стандарт мазмунига биноан, шахс ўзини қонунда тақиқланмаган ҳар қандай усул ва воситалар орқали ҳимоялаши мумкин. Яъни бунда “нимаики қонун билан тақиқланмаган бўлса, бунга рухсат берилган” ҳалқаро қоидаси амал қиласи.

Мазкур нормага ўхшаш қоидалар **Руминия**, **Индонезия** каби давлатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бундай норма киритилиши, ўз навбатида, бузилган ҳуқуқни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай усуллар билан, ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаган ҳолда ҳимоя қилишни ҳамда ҳар бир фуқаронинг ўзига тегишли бўлган шахсий, сиёсий, иктиносий, ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қиласи.





60-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига инсоннинг бузилган хуқуқ ва эркинликларини тиклаш хуқуқи билан боғлиқ қандай қоидалар киритилмоқда?

Жавоб: Ҳар кимга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш хуқуқининг кафолатланиши одил судловнинг ажралмас элементи ҳисобланади.


Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 55-моддасида инсоннинг бузилган хуқуқ ва эркинликларини тиклаш хуқуқини самарали амалга оширишга қаратилган нормалар мустаҳкамланмоқда.

Мазкур қоидаларнинг Асосий қонунишимизга киритилиши нима беради?

Биринчидан, ҳар кимга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланмоқда.

Агар норманинг амалдаги таҳрири фақат давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишни назарда тутса, эндиликда бошқа ташкилотлар, жумладан хусусий ташкилотларни ҳам қамраб олмоқда. Бундан ташқари, ушбу ташкилотларнинг нафақат ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, балки ғайриқонуний қарорлари устидан ҳам судга шикоят қилиш имконияти берилмоқда.

Иккинчидан, ҳар кимга бузилган хуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда



белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳукуқини кафолатловчи норма белгиланмоқда.

Ҳар қандай шахс бузилган ҳукуки ёки конуний манфаатини химоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда тўғридан-тўғри умумюрисдикция ёки маъмурий судга мурожаат қилиш ҳукуқига эгалитининг конституциявий кафолатланиши инсон ҳукуклари химоясини янада кучайтиради. Ушбу химоянинг самарадорлигини таъминлаш учун эса судлар шикоятларни қатъий процессуал тартиб-қоидаларга таяниб, оқилона муддатларда, тенглик, тортишув ваadolat принциплари асосида кўриб чиқишлари лозим.

Бундай нормалар **Италия**, **Португалия**, **Сербия** каби давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган.

Мазкур нормага киритилаётган ўзгаришлар инсон ҳукукларини суд орқали химоя қилиш доирасини кенгайтиришга, нафакат давлат органлари, балки бошка хусусий ташкилотлар томонидан инсон ҳукукларини бузиш ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.



61-савол: Давлат органлари томонидан инсонга етказилган зарарни қоплашга оид қандай конституциявий норма киритилмоқда?

Жавоб: Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда шахс ҳукуқ ва эркинликларининг муҳофаза этилиши ҳукукий давлатнинг мухим вазифаларидан биридир.

Шу мақсадда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 55-моддасида “Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳукуқига эга”, деганadolatли норма мустаҳкамланмоқда.

Конституциямизга киритилаётган ушбу норма аҳамиятини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари туфайли шахсларга моддий ва маънавий зарар етказилиши ҳолатлари учраб туради. Масалан, давлат органларининг ноконуний карорлари сабабли фукароларнинг уй-жойлари ва бошқа мулкларининг асоссиз бузилиши уларнинг хақли эътирозига сабаб бўлади. Бундай шароитда фукаро етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан тўлиқ қопланишини талаб қилиш хуқуқига эга. Шу боис амалиётда судлар томонидан фукароларнинг фойдасига давлат органларининг қонунга зид бўлган кўплаб қарорлари бекор қилиниб, етказилган заар қопланмоқда. Биргина 2022 йилда **4645** та давлат органлари қарорлари суд томонидан хақиқий эмас, деб топилган ва етказилган заар ундирилган;



иккинчидан, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли фукарога етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши таъминланади. Масалан, амалиётда суриштирув ёки тергов жараёнида мансабдор шахслар томонидан фукарога нисбатан қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала натижасида унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заар ҳам давлат томонидан қоплаб берилади. Шу билан бирга, давлат фукарога тўлаб берилган мабларни заар етказган мансабдор шахсдан ундириш чораларини кўради.

Шу каби нормалар **Франция**, **Болгария**, **Венгрия** каби давлатларнинг конституцияларида ўрин олган.

Ушбу норманинг бёлгиланиши, **биринчидан**, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан шахсларга нисбатан гайриқонуний қарор ёки хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олади, **иккинчидан**, шахсларга етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ қоплаб берилишини таъминлайди, **учинчидан**, етказилган зарарни мансабдор шахслар шахсий маблағи хисобидан қоплашига мажбур қиласи.



62-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд тоифалари ва ногиронлиги бўлган шахсларниң хукуқларига оид қандай янги нормалар белгиланмоқда?

Жавоб: Ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд аҳолини ва ногиронлиги бўлган шахсларниң хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун тўсиқсиз мухит яратиш ва жамиятга интеграциясини таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.



Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд тоифаларига ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фукаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар, ҳамда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар киради.

Шу боис БМТнинг Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги конвенцияси талабларига мувофиқ, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 57-моддасида қуйидаги кўшимчалар киритилмоқда:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд бошқа тоифаларининг хукуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланмоқда. Амалдаги Конституциямизда ушбу ҳимоя фақат вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларга татбиқ этилар эди, эндиликда ушбу рўйхат кенгайтирилмоқда;

иккинчидан, давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни

кўради, деган кенг камровли норма киритилмоқда. Ушбу норма билан ахолининг юкоридаги тоифаларига тегишинча имтиёзли уйлар бериш, бепул тиббий жихозлар, протез-ортопедия буюмлари, озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш, етим болалар учун олий таълимдада бепул ўқиш имкониятини яратиш, пенсия ва нафақалар билан таъминлаш, ижтимоий хизматлар тури ва сифатини ошириш чораларини кўриш давлатнинг конституциявий мажбуриятига айланмоқда;

учинчидан, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар обьектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шартшароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди, деган инсонпарвар норма мустаҳкамланмоқда. Бу эса давлатга ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданият марказлари, кино ва концерт заллари, цирк, театрларга кириш, шунингдек давлат хизматлари, тиббий, ижтимоий хизматлардан фойдаланишда имтиёзлар, қулайликлар яратиш, уларни имтиёзли асосда ишга жойлашиш ва таълим олишлари учун ташкилий-хукукий чоралар кўриш мажбуриятини юкламоқда.

Пировардида ижтимоий эҳтиёжманд ахоли ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига ёрдам бериш, ҳаётдан розилигини оширишга хизмат қиласди.



63-савол: Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ва имкониятлар яратишга оид қандай янги норма белгиланмоқда?

Жавоб: Жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хукуқлиигини, шунингдек, хотин-қизларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 58-моддасида “Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”, деган норма мустаҳкамланмоқда.



Халқ фаровонлиги, тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши **барқарор ривожланишнинг зарур талабидир**. Шу каби нормалар Германия, Ирландия, Италия каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, гендер тенглик бу – сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини таъминлашдир.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда гендер тенгликнинг таъминланиши хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар ва турли қарорлар қабул қилинишида иштирокини янада кенгайтириш имкониятини беради. Масалан, хозирда бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 33 фоизни, Олий Мажлисда эса **32 фоизни** ташкил этади.

Бундан ташқари, гендер тенглик таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ижод қилиш, маданият соҳаларида ҳам таъминланиши хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини оширади. Айни вақтда ҳам хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида **82** фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида **72** фоизни, саноатда **38** фоизни, тадбиркорликда **35** фоизни, олий таълимда **46** фоизни ташкил этиши ҳам соҳалар ривожидаги эгаллаган муносаб ўрнидан далолатдир.

Хар кандай халқнинг етуклиқ даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб беради. Шу боис уларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун шароит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланди. Натижада, биргина 2022 йилда олий ўкув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Мазкур норманинг киритилиши хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятидаги лавозимларга кенгроқ жалб этиш имкониятини яратади. Халқ фаровонлиги, жамият тинчлиги ҳамда иктисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳукуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир.



64-савол: Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мероснинг давлат муҳофазасига олинишига оид қандай конституциявий норма белгиланмоқда?

Жавоб: Ўзбекистон – бетакрор тарихий обидалар, маданий мерос объектларига бой ўлка бўлиб, бугунги кунда республика бўйича **8 210 та** моддий-маданий мерос объектлари мавжуд.

Бундан ташқари, маданий мерос объектлари Ўзбекистон туризм салоҳиятининг етакчи йўналиши бўлиб, сайёҳларнинг аксарияти энг аввало тарихий обидаларимизни кўриш учун ташриф буюради.

Мамлакатимизда 200 дан ортиқ халқаро сайёҳлик йўналишларининг 150 дан ортиғи айнан тарихий-маданий мерос обьекти билан боғлиқлиги ҳам бежиз эмас. Шу боис уларни келажак авлодларга безавол етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 61-модда-сида “Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деган норма белгиланмоқда.

Мазкур норма тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросни муҳофаза қилиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш бўйича давлатнинг конституциявий мажбуриятларини кенгайтиришга асос бўлади.

Шунингдек, мазкур ўзгартишнинг киритилиши дунё тамаддунида муносиб ўринга эга бўлган шонли кўп мингийллик тарихимизни ўрганиш, маънавий ва маданий меросимизни кўз қорачиғидек асрар-авайлашга ҳамда Ўзбекистоннинг табиий мероси асл ҳолида сақланишига ва уни келажак авлодларга безавол етказишга хизмат қиласди.



65-савол: Солиқ сиёсатининг конституциявий асослари қандай мазмундаги янги нормалар билан бойитилмоқда?

Жавоб: Солиқлар – жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов ҳамда Давлат бюджетининг асосий манбаи ҳисобланади.



Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ички ва ташқи вазифаларини, турли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чоратадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар ташкил қиласди.

Солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир шахснинг муҳим конституциявий бурчи ҳисобланади. Зоро, тўланган солиқлар ҳисобидан мактаб, боғча, шифохоналар, ўйлар каби ижтимоий обьектлар барпо этилади, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли моддий қўллаб-куватланади.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасининг 63-моддасига “Солиқлар ва йигимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак”, деган норма киритилмоқда.

Солиқ солиш адолатли бўлиши деганда, солиқлар камситиш хусусиятига эга бўлмаслиги ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиккан ҳолда кўлланилиши мумкин эмаслигини англатади. Қолаверса, жисмоний шахсларнинг фуқаролигига ёки капиталнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб фарқланган солиқ ставкаларини, солиқ имтиёзларини ёки бошқа афзалликларни белгилашга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, фуқароларни кийин аҳволга соладиган, уларнинг хуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қиласидан солиқ ва йигимларни белгилаш мумкин эмас.

Халқаро солиқ амалиётида камситмаслик принципи Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг **Даромад ва капиталга солиқлар тўғрисидаги намунавий Конвенциясида**, икки томонлама солиқка тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро шартномаларда ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, солиқ муносабатлари соҳасида камситмаслик принципи ҳам ўз чегараларига эга. Иқтисодий аҳволи турлича бўлган солиқ тўловчилар учун табақалаштирилган солиқ солишини белгилаш камситиш ҳисобланмайди, яъни иқтисодий ва бошқа камситмайдиган асослар бўйича фарқлашга йўл қўйилади. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзларининг белгиланиши бунга ёрқин мисол бўлади.

Мазкур норманинг киритилиши барча солиқ тўловчиларнинг қонун олдида тенглигини таъминлашга хизмат қиласидан.



66-савол: Бозор иқтисодиётини ривожлантириш бўйича давлат ўз зиммасига қандай янги мажбуриятларни олмоқда?

Жавоб: Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли иқтисодий-хуқуқий шарт-шароитларни яратиш,

рақобатни химоя қилиш, шу билан бирга, инфляция, ишсизлик, монополия каби бозорнинг салбий оқибатларини бартараф этиш давлатнинг муҳим вазифаларини ташкил этади.


Конституция миллий иқтисодий тизимнинг фундаментал асосларини белгиловчи энг муҳим сиёсий-хуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 65-моддасида иқтисодий сиёсат мазмунини аниқлаштириш ва бойитишга қаратилган қуйидаги ўзгартиришлар назарда тутилмоқда:

биринчидан, “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади”, деган норма Ўзбекистон Республикасининг **ижтимоий давлат** сифатида белгиланиши билан узвий боғлиқликни ташкил этади.

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган асосий мақсадни амалга оширишга қаратилган ушбу вазифанинг Конституцияда белгиланиши доимий иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли учун ҳар томонлама фаровон турмуш шароитларини яратишни назарда тутади. Ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида қилинган ҳар қандай харажат билвосита иқтисодиёт ривожланишини ҳам таъминлади;

иккинчидан, миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан бўён ҳам барча шароитларни яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишига айланиши лозим.

Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 65-моддасига “**давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратади**”, деган коиданинг киритилиши билан иқтисодиётни тартибга солиш бўйича давлатнинг **бош вазифалари** белгиланаяпти.



Хақиқий бозор муносабатлари – иқтисодий эркинликни, давлат аралашувини чеклашни, мулк дахлсизлигини ва барча соҳаларда тенг ва ҳалол ракобатни талаб этади. Эндиликда ушбу вазифаларни амалга ошириш давлат иқтисодий сиёсатининг конституциявий мазмунини ташкил этади.

Мазкур норманинг киритилиши тадбиркорлар эмин-эркин, даромадига бирор “шерик” бўлишидан қўрқмасдан фаолият юритишини, давлат ва тадбиркор ўртасидаги мулоқот қонун талаби ва бозор принциплари асосида амалга оширилишини ҳамда ҳаммага тенг бўлган бизнес мухити яратилишини таъминлайди.

 **67-савол:** Давлатнинг қулай инвестициявий ва ишбилармонлик мухитини таъминлашга масъуллигини белгиловчи норманинг иқтисодий-хуқуқий аҳамияти нимада?

Жавоб: Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш учун давлат томонидан зарур иқтисодий-хуқуқий шароитларни шакллантириш мухим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **“Давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестиция мухитини ҳамда шароитларни таъминлаши лозим”**, деб таъкидлаган эди.



Шу боис янги таҳrirдаги Конституциямиз лойиҳасининг 67-моддасида **“Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик мухитини таъминлайди”**, деган мазмундаги илгор ва барча давлат органлари фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезонига айланадиган норма мустаҳкамланмоқда.

Иктисодиётимизга маблағ киритиш истагида бўлган хар-қандай инвесторни кизиктирадиган биринчи масала – тадбиркорлик фаолияти билан бемалол шугулланиши ва фойда олиши учун яратилган шароитлардир. Шу боис барча давлатлар ўз худудида бизнесс билан шугулланиш учун жозибадор ва қулай мухитни таъминлашга харакат қилишади.

Қулай инвестициявий ва ишбилармонлик мухити – мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иктисодий барқарорликнинг таъминланганилиги, мукаммал ва барқарор конунчилик базаси ва суд-хуқуқ тизимининг мавжудлиги, ҳалол рақобат қилиш имконияти яратилганлиги, рухсат олиш ва ҳисобдорлик чекланганлиги, адолатли солиқ тизимининг амал қилиши, энг мухими, даромадларни эркин тасарруф этиш чекланмаганлиги ҳамда инвесторлар учун имтиёз ва преференциялар тақдим этилганлиги билан белгиланади.

Сўнгги йилларда иктисодиётимизга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми **10 баравар** ошиб, қарийб **40 миллиард** долларни ташкил этганлиги ҳам мамлакатимизда қулай ишбилармонлик мухитини шакллантириш борасидаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Мазкур норманинг Конституцияга киритилиши, **биринчидан**, мамлакат иктисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга, инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашга ва давлат тузилмаларининг масъулиятини оширишга, **иккинчидан**, тадбиркорлар хуқуқлари ва конуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга, хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтиришга ҳамда инвестиция бозоридаги рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.



68-савол: Конституцияда тадбиркорларнинг қайси асосий хуқуқлари кафолатланмоқда ва бу тадбиркорлар учун нима беради?

Жавоб: Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уни тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини

янада такомиллаштиришга каратылган көнгү күламли ислохоттар олиб борилмоқда. Тадбиркорликка көнгү йүл очилғанлыги туфайли, сүнгі олты йилда уларнинг сони 6 баравар ошиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар 26 мингтага, 100 миллион долларга етказғанлар эса 220 тага етди.



Таъкидлаш лозимки, амалдаги Конституцияда **тадбиркорлик қилиш эркинлиги кафолатланади**, деган норма билан чекланиб, тадбиркорларнинг түлаконли фаолияти учун ҳәёт-мамот аҳамиятга эга бўлган хукукларига доир маҳсус норманинг белгиланмаганлиги хуқукий тизим учун “бўшлиқ” ҳисобланарди.

Эндиликда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 67-моддасига **“Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”**, деган мазмундаги том маънода асос солувчи норманинг киритилиши орқали мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Хўш, тадбиркорлик фаолиятини самарали юритишда мазкур норма қандай аҳамият касб этади?

Биринчидан, тадбиркорларни қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканлигининг белгиланиши, даромад олиш асосий мақсади бўлган тадбиркорлар учун иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолият юритиш хукукини конституциявий кафолатлайди. Дарҳақиқат, капитал қаерда даромад олиш имконияти бўлса, шу тарафга қараб ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши шарт. Бу бозор иқтисодиётининг олтин қоидалари сирасига киради. Бунда, муайян фаолият билан шуғулланиш бўйича қонун хужжатларида тақиқ қўйилмаганлиги талаб этилади.

Иккинчидан, ўз фаолият йўналишини мустақил равишда ташлаш хуқуки тадбиркорларга ўз бизнес стратегияларини бошқа шахсларнинг давлат органи ва уни мансабдор шахсларининг ўзбошимчалик билан аралашувисиз, ўз хохиши ва манфаатларидан келиб чиқсан холда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини беради.

Таъкидлаш лозимки, Хорватия, Эстония, Польша каби мамлакатлар конституцияларида хам шундай мазмундаги нормалар мавжуд.

Конституцияга киритилаётган мазкур қўшимчалар эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабини ўзида ифода этиб, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишга доир асосий ёндашувини белгилайди ҳамда “**қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга рухсат берилади**” принципи асосида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий мезонларини конституциявий даражада мустахкамлайди.

Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлар эркин ва самарали фаолият юритишига, бизнес муҳитини яхшилашга, ички ва ташқи савдо ривожланишига, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини оширишга хизмат килади.



69-савол: Товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишининг конституциявий кафолатланиши тадбиркорлар учун қандай аҳамиятга эга?

Жавоб: Бозор иқтисодиётининг энг асосий принципларидан бири – бу эркин рақобат шароитида товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капиталнинг мамлакат ҳудудида хеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши ҳисобланади.

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, рақобат муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг

шароитлар яратиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш ҳамда бизнес вакилларининг ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Колаверса, Жаҳон савдо ташкилотининг ҳам асосий талабларидан бири – бу меҳнат ресурслари, товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ҳисобланади.


Шу сабабдан ҳам янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 67-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади”, деб белгилаб қўйилмоқда.

Иқтисодий макон бирлиги деганда солиқ, пул-кредит, молия, савдо ва божхона сиёсати орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини таъминлайдиган ҳудудий макон назарда тутилади.

Тадбиркорлар ўз маблағларини тўсиқларсиз тасарруф қила олиш имконияти жуда катта аҳамиятга эга. Чунки тадбиркор олган фойдасини мамлакатдан эркин олиб чиқиб кетиш, бошқа бозорга ёки лойиҳага йўналтириш имкониятига эга бўлмаса, унинг бу мамлакат бозорида фаолият юритишидан маъно қолмайди.

Ушбу ислоҳотлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларимизга қўйидаги кафолатларни беради, жумладан: товарлар ва хизматларнинг ҳаракатланишига тўсиқлар жорий этилмаслиги; пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ва ривожлантириб бориш; валюта бозорини либераллаштириш, киритилган инвестициялар бўйича фойдани қайтариш; шартномалар ижросини таъминлаш ва бошқалар.

Мазкур норманинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳом ашё, товарлар ва хизматларнинг эркин




харакатланиши ва реализация қилинишини ноконуний чеклашнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектининг кайсиdir худудла солик тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишини талаб қилишга чек кўништа ҳамда меҳнат ресурсларининг эркин харакатига замин яратади.



70-савол: Конституцияда “монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади”, деган қатъий норма белгиланишининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Товарлар ва хизматлар бозорида самарали рақобат мухитини яратиш мақсадида монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни яна-да ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий фаолиятда монополаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаши лозим”, деб таъкидлаган эди.



Амалдаги Конституцияда тадбиркорлик, иқтисодий фаолият эркинлиги белгиланган бўлса-да, айнан ушбу соҳада самарали фаолият кўрсатишга салбий таъсир қиласидиган монопол ташкилотлар фаолиятини чеклаш бўйича маҳсус норма белгиланмаган.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 67-моддасида илк маротаба “Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади”, деган қатъий норманинг киритилаётганлиги иқтисодиёт тармоқларида монопол фаолиятни чеклаш орқали рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган тизимли иқтисодий-хуқуқий тартибга солишнинг конституциявий асослари шаклланишига хизмат қиласи.

Дархақиқат, иқтисодиётни ривожлантириш манфаатлари нуқтаи назаридан давлатнинг монопол фоалиятни тартибга солиш каби мухим вазифани ўз зиммасига олиши бизнес ҳамжамиятнинг ҳам, ахолининг ҳам манфаатига жавоб беради.

Бунда барча бозорларда соғлом рақобат мухитини таъминлашга ҳамда рақобатни олиб кириш мумкин бўлган табиий монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очишга мухим эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, юқори ижтимоий аҳамият касб этувчи соҳалардаги табиий монополиялар (масалан, нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш, темир йўлларда ташиш ва бошқ.) фоалияти **истеъмолчилар манфаати устунлиги** нуқтаи назаридан тартибга солиниши зарур. Бундай тартибга солиш давлат томонидан нархларни ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Бундай нормалар **Австрия, Болгария, Хорватия** каби хорижий мамлакатлар конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган.

Конституцияга ушбу норманинг киритилиши рақобатни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришга янгиликларни тезкор жорий этиш орқали самарадорликнинг ортишига, истеъмолчиларнинг танлаш эркинлигини кафолатли таъминлашга, товар ва хизматлар нархининг асоссиз ошмаслигига ҳамда уларнинг юқори сифатда бўлишига хизмат қиласди.



71-савол: Конституцияда ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг эътироф этилиши фуқаролар учун қандай имконият беради?

Жавоб: Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатни тараққий эттиришнинг асосий омилларидан биридир.

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлақонли жорий этилмаганлиги ҳақиқий мулкдорлар қатлами етарлича шаклланмаслигига, ерни ҳақиқий товар

сифатида бозор мумаласига киритилмаслигига ҳамда хорижий инвесторларнинг миллий иктисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди.


Шу нүктай назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда “**Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим**”, деб алоҳида таъкидланганлиги қатъий сиёсий ирода намунасиdir.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 68-моддасида илк маротаба “**Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин**”, деган муҳим норма мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли ерларни уларнинг ўзлари томонидан хусусийлаштириб олиш имконияти яратилмоқда. Хусусан, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ти Конунга мувофик фуқаро ва юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин.

Бозор иктисодиёти ерни ҳам хусусий мулк асосида уларга тегишли бўлишини талаб этади. Шу боис, ҳеч муболағасиз ушбу норма янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасидаги ҳакиқий инқилобий ўзгаришлардан бири сифатида мулкчилик муносабатлари ривожига хизмат қиласди.

Ер хусусий мулк сифатида фуқарога тегишли бўлиши унга нима беради? Хусусий мулк бўлган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳукуқларни қўлга киритади. Энг муҳими, бундай ерни давлат факат мулкдорни розилиги билан, шартнома асосида, бозор нархида жамоат эҳтиёjlари учун қайта сотиб олиши мумкин. Бир сўз билан айгандা, ер “*снос*”га тушиб



кетмайди, давлат ерни келишилган нархда сотиб олсагина, ербегоналаштирилиши мумкин.

Шу билан бирга, ерни умуммиллий бойлик ва муҳим иктисадий ресурс эканлигини назарда тутиб, унга хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олиш мақсадида **68-моддада** назарда тутилган конституциявий шартлар хусусийлаштирилган ердан самарали фойдаланишини ва уни келажак авлодларга безавол қолдирилишини таъминлайди.



72-савол: Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасида фуқаролик жамияти институтларига оид қандай нормалар киритилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганинг 29 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида “**Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш**” давр талаби эканлиги қайд этилган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда **9 мингга** яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар, **9 мингдан** ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда.



Фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси илмий адабиётларда келтирилган бўлиб, лекин норматив-хуқукий хужжатларда мазкур институтнинг тушунчаси берилмаган, улар фаолиятига оид хуқукий кафолатлар белгиланмаган эди. Жаҳон банкининг “**Фуқаролик жамияти ташкилотлари билан маслаҳатлашув**” кўрсатмасида “**Фуқаролик жамияти институти**” тушунчасини қўллаш тавсия қилинган.

Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 69-моддасида “**фуқаролик жамияти институтлари**, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади", деган норма мустаҳкамланмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, хукуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат килади. Улар жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўз-ўзини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавиятини юксалтиришга кўмакланиши, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз келажагини ўз хоҳиши билан қуриш истагини шакллантиришга хизмат килади.

Табиийки, ушбу институт вакиллари бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан қарайдиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда амалий ишлари билан ёрдам беришга шай ташкилотлар мажмуаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишда ишончли ҳамкор бўла олади.

Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини бевосита тартибига соловчи ҳамда уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига доир қонунчилик ҳужжатларининг тизимлаштиришга хизмат килиб, босқичма босқич давлат функцияларини ушбу институтларга бериб бориш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга туртки бўлади.




73-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига диний ташкилотлар билан боғлиқ қандай янги норма киритилмоқда?

Жавоб: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳайтини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, виждан эркинлиги хукуқини кафолатлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўп миллатли юртимиизда ўзаро дўстлик муҳитини яратиш, диний конфессия вакиллари ўртасида бағрикенглик принципларини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда **130** дан зиёд миллат ва

элат ўзаро ҳамжиҳатликда ахил-инок яшаб келмоқда, 16 та конфессиянинг 2,3 мингдан зиёд диний ташкилотлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Конун янги таҳирда қабул қилинди.



Бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисига Ўзбекистон томонидан таклиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Мамлакатимизда диний бағрикенглик принципини қарор топтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш мақсадида янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 75-моддасига “Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлади”, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Мазкур янги конституциявий норма, нафакат фуқароларимизнинг виждон эркинлиги кафолатларини кучайтиришга, балки мамлакатимизда барча диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга ошириши учун ҳуқуқий кафолатларни янада такомиллаштиришга хизмат қиласи. Бу эса диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини асрар, уни турли нотўғри қарашлардан сақлаш, қолаверса, диннинг маънавий-маърифий салоҳиятидан жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда фойдаланиш учун замин яратади.




74-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида болаларни тӯлақонли ва баркамол вояга етказиш бўйича ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига қандай мажбуриятлар юкланмоқда?

Жавоб: Ўзбекистонда азал-азалдан оила ва фарзанд юксак қадрланади. Шу маънода ота-оналар зиммасига болаларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга, таълим беришга оид масъулият юклатилган.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 77-моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тӯлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида **ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар**”, деган норма белгиланмоқда. Ушбу норма Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига тўла мувофиқдир.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига қўйидаги мажбуриятлар алоҳида белгилаб берилмоқда:

биринчидан, ота-оналар ўрнини босувчи шахслар тушунчаси киритилиши билан вояга етмаганларга масъул бўлган шахслар доираси кенгайтирилмоқда. Вояга етгунга қадар етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва унга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида **ҳомий ёки васий** этиб тайинланган шахслар **ота-оналар ўрнини босувчи шахслар** ҳисобланади. Уларнинг зиммасига болаларга ўз фарзандидек муносабатда бўлиб, уларни кўз-қорачигидек асраш, ҳайтда ўз ўрнини топиши учун таълим-тарбия бериш мажбурияти конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда;



иккинчидан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг фарзандлари олдидаги вазифалари кенгайтирилмоқда. Амалдаги Конституцияда ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар факат боқиш ва тарбиялашга мажбур әди. Эндиликда ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларини боқиш ва тарбиялаш билан бирга, уларнинг **таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга** мажбур эканликлари белгиланмоқда.

Бундан мақсад фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширишdir. Афсуски, ҳаётда болаларга таълим-тарбия бериш, моддий таъминлаш, химоя қилиш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилмайдиганлар ҳам учрайди. Бундай шахслар ота-оналилк ҳуқуқидан маҳрум килиниши ёки жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ушбу норманинг киритилиши натижасида фарзандликка олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиши кучайтиришга, вояга етмаганларнинг таълим олиши, соғлом ва баркамол ривожланиши бўйича қўшимча кафолатлар яратилишига ва энг муҳими, фарзандларни баркамол этиб вояга етказишида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қиласди.



75-савол: Конституцияда давлатга боланинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қандай мажбуриятлар юқлатилмоқда ва унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Жавоб: Болалар – келажагимиз эгалари экан, уларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш зарурдир. Шу боис мамлакатимизда болаларнинг манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципи асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Болаларни доимий равишда давлат ҳимояси ва ғамхўрлиги остида булишини таъминлаш мақсадида янги таҳтиридаги Конституциямиз дойихасининг 78-моддасига “**боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир**”, деган мазмундаги норма киритилмоқда.

Аслида “**бала**” деганда кимни тушунишимиз керак? БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва миллий конунчилигимизга мувофиқ, **18 ёшга тўлгунга қадар бўлган шахс – бала** хисобланади. Агар шунга асосланадиган бўлсак, бугун юртимиз аҳолисининг қарийб **12,1** млн нафари болалардан иборат бўлиб, улар мамлакатимиз аҳолисининг 35 фоизини ташкил этмоқда. Конвенциянинг З-моддасида “**болаларга нисбатан амалга ошириладиган барча харакатларда, улар давлат ёки хусусий ижтимоий ҳимоя муассасалари, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан амалга оширилишидан катъи назар, боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда эътиборга олинади**”, деб белгиланган. Болаларнинг манфаатларини таъминлаш борасидаги мазкур янги конституциявий нормалар юкоридаги Конвенция қоидаларига ҳам мосдир.

Мазкур конституциявий нормага мувофиқ эндиликда давлат:

- **болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш учун қонунчилик ва амалиётни такомиллаштиради**, шу орқали нафақат болалар билан боғлиқ суд жараёнлари, балки таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда болаларнинг энг яхши манфаатлари хисобга олинишини таъминлайди;
- **болаларнинг жисмоний ривожланиши учун** ҳар бир шаҳар, туман, маҳалла ва мактабда спорт майдончаси ёки спорт

залини ташкил этиш, тури спорт тўгаракларининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш каби чораларни кўради;

– болаларнинг ақлий ривожланиши учун мактаб ва мактабгача таълим сифатини яхшилаш, болаларга мўлжалланган адабиёт, ўқув ва мультимедиа, Интернет дастурларини тайёрлаш, кутубхоналарининг китоб фондини бойитиш, илмий-техник тўгаракларни кўпайтириш, педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби тадбирларни амалга оширади;

– болаларнинг маданий ривожланиши учун уларга мўлжалланган санъат тўгаракларини фаоллаштириш, театр ва концерт репертуарларини кўпайтириш, музей ва маданий кўргазмаларга мактаб ўқувчилари кўпроқ кириши учун шароитларни яратади.

Мазкур нормани Асосий қонунга киритилиши юртимиз келажаги бўлган болаларни соғлом, зукко, зеҳнли бўлиб улфайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга, уларнинг қобилият ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат киласди.



76-савол: Конституцияда ёшларни қўллаб-куватлаш ва уларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида қандай янги нормалар назарда тутилмоқда?

Жавоб: Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзуинтилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолиси 2040 йилга бориб, **50** млнга етади. Уларнинг **ярмидан кўпи ёшлар эканини** ҳам ҳисобга олиш керак. Уларга муносаб шароит килиб бериш учун, **ҳар йили 250 минг** янги ўқувчи ўрни, ўнлаб замонавий шифохоналар, камида **200 мингта** янги уй-жой,



1 млн доимий иш ўрни, 25 – 30 млрд доллар инвестиция керак.

Конунчилигимиэга мувофик ёшларга – 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар киради. Ўзбекистонда ёшларнинг сони бугунги кунда **9,6** млндан ошмоқда, яъни мамлакатимиз ахолисининг 30 фоизга яқинини ташкил этмоқда.

2016 йилда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конун қабул қилинди, 2020 йилда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди ҳамда **30 июнь** – “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **78 ва 79-моддалари** ёшларга оид алоҳида нормалар билан тўлдирилмоқда. Уларга мувофик:

биринчидан, давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадрияларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фаҳрланиши, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйгуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласи, деган норма киритилмоқда. Ушбу норма жамиятнинг тинчлиги, яқдиллиги ҳамда давлатнинг барқарор ривожи учун мухимdir, ва аксинча, айнан ушбу вазифага эътиборсизлик жамият, миллат ва халқнинг таназзулига йўл очади;

иккинчидан, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради, деган норма мустаҳкамланмоқда. Биз демократик, ҳуқуқий давлат қуришга интилар эканмиз, бунга келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмасдан туриб, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини таъминламасдан туриб, ҳеч қачон эриша олмаймиз;


учинчидан, давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шартшароитлар яратади, деган норма киритилмоқда.

Ёшларимизнинг хар томонлама ривожланиши учун уларга тегишли имкониятлар, яъни соғлом ва уй-жойли бўлиш, таълим олиш, ишга жойлашиш, банд бўлиш ва дам олиш имкониятларини яратиш зарурдир. Давлат бу борада тегишли шарт-шароитларни яратиш бўйича мажбурият олмокда, чунки мазкур нормалар, нафақат ёшларимиз манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг фаровон келажаги учун муҳимдир.



77-савол: Конституцияда оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини таъминлашга йўналтирилаётган янги кафолатлар жамиятга қандай таъсир қилади?

Жавоб: Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий хукуқларини таъминлаш, жамиятда очиқлик ва ошкоралик, қонунийлик мухитини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) муҳим аҳамиятга эга.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислоҳотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига пур етказиш сифатида баҳоланиши керак”, деб таъкидлаган эди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 81 ва 82-моддаларида ОАВ билан боғлиқ қўйидаги нормалар мустаҳкамланмоқда:

Биринчидан, давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган хукуқлари амалга оширилишини кафолатлади, деб белгиланмоқда. Мазкур норма жамиятнинг ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, аҳолининг ахборот олиш

хукукларини таъминлашга хизмат килади:

Иккинчидан, оммавий аҳборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади, деган мухим норма ўрнатилмоқда. Ушбу норма ОАВнинг ва журналистларнинг эмин-эркин, турли маъмурий босимлардан қўркмасдан фаолият юритишини таъминлайди. Ҳамда жамиятда очиклик ва ошкоралик мухитининг ривожланишига шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” Конунига кўра, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари цензура қилганлик, журналистга тазйик ўтказганлик, унинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари, журналистнинг қонуний хукукларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлик ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг хаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

ОАВнинг эркинлигига оид нормалар Германия, Австрия, Озарбайжон каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

Ушбу нормалар мамлакатимизда аҳборот эркинлигини янада кучайтиришни, пировардида оммавий аҳборот воситалари ва журналистларнинг эмин-эркин ҳаракатланишини таъминлайди.



78-савол: Конституциявий даражада Конунчилик палатаси депутати бир вақтнинг ўзида бошқа вакиллик органи депутати бўлиши тақиқланишининг зарурати нимада?


Жавоб: Депутат – халқ томонидан сайлов йўли билан ваколат берилган давлат ҳокимияти вакиллик органларида маълум муддатда фаолият юритувчи шахсадир. Депутатнинг асосий вазифаси ўз сайловчилари манфаатларини ифода этишdir. Депутатлар Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайланади.

Таъкидлаш лозимки, бўлиб ўтган сайловларда айрим ҳолларда сиёсий партиялар томонидан айнан бир шахси иккита вакиллик органига депутатликка номзоди кўрсатилиб қолади ёки сайланниб депутат ҳам бўлиши мумкин. Конунчилик палатасининг депутати ўз фаолиятини професионал, яъни доимий асосда амалга оширади. Депутат ҳар куни Олий Мажлис Конунчилик палатасига келиб Кенгаш, фракция, кўмита, комиссиялар фаолиятида ёки палата йиғилишида иштирок этади. Кўриниб турганидек, Конунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг професионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 92-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг депутати бир вақтнинг ўзида Корақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин** эмас, деган қатъй норма белгиланмоқда.

Бунинг зарурати шундаки, депутатнинг кундалик професионал фаолияти бевосита ўз электоратининг дарди ва муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлиши лозим. Шу сабабли, айни бир вақтда Конунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат 2 та вакиллик органининг ишида иштирок этиш имкониятига эга бўлолмайди. Акс ҳолда сайловчилар ва уни номзод этиб кўрсатган партиянинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришда тўсқинлик қиласди.

Бундай норманинг киритилиши Конунчилик палатасида ҳамда ҳалқ депутатлари Кенгашларида **доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш** вазифасидан келиб чиқади ҳамда **сайловчилар билан депутатларнинг доимий ишлашини** таъминлашга



хизмат килади. Фуқаролар, хусусан, сайловчилар билан депутатларнинг ишлашида қийинчиликлар келиб чиқишининг олдини олади ҳамда сайловчилар томонидан килинган мурожаатларни депутатлар ўз назоратига олиб ижобий ҳал қилиш чораларини кўришга, аҳолининг мурожаатлари юзасидан масалалар киритиш, турли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш ва сўровларнинг бажарилишини назорат қилишга хизмат килади.



79-савол: Олий Мажлис палаталарининг конституциявий ваколатларига Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани эшлиш ваколатининг киритилаётганилиги нима билан боғлиқ?

Жавоб: Мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат бошқарувидаги коррупциявий омилларни кескин камайтириш бўйича чоратадбирлар амалга оширилмоқда.



Коррупцияга қарши алоҳида орган ташкил этилганлиги бунинг ёрkin далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “... Коррупцияга қарши куаш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш лозим”, деб таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг Конунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари белгиланган 93-моддасида **Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшлишга оид норма** белгиланмоқда.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга асосан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрланиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига киритилиши белгиланган.

Миллий маъруза кенг жамоатчилик, хусусан, давлат органлари вакиллари, мустақил экспертлар ва фуқароларимиз учун соҳада олиб борилаётган ишлар бўйича комплекс маълумот беришга мўлжалланган. Унда ҳар йилги мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишида кўрилган превентив чоралар, хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади. Ушбу таклиф орқали парламентнинг **коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган қўмиталари** мазкур маъruzani дастлабки тарзда ўрганади, палаталар мажлисларида муҳокама қиласди.

Ушбу норма ҳуқуқий давлатнинг адолат ва қонун устуворлиги **принципини** амалга ошириш механизми ҳисобланади. Мазкур ўзгариш келгусида мамлакатда коррупцияга қарши курашишда самарали чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, жамият ва инсонлар ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, давлат бошқаруви, молия, кредит ва банк фаолияти, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва чек қўйишга, қонун хужжатларини такомиллаштиришга хизмат қиласди.



80-савол: Парламент текшируви институтини конституциявий даражада мустаҳкамлашнинг аҳамияти нимада?

Парламент назорати ижро ҳокимиятининг қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятида ўзига ҳос аҳамият касб

этади. Парламент назорати – парламент сўрови, депутат ва сенатор сўровлари, “хукумат соати”, парламент текшируви ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Парламент текшируви институти парламент назоратининг алоҳида шакли сифатида кўплаб хорижий мамлакатлар конунчилигига мавжуд бўлиб, ушбу фаолият парламент томонидан давлат ва жамият аҳамиятидаги салбий ҳолатларни ўрганиш, уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида маҳсус комиссия ёки қўмиталар тузиш йўли билан ўтказилади.

Шу боисдан янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 93-моддасида парламент назоратининг энг муҳим шаклларидан бири сифатида **парламент текширувни** ўтказиш **Олий Мажлис палаталарининг** биргаликдаги ваколатлари қаторида мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, лойиҳасининг 103-моддасида мамлакат хавфсизлиги, барқарор ривожланиши асосларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсон хукуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ва воқеаларни ўрганиш мақсадида Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Парламент текшируви мазмунан давлатнинг ваколатли органлари томонидан олиб бориладиган тергов фаолиятидан сезиларли фарқ қиласи. Текширув жараёнида парламент жиноий-хукукий оқибатларга олиб келадиган қарорлар қабул кила олмайди, факат конун бузилиши ҳолатларини қайд этиши ва материалларни ваколатли тузилмаларга топшириши мумкин, бунда тергов органлари, зарурат туғилганда, тўлақонли тергов ўтказишлари шарт бўлади.

Парламент текшируви институтини конституциявий даражада мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига ҳамда инсон ва фуқароларнинг хукуклари ва эркинликларига



дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш орқали Олий Мажлис палаталарининг парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Парламент текшируви бўйича комиссия фаолияти, ваколати ва текширув олиб бориш тартиби ва якуни бўйича кўриладиган чоралар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ушбу институтдан самарали фойдаланиш парламент назоратининг энг кучли воситаси эканлигини кўрсатади. Масалан, **АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Германия, Бразилия, Туркия** каби мамлакатлар парламентлари томонидан парламент текшируви институти самарали қўлланилмоқда. Масалан, **Франция ва Германия** конституцияларида парламент текширувини ўтказиш ҳуқуки мустаҳкамланган ҳамда унинг тартиби белгилаб қўйилган.

Ушбу норма билан парламентга давлат ва жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган энг долзарб масалаларни ўрганиш мақсадида текширув ўтказиш ваколатининг берилиши, ҳалқ вакиллари томонидан нафакат назорат қилинадиган субъектлар фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки уларнинг юзага келиш сабабларини бартараф этишга имкон беради.



81-савол: Чет давлатлардаги ва ҳалқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ваколат-хоналар раҳбарларини тайинлаш ва уларни назорат қилиш бўйича Сенат қандай конституциявий ваколатларга эга бўлмоқда?

Жавоб: Ўзбекистон ташқи сиёсатда дунёдаги барча давлатлар билан дўстлик муносабатларини ривожлантиришига устувор эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишда парламентнинг роли оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ваколатхоналари ўзи ишлаб турган мамлакатда ёки халқаро ташкилотда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуклари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш мақсадида ташкил қилинади.

Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 95-моддасида Сенат томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш, шунингдек уларнинг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботларини эшлишига оид янги қоидалар киритилмоқда.

Мазкур нормалар Асосий қонунга нима сабабдан киритилмоқда?

Биринчидан, амалдаги таҳрирда чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш назарда тутилган эди. Эндиликда Сенат томонидан чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши аниқ белгилаб берилмоқда.

Иккинчидан, парламентнинг назорат ваколатларини кенгайтириш бўйича Сенат томонидан дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳисоботларини эшлиш ҳам аниқ белгиланмоқда. Мазкур норма ўз фаолияти ҳақида ваколатхоналар раҳбарларининг ахборотини Сенатда эшлиш ва муҳокама қилишга асос бўлади.



Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар хузуридаги **ваколатхоналари сони 55** та бўлиб, шулардан: элчихоналар – 37 та, бош консулликлар – 17 та, консуллик – 1 та, доимий ваколатхоналар – 3 та.

Киритилаётган норма Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги обрўси ва ижобий имижини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хуқуклари ва конуний манфаатларини химоя қилишга, шунингдек, хорижий давлатларда яшаётган, ишлаётган ва ўқиётган ватандошларимиз билан алоқаларни ривожлантиришга имкон беради.

82-савол: “Қонунчилик тақлифларини кириши” институти нима, бундай институт жорий этилишининг зарурати ҳамда қонунчилик ташаббуси билан фарқли жиҳатлари нималардан иборат?

Жавоб: Жамиятдаги энг асосий ижтимоий муносабатлар қонунлар билан тартибга солинади. Конунни яратиш жараёни қонунчилик ташаббуси рўёбга чиқишидан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган қонунчилик ташаббуси хукуқи институтини ислоҳ қилиш бўйича тақлифидан келиб чиқсан холда, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **98-моддасида “қонунчилик тақлифларини кириши”** институти жорий этилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг сайлов хукуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган **фуқаролари**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **Сенати**, Олий Мажлиснинг **Инсон хуқуқлари**



бўйича вакили (омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчилик тақлифларини Конунчилик палатасига киритишга хақлилиги белгиланмокда.

Конунчилик тақлифи институти – бу қонунчилик ташаббусининг бир тури бўлиб, кейинчалик Конунчилик палатасида қонун лойиҳасига айланадиган бўлажак қонуннинг асосий ғояси ёки концепциясини ваколатли субъектлар томонидан тақлиф этиш ҳуқуқидир.

Конунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда қонунчилик тақлифларини киритиш ҳуқуқи ўртасида ўзига хос фарқлар мавжуд. **Конунчилик ташаббуси ҳуқуқида** аниқ **қонун лойиҳаси** – яъни барча таркибий қисмлар (муқаддима, моддалар ва бошқ.)ни ўз ичига олган ҳамда тузилишга доир талабларга мос бўлган бўлажак қонуннинг матни киритилади. Конунчилик ташаббуси ҳуқуқи ваколатли органлар ва шахслар томонидан қонун лойиҳасини қабул қилиш тўғрисида тақлифни парламентга тақдим этилиши ва белгиланган тартибда кўриб чиқиши ҳақида тегишли қарор қабул қилишдир. Конунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида Конунчилик палатасига субъектлар томонидан қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган хужжатлар ҳам киритилади.

Конунчилик тақлифи – бўлажак қонуннинг барча тартиб-таомиллари эмас, балки факат ғояси ифодаланадиган концепциядир. Конунчилик тақлифида қонун лойиҳаси эмас, балки бўлажак қонуннинг асосий концепцияси ваколатли субъектлар томонидан тақлиф этилади.

Конунчилик тақлифларини киритиш институтини жорий қилиш ҳамда конунчилик ташаббуси субъектлари доирасини кенгайтириш орқали норматив-ҳуқуқий хужжатлар тизимида қонунларнинг улуши ортишига, қонун ости хужжатларини камайтиришга, қонун лойиҳаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш орқали жамиятдаги ва қонунчиликдаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этишига, ҳалкни қонун ижодкорлигига тўғридан-тўғри иштирок этишига шароит яратади.




83-савол: Конституциявий суд, Олий суд ва Баш прокурор фақатгина ўз ваколатларига оид масалалар юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишга эга, деган норманинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Жавоб: Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи давлат ва жамият иродасини қонунларга айлантириш мақсадида ваколатли органлар ва шахслар томонидан қонун лойиҳасини қабул қилиш, амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш ҳақида таклифни парламентга тақдим этилиши билан боғлиқ фаолиятдир. Конституцияга кўра қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Президент, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Баш прокурор эга. Бунда ҳар бир субъект ўз фаолияти ва ваколатларидан келиб чиқиб мазкур ҳуқуқни амалга ошириши муҳимdir.

Шу сабабли, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 98-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Баш прокурори ҳам ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда.**

Мазкур нормалар Асосий қонунга нима сабабдан киритилмокда?

Биринчидан, киритилаётган ўзгартиш билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси тўлиқ ва барча масалалар юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда. Кўплаб хорижий давлатлар амалиётида ҳам



тўлиқ, яъни барча масалалар юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳукукига давлат бошлиги, парламент ва ҳукумат эга бўлади.

Иккинчидан, Конституциявий суд, Олий суд ва Бош прокурор фақатгина ўз ваколатларига онд масалалар юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳукуқини амалга ошириши мустаҳкамланмоқда.

Конунчилик палатаси фаолиятида суд ҳокимияти органлари ва Бош прокурор томонидан киритилган қонун лойиҳалари миқдори кўп эмас. Бу орқали юқоридаги субъектлар фақатгина ўз фаолияти доираси бўйича қонун лойиҳаларини пухта ишланган ҳолда тақдим этиши йўлга қўйилади.



84-савол: Фуқароларга қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритиш ҳукуки берилишининг халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципига ижобий таъсири нималарда намоён бўлади?

Жавоб: Демократик давлатда фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришда қонун ижодкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида қонунчилик ташаббуси ҳукуки институтини ислоҳ қилишни, Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қилди ҳамда “**Мазкур институт доирасида 100 минг кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга**”

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК
ТАШАББУСИ ҲУКУКИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА:



КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК
ТАШАББУСИ ҲУКУКИ ИНСТИТУТИ МАВЖУД.

УМУМИЙ ТАЛАБ – САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ТЕГИШЛИ МИКДОРДА
НОТАРИАЛ ТАСДИКЛАНГАН ИМЗОСИН ТУПЛАШ

бўладилар. Шу асосда энди халқ бевосита қонун ижодкори сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади" деб таъкидлаган эди.

Шу муносабат билан, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 98-моддасида сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқароларнинг қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Конунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуки **Австрия, Испания, Италия, Швейцария, Филиппин** ва бошқа бир қатор мамлакатлар конституцияларида назарда тутилган. Улардаги умумий талаб шуки, халқ ташаббуси асосида қонун лойиҳасини киритиш учун тегишли миқдордаги сайловчиларнинг имзоси тўпланади. Масалан, **Швейцария, Венгрия, Италияда 50** минг сайловчининг имзоси, **Польшада – 100** минг, **Испанияда 500** минг, **Колумбияда сайловчилар умумий сони 5** фоизининг имзоси тўпланиши лозим.

Фуқароларнинг қонунчилик таклифлари билан парламентга мурожаат қилиши институтининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципига қўйидаги ижобий таъсир қиласи:

биринчидан, давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, халқнинг бевосита қонун ижодкори сифатида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли муаммоларни ҳал этишига олиб келади;

иккинчидан, ўзларига тегишли конституциявий ҳукуклар билан боғлик турли ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал этишга, энг муҳими, ислоҳотлар ташаббускори сифатида инсонлар ўзларининг келажаги, орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун муҳим қарорлар қабул қилишда тўғридан-тўғри иштирок этишларига хизмат қиласи.



85-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасига киритилабтган янтиликка кўра, қонунчилик тақлифларини киритиш хукуқи кимларга ёки қайси ташкilotларга берилмоқда ҳамда буниг зарурати ва аҳамияти нимада?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойихасида қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташабbusи тартибида киритиш институти жорий этилмоқда. Хусусан, 98-моддада қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташабbusи тартибида киритиши мумкин бўлган куйидаги субъектлар белгиланмоқда:

Ўзбекистон Республикасининг сайлов хукуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари

Ўзбекистон Республикаси
Олий
Мажлисининг
Сенати

Ўзбекистон Республикаси
Олий
Мажлисининг
Инсон хукуклари
бўйича вакили
(омбудсман)

Ўзбекистон Республикаси
Марказий
сайлов
комиссияси

Мазкур субъектларни қонунчиликка оид тақлифлар киритиш хукуқи субъектлари қаторига киритилиши:

биринчидан, фуқароларга ва Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (омбудсман)га бундай хукуқнинг берилиши қонун ижодкорлигига фуқароларнинг иштироқи кенгайишига ҳамда инсон хукукларини таъминлаш, ҳимоя қилишга хизмат қиласи. Масалан, 2022 йил январь-август ойларида фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, депутатлар томонидан қонунчилик ташабbusи хукуқи асосида 6 та қонун лойихаси Қонунчилик палатасига киритилган. 2021 йилда Инсон хукуклари бўйича вакил (омбудсман) томонидан Олий Мажлисга ва Вазирлар Маҳкамасига қонун лойихалари юзасидан 93 та тақлиф юборилган;

иккинчидан, Сенатга бундай хукуқнинг берилиши ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши соҳасида

конунларни қўллашдаги хукукий бўшликларнинг барта-раф этилишига хизмат қилади. Сенат фаолиятида шу кунга қадар, амалдаги **40** дан зиёд қонунлар бўйича тегишли таклифлар Ҳукуматга киритилган.

Парламент юқори палаталарининг қонунчилик ташаббуси хукуки институти **Испания, Польша, Чехия** каби давлатларда мавжуд;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси **Марказий сайлов комиссияси**га қонунчиликка таклиф бериш хукуқининг берилиши сайлов қонунчилиги билан боғлиқ бўлган нормаларни такомиллаштириб боришга хизмат қилади.


Шу билан бирга, қонунчилик таклифларини киритиш институтининг Конституцияда белгиланиши халқимиз, фуқароларимиз хоҳиш-иродасини қонунлар шаклида ифодалашга, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига, инсон хукуқлари соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.



86-савол: Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий ваколатлари билан боғлиқ қандай ўзгаришлар киритилмоқда?

Жавоб: Ҳукумат ҳар қандай давлатда ижро этувчи олий орган бўлиб, барча қонун хужжатлари, стратегиялар, давлат дастурлари ва ривожланишнинг устувор йўналишлари ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **“Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оиласи қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни**



ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим”, деган таклифни киритган эди.

Ушбу таклиф асосида янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 115-моддасида Ҳукуматга қўйидаги мазмундаги янги ваколатлар берилмоқда:

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай инвестициявий мухитни яратиш, ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантириш бўйича чоралар кўриш;

аҳолини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиб ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, оиласи қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оиласи қадриятларни сақлаш бўйича чоралар кўриш;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг иштирок этишини таъминлаш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиб, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш.

Вазирлар Маҳкамасига юкоридаги ваколатларнинг берилиши Ҳукуматнинг мамлакатимизда “инсон қадри учун” принципи асосида амалга оширилаётган кенг камровли, шиддатли ва халқчил ислоҳотлар ижросини тўлиқ, ўз вақтида ва самарали таъминлашда масъулияти ва сиёсий жавобгарлигини кучайтиради.

Бундай нормалар Германия, Япония, Туркия, Хиндистон, Италия, Испания, Австрия, Жанубий Корея каби мамлакатлар конституцияларида мавжуд.

Мазкур ўзгаришлар мамлакатимизда экологик вазиятнинг яхшиланишига, аҳолининг эпидемия ва пандемиялардан ҳимояланишини кучайтиришга, иқтисодиётимизни барқарор ва ҳудудларимизни мутаносиб ривожлантиришга, ёшлар ва оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-кувватланишини кучайтиришга хизмат қиласди.



87-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган ўзгартишларга кўра, сиёсий партияларнинг Баш вазир номзодини кўрсатишдаги иштирокига оид қандай янгилик киритилмоқда?

Жавоб: Сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом ракобат мухитини шакллантириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш бугунги кундаги энг асосий вазифа хисобланади.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида сиёсий партияларнинг Баш вазир номзодини кўрсатиш жараёнидаги иштирокини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Амалдаги Конституциямизнинг **98-моддасига** кўра, **Баш вазир** номзоди Олий Мажлис



Қонунчилик палатасиға сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Лекин ушбу конституциявий коида Бош вазир номзодини кўрсатиш жараённида бошқа сиёсий партияларнинг иштирок этиш хуқуқини чеклаб қўйган эди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 118-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун тақдим этилади.

Киритилаётган мазкур янгиликнинг аҳамиятини нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, шу вақтга қадар Бош вазир номзодини кўрсатиша энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия иштирок этган бўлса, эндиликда барча сиёсий партиялар фракцияларига бу борада тенг имконият тақдим этилади;

иккинчидан, ҳар бир сиёсий партиянинг пировард мақсади бўлган, ҳукуматни шакллантириш жараённида бевосита иштирок этиш имконияти тақдим этилмоқда;

учинчидан, ушбу ўзгартиш орқали ҳар бир сиёсий партия ўз сайловолди платформасидаги энг муҳим вазифаларни Ҳукумат дастурига киритиш орқали амалга ошириш хуқуқига эга бўлади;

тўртинчидан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколати Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига ўтказилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, айрим мамлакатларда, масалан, **Қозоғистон** ва **Озарбайжон** конституцияларида ҳукумат раҳбари (Бош вазир) номзодини Президент томонидан ҳеч қандай кўшимча маслаҳатлашувларсиз парламентга киритиш амалиёти мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ўзгартишни мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнларида барча сиёсий

партияларни фаоллаштириш ва уларнинг хукумат шаклланиши ва фаолиятига таъсирини ошириш орқали парламент назоратини кучайтиришнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган навбатдаги муҳим қадам сифатида эътироф этсак бўлади.



88-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллашини тақиқлаш түғрисида янги норма белгиланмоқда. Ушбу янгилик нинг аҳамияти нимадан иборат?

Жавоб: Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда рўёбга чиқариш, бунда алоҳида ургу маҳаллий Кенгашларнинг бошқарувдаги ролини ошириб боришига қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашларга прокуратура, ички ишлар органлари, адлия, тиббиёт бўлимлари ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшлишиш бўйича янги ваколатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан 2022 йил 20 июнда бўлиб ўтган учрашувда “Бу ислоҳотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидағи масъулиятини оширишга олиб келади. Ҳудудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади”, деб таъкидлади.

Ушбу ғоя асосида янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг **120 ва 121-моддаларига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:



биринчидан, “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимияти вакиллик органларидир”, деган норма орқали ушбу органинг мақоми белгиланмокда. Бу билан; махаллий даражада вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият функциялари ажратилади;

иккинчидан, “Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қиласи”, “Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қиласи”, деб белгиланиб, ушбу янгилик асосида махаллий Кенгашларнинг фаолияти, авваламбор, махаллий аҳоли манбаатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишга ўналтирилса, ҳокимнинг фаолияти эса мазкур қарорларни ижро қилишга қаратилади;

учинчидан, “вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас” деган қатъий норма мустаҳкамланиб, ҳокимнинг мақомига, яъни Кенгашларнинг раҳбари бўла олмаслиги тўғрисида алоҳида аниқлик киритилмоқда.

Ушбу янгиликнинг аҳамияти шундаки, ушбу норманинг қабул қилиниши натижасида ҳокимиятлар бўлиниши принципи махаллий даражада татбиқ этилиб, Кенгашлар ваколати кенгайтирилишига, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгашлар назоратини кучайтиришга, ҳокимларнинг масъулиятини оширишга замин яратилади.



89-савол: Конституцияда халқ депутатлари Кенгашларининг конституциявий ваколатлари алоҳида белгиланишининг аҳамияти нимадан иборат?

Жавоб: Кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда, чинакам халқ ҳокимиятини барпо этишда, фуқаролар манбаатларини ишончли химоя қилишни мустаҳкамлашда дав-

лат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари алоҳида ўрин тутади. Ислоҳотларнинг ҳозирги даври маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва ҳокимларнинг ваколатларини аниқ ажратишни талаб қиласди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деганда конунчилигимиз бўйича вилоят, туман ва шаҳарлардаги халк депутатлари Кенгашлари ҳамда ижро ҳокимияти тушунилади.


Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 122-моддасида халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари алоҳида белгиланиб, улар қўйидагича ифодаланмоқда:

биринчидан, тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколати мустаҳкамланмоқда. Бу эса маҳаллий бюджетларни аҳолининг манфаатларини, ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқишга ва қабул қилишга хизмат қиласди. Шунингдек, бюджет маблағларининг ижро этилиши устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатишга шароит яратади;

иккинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш ваколати белгиланмоқда. Бундай дастурларда ҳудуднинг амалдаги ижтимоий-иктисодий ҳолати чукур таҳлил қилинади, аҳолининг муаммолари мақсадли ҳал қилишга йўналтирилади ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга бўлган талаблари тўлиқ ҳисобга олинади;

учинчидан, ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ваколати эса, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлигига халқ дарди билан яшайдиган энг муносаб номзодларни танлаш ва тасдиқлашга, улар фаолиятининг очиқлигига, аҳоли олдида маъсулияти ва ҳисобдорлигининг ошишига хизмат қиласди.

Қайд этиш жоизки, “**Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси**”да маҳаллий вакиллик



органларига хос бўлган ваколатлар мамлакатнинг Конституция ва конунларида аниқ белгилаб кўйилиши керак, деган тавсия белгиланган. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари **Австрия** конституциясида хам белгиланган.

Конституцияда халқ депутатлари Кенгашларининг конституциявий ваколатлари алоҳида белгиланишининг аҳамияти шундаки, мазкур ҳолат маҳаллий вакиллик органи мустақиллигини мустаҳкамлашга, улар олдида турган вазифаларни ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ аниқ белгилашга ва мазкур вазифаларни бажаришда уларнинг маъсулиятини янада оширишга хизмат қилади.



90-савол: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмаслиги Конституцияда назарда тутилишининг ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий аҳамияти нимада?

Жавоб: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) – асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда. Унинг бевосита аҳоли томонидан шакллантирилиб, давлатдан мустақил ҳолда фаолият юритиб, ўз ҳудудида яшаб келаётган аҳолининг манфаатларини тўғридан-тўғри ифода этиши кучли фуқаролик жамиятининг асосий талабидир.



Бугунги кунда мамлакатимиздаги қарийб ўн мингга яқин маҳаллалар республикамиизда изчил демократик ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишига кўмаклашмоқда.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 127-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимиға

кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли", деган янги норма белгиланмоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг **ижтимоий-сиёсий аҳамияти** шундаки, **биринчидан**, давлатга мазкур органларнинг ўз вазифа ва ваколатларини амалга оширишида уларнинг мустақиллигини таъминлаш вазифасини юклайди, **иккинчидан**, маҳалланинг сиёсий-хуқукий институт эканлигини ва у ўз худуди аҳолисининг хуқуқ, эркинлиги ва қонуний манфаатларини рӯёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга сафарбар этилганлигини белгилайди, **учинчидан**, маҳалла ўз фаолиятини ривожланишнинг ўзига хос тарихий хусусиятлари, миллий ва маънавий қадриятлар ва маҳаллий урф-одатлар ҳамда анъаналарга таяниб амалга оширади.

Ушбу янгиликнинг **хуқуқий аҳамияти** шундаки, мазкур нормалар орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини нодавлат анъанавий бошқарув тизимиға эга органлар сифатида хуқуқий кафолатлаш, улар фаолиятига давлат идоралари ноқонуний аралашувининг олдини олиш учун конституциявий даражада мустаҳкам ва барқарор хуқуқий пойdevor яратилади.

Бу каби тажриба **Германия, Австрия, Япония, Швеция, Дания** каби мамлакатлар конституцияларида мавжуд.

Конституциямизда мазкур кафолатнинг белгиланиши эса маҳаллаларга ўз худудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш, худудни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда мўхим имкониятларни тақдим этади.



91-савол: Конституцияга киритилаётган кўшимча билан фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш хукуки берилаётганинг аҳамияти нимада?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколати сифатида Конституцияда акс эттирилиши лозим”лигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 133-моддасига фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли эканлигига оид маҳсус норма киритилди.


Конституцияга киритилаётган мазкур норманинг фуқаролар ҳамда юридик шахсларга конституциявий хуқук ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобланганда, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш хукуқини беради.

2022 йил давомида Конституциявий судга жами **1 376** та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 1 299 таси жисмоний шахслар, 77 таси юридик шахслар томонидан юборилган. Мурожаатлар Конституциявий суд судьялари

томонидан ўрганиб чиқилиб, муаллифларга асослантирилган тушунтиришлар берилган. Судья ва экспертлар томонидан 83 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг вакиллари Конституциявий судда қабул қилинди, уларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган. Конституциявий судда фуқароларнинг мурожаатларини бевосита қабул қилиш мақсадида “**Фуқароларнинг онлайн қабули**” портали ишга туширилди. Шунингдек, мазкур норма киритилиши инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишда самарали воситалардан бири бўлган конституциявий шикоят институтини Конституция даражасида мустаҳкамлайди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳукуки **Бельгия, Венгрия, Германия, Латвия** каби хорижий давлатлар конституцияларида ҳам белгиланган.

Фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳукуки берилаётганлигининг аҳамияти шундаки, Конституцияга зид бўлган қонунлар амалиётда қўлланилаётган бўлса, уларнинг Конституцияга мувофиқлигини ўз вақтида таъминлашга, Конституцияга номувофиқ қонунлар билан келгусида бошқа шахсларнинг ҳукуқлари бузилишининг олдини олишга, шунингдек Конституция устунлигини таъминлашга, Конституциявий суд фаолиятини янада такомилластиришга хизмат қиласди.



92-савол: Конституцияга судьялар мустақиллигини кучайтириш бўйича киритилаётган янги нормаларнинг аҳамияти нимада?

Жавоб: Ўзбекистон Конституциясига судлар ва судьялар мустақиллигини, судьялар ва улар оила аъзоларининг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, мод-

дий ва молиявий таъминотини ўхшилашта оид бир катор янги нормалар киритилмоқда.

Зеро, хукукий демократик давлатда суд ва судьялар амалда мустақіл бұлсагина конўниийлик таъминланади, инсон хукуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Янгы таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган 136-моддага кўра, “Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга факат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас”.


Конституцияга киритилаётган янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти шундан иборатки:

биринчидан, судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга фақатгина қонунда белгиланган тартиб ва асосларга кўра йўл қўйилади. Бу дегани, судья ўзи олиб бораётган бирон-бир ишни кўриш даврида ушбу ишдан четлаштирилишига йўл қўйилмайди. Масалан, судья ёки судьялар таркиби бир жиноят ишини бошидан охиригача кўриб чиқиб, хукм чиқаргунига қадар ушбу жиноят ишини кўриб чиқиш ваколати улардан олиб қўйилмайди;

иккинчидан, судьяни бошқа лавозимга ўтказишга фақатгина қонунда белгиланган тартиб ва асосларга кўра йўл қўйилади;

учинчидан, судьяни лавозимидан озод этиш учун асос сифатида суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабаб бўла олмайди.

Дарҳақиқат, мазкур нормани киритишга зарурият хам шундан иборатки, аввало судьяларнинг мустақиллiği ва уларнинг дахлеизлиги Конституциявий даражада мустаҳкамланади,



судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги кафолатланади.

Бундай қоидалар **Испания**, **Италия**, **Хорватия**, **Португалия**, **Греция** конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур қоиданинг Конституцияда белгиланиши, энг аввало, судьянинг мустақиллигини, судларда иш кўришда холислигини таъминлашга, хусусан, муайян ишни бошидан охиригача турли аралашув ва тазйикларсиз бир судья томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш имкониятини яратади.



93-савол: Конституцияда судлар фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади, деб қатъий белгилашнинг аҳамияти нимада?

Жавоб: Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд ишлари юритилишини такомиллаштириш, судлар фаолиятининг моддий-техник ва молиявий таъминлаш, фуқаролар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.



2021 йилгача судьялар, суд аппарати ва судьялар ҳамжамияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 40 – 60 фоизи Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб келинган эди. Ушбу жамғарманинг маблағлари асосан жиноий, фуқаролик, маъмурий, иктисадий

ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича тўланадиган давлат божлари, жарималар, ижро иши бўйича ундириладиган ажратмалар, вактинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар хисобидан шаклланади. Судлар фаолиятини молиялаштириш, меҳнатга ҳак тўлаш турли жарималар ва божларга боғлаб қўйилганлиги боис, 2021 йилдан суд тизимини тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаштириш белгиланди.

Судларни молиялаштириш республика бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилиши 2021 йил 28 июлда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Конунда ҳам ўз аксини топган.

Шу муносабат билан, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар тавсиялари ҳамда кўпгина илфор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 140-моддасида **“Судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан амалга оширилади ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак”**, деган муҳим норма белгиланмоқда.

Ушбу қоиданинг Конституцияда белгиланишининг аҳамияти шундаки, **биринчидан**, молиявий жиҳатдан судлар ва судьяларнинг чинакам мустақиллиги таъминланишига; **иккинчидан**, суд тизимининг мустақил ва мустаҳкам моддий-техник базасини шакллантиришга; **учинчидан**, энг муҳими, судларнинг моддий-техник таъминоти, жумладан ойлик иш хақлари фуқаролардан ундириладиган жарималар ёки давлат божлари хисобидан эмас, айнан давлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаштиришга хизмат қиласи.

Судлар фаолиятини молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилишига оид қоидалар **Молдова, Қозоғистон** конституцияларида ҳам ўз аксини топган.



94-савол: Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасига адвокатурага оид қандай янги нормалар киритилмоқда?

Жавоб: Адвокатура одил судловнинг мухим таркибий қисми хисобланади. БМТ Конгрессида қабул қилинган “Юристлар ролига оид асосий принциплар”да адвокатура институтини такомиллаштириш демократик, ҳуқукий тараққиётнинг **бирламчи шарти** эканлиги қайд этилган.

Зеро, давлат органларининг бирон-бир ҳуқуқ нормасини кўллашда ўз ваколатидан четга чиқишини **тийиб турувчи мустаҳкам механизм** керак бўлади. Инсоният тарихида муваффақиятли синовдан ўтган **бундай куч** эса фуқаролик жамияти – нодавлат нотижорат ташкилотлариридир.

Давлат эса, табиатан нодавлат, мазмунан нотижорат тизим бўлмиш **адвокатура институтини** мустаҳкамлашдан **манфаатдор**. Чунки давлатнинг энг мухим функцияларидан бири ҳар бир шахси малакали юридик ёрдам билан таъминлашдир. Малакали юридик ёрдамга бўлган эҳтиёж давлатнинг жамият манбаатлари йўлида адвокатура институтини **ҳар томонлама ривожлантиришини** тақозо этади.

Шу боис янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасига адвокатурага оид алоҳида боб киритилмоқда. Ушбу бобдаги 141-моддада “**Жисмоний ва юридик шахсларга** малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади”, деган янги норма мустаҳкамланмоқда.

Эътиборлиси, адвокатура институтининг мақомини **Конституция даражасида** мустаҳкамлаш таклиф этилмоқда. Барчага малакали юридик ёрдам кафолатланмоқда. Бинобарин, **малакали юридик ёрдам** ҳар қандай шахс ёки давлат органи



ходими томонидан эмас, балки тегишли малака ва лицензияга эга адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Таклиф этилаётган нормада адвокатура фаолиятининг **асосий принциплари** белгиланмоқда. Хусусан, ягона касбий бирлашмаси сифатида адвокатурага оид барча масалалар бевосита адвокатлар томонидан хал этилишини назарда тутувчи – **ўзини ўзи бошқариш** принципи белгиланмоқда. Бу эса, адвокатлар **касбий мустақиллик**ининг асосий кафолати ҳисобланади.

Яна бир янгилик. Ўзини ўзи бошқариш принципини адвокатуранинг **мустақиллигисиз** тасаввур этиб бўлмайди, улар бир-бирини тақозо этади ва тўлдиради. Шу боис, барча адвокатларнинг орзу-умиди бўлмиш мустақиллик принципи конституциявий даражада белгиланмоқда.

Шунингдек, Конституция лойиҳасида адвокатлик фаолиятида **қонунийлик** принципи ҳам назарда тутилмоқда. Бу эса, том маънода, давлат органларининг адвокатуранинг ички ишларига аралашишининг олдини олишга хизмат қиласи.

Адвокатурага оид нормалар **Бразилия, Италия, Испания** каби мамлакатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган.



95-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига адвокат касбий фаолияти эркинлигининг кафолатларига оид қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга “... кучли адвокатура тизимини яратиш асосий вазифамиздир”, деб таъкидлаган эди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 142-моддасида:

биринчидан, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди, деган янги норма киритилмоқда. Адвокатнинг касбий

бий фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслигининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши кучли адвокатура тизимини яратишга, шунингдек “ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт” деган ғояни тўлақонли амалга оширишга хизмат қиласди;

Иккинчидан, адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши мустаҳкамланмоқда. Мазкур прогрессив норма адвокатнинг касбий вазифаларини лозим даражада амалга оширишини кафолати сифатида ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб конунчиликда белгиланган тартибда холи учрашувлар ўтказишга ва унга турли босимларсиз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга имкон яратади;

Учинчидан, адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилинишига оид норма мустаҳкамланмоқда. Бу орқали давлат адвокатлар хавфсизлигига таҳдид бўлган ҳолатларда уларнинг ҳимоясини таъминлайди, уларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажаришлари учун зарур бўлган барча ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишларига имкон яратади. Мазкур қоидалар адвокатнинг шахси дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда адвокат фаолиятига нисбатан ноконуний аралашишни тақиқлаш орқали унинг касбий фаолияти эркинлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Бундай нормалар **Австрия**, **Болгария**, **Финляндия** каби мамлакатларнинг конституцияларида ҳам назарда тутилган.


Конституцияга киритилаётган ушбу нормалар адвокатуранинг жамиятдаги нуфузини оширишга, одил судловга эришишда тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлиги принципини мустаҳкамлашга, суд ва тергов жараёнида адвокатлар ваколатларини тўлақонли амалга оширишга, пировардида фукаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қиласди.





96-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришга кўра, илгари сайлов ҳуқуқига эга бўлмаган қайси тоифа шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда бунинг амалий аҳамияти нимада?

Жавоб: Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган устувор ғоядан келиб чиқиб, фуқароларнинг мамлакат бошқарувида янада кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштириб борилмоқда.



Амалдаги Конституцияда суд томонидан **муомалага лаёқатсиз** деб топилган, шунингдек **оғир ва ўта оғир жиноятлар** содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидиги изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Эндиликда, Конституциямизга киритилаётган 128-моддага кўра, “Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек **оғир ва ўта оғир жиноятлар** содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди”.

Мутахассислар қайд этишича, муомалага лаёқатсизлик ҳар доим ҳам ўз хатти-харакатларини англай олмаслигини билдиравермайди. Шу боис **Бельгия, Чехия, Венгрия,** 160

Португалия, Словения, Малта, Эстония, Лихтенштейн каби давлатлар тажрибасига кўра, суд муомалага лаёқатсиз деб топиш масаласини индивидуал тарзда кўриб чиқиб, шахси сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

Янги таҳирдаги Конституциямиз лойиҳасида ҳар қандай муомалага лаёқатсиз шахс эмас, балки **суднинг муомалага лаёқатсиз деб топган қарори асосида сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилган фуқаролар** сайловда иштирок этаслиги мустаҳкамланмокда. Яъни суд шахснинг сайловда онгли қатнаша олиши ёки онгли қатнаша олмаслигига унинг реал ҳолатидан келиб чиқиб, баҳо берган ҳолдагина маҳрум этилиши мумкин.

Бундан ташқари. **Германия, Франция, Австралия, Греция, Италия, Польша, Португалия, Руминия, Нидерландия, Норвегия** каби давлатлар тажрибасига кўра, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларнинг сайлов ҳуқуқини фақат суд қарори билан чеклаш амалиёти йўлга кўйилган.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёsat асосида Конституцияга оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайлов ҳуқуқини чеклаш институти ўрнига фақат суд қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш институти жорий этилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлаш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини янада кафолатлашга хизмат қиласи. Муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахслар ҳам сайлашда қатнаша олиши **Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун”** деган устувор ғоя реал ҳаётда амалга ошаётганини яна бир бор кўрсатиб беради.



97-савол: Конституциявий даражада фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларига Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ҳуқукининг берилиши қандай аҳамиятга эга?

Жавоб: Инсонманфаатлари ва халқ фаровонлиги йўлида давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ўзининг молиявий таъминотини талаб этади, бу энг аввало, давлат бюджети орқали амалга оширилади. Уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш эса – энг асосий вазифалардан биридир. Бунда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш фаолияти устидан назорат амалга ошириб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилаётган 148-моддага кўра, “**Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади**”.

Бу давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлигидан келиб чиқади. Шунингдек, барчамиз солиқ тўловчимиз, ўз солиқларимизнинг қандай сарфланаётганини билиш, буни назорат қилишга ҳаклимиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда ривожланаётган **“Очиқ бюджет” давлат сиёсати**, бюджет устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш ва бу борада тўлиқ ахборот олиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан, Давлат бюджетига оид ахборотларни жойлаштиришни назарда тутувчи “Очиқ бюджет” портали ишга туширилди, 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туман (шахар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш механизм жорий этилди.



Мазкур норма билан жамоатчилик назоратининг механизмларидан фойдаланган холда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашнинг конституциявий асослари мустахкамланмоқда. Жумладан, давлат бюджети устидан жамоатчилик назоратига оид нормалар **Жанубий Корея, Япония, Франция** каби давлатларнинг конституцияларида ҳам назарда тутилган.

Янги таҳирдаги Конституциямиз лойихасида белгиланаётган нормалар юқорида қайд этилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида давлат бюджетини шакллантириш, унинг даромад ва ҳаражат қисмларини белгилаш, ижросини таъминлашда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш, уларга бу жараёнда фаол катнашиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун тегишли ташкилий ва ҳуқуқий шартшароитлар ва кафолатлар яратади.

Давлат бюджетидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш эса аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига зарур ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорликни ва умуман, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида самарадорликни таъминлашга хизмат қиласди.



98-савол: Конституцияда давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш очиқлик ва шаффоффлик принциплари асосида амалга оширилиши белгиланишининг аҳамияти нимада?

Жавоб: Иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳал этувчи омиллардан бири давлат бюджети маблағлари натижага йўналтирилган ҳолатда сарф этилиши, бунга эса факатгина очиқлик ва шаффоффлик принципларига амал қилиш орқали эришиш мумкинdir.

Шу боис янги таҳирдаги Конституциямиз лойихасининг 148-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиби-

таомиллари очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилади, деган норма белгиланмоқда.

Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишдаги очиқлик ва шаффофлик принципларига амал қилиш конституциявий коидасининг аҳамияти шундаки, **биринчидан**, Давлат бюджетини шакллантириш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиқлигида, шунингдек бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этишида; **иккинчидан**, тасдиқланган Давлат бюджети ва унинг ижроси тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишида намоён бўлади.

Шунингдек, Давлат бюджети лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши ва кейинчалик Олий Мажлис ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши, уларни тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар эшитиб борилиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат олиб борилиши ҳам очиқлик ва шаффофликни таъминлайди.

Бу каби талаблар **Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тавсияларида** ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, **Австрия, Бельгия** каби давлатлар конституцияларида ҳам бюджет шаффофлигига оид нормалар белгиланган.

Ушбу ўзгаришлар бюджет харажатлари устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга, мазкур йўналишида коррупцион омилларнинг камайишига, мамлакат молиявий тизимига аҳолининг ишончи кучайишига, макроиктисодий барқарорликни таъминлашга ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Пировардида Давлат бюджети маблағлари янада адолатли тақсимланишини ҳамда халқ ва фуқаро манфаатлари йўлида мақсадли ва самарали равишда сарфланишини таъминлайди.





99-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида Марказий банк мақоми билан боғлиқ қандай ўзгариши назарда тутилган ҳамда уларнинг амалий аҳамияти қандай?

Жавоб: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 151-моддасида Марказий банк мақомини мустаҳкамловчи куйидаги нормалар белгиланмоқда:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит ва валюта сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади”, деган норма орқали Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланмоқда. Бозор иқтисодиётида нарх барқарорлигини таъминлаш энг долзарб масала ҳисобланиб, унинг ҳал этилиши иқтисодий ўсишга замин яратади;

иккинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мамлакатда банклар фаолиятини тартибга солишини амалга оширади, банк ва тўлов тизимларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди”, деган янги норма белгиланмоқда.

Амалдаги Конституцияда Марказий банкнинг банк тизимини тартибга солиш йўналишлари аниқ белгиланмаган эди. Эндиликда ушбу бўшлиқнинг бартараф этилиши натижасида тижорат банклари томонидан аҳолига банк хизматларини кўрсатишда назорат функцияларига аниқлик киритилиб, аҳоли ва бизнес вакилларининг банклардаги жамғармаларини сақлашда хавф-сизлиқ кафолатлари кучайтирилмоқда. Зеро, ишончли банк ва тўлов тизимлари бутун иқтисодиётнинг барқарор фаолиятини таъминлашга асос бўлади;

учинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир”, деган норма киритилмоқда. Бу эса Марказий банк мустақиллигини



Конституцияда белгилаш орқали пул-кредит ва валюта сиёсати самарадорлигини оширади. Пировардила нархлар ва банк тизими барқарорлиги таъминланади. Охирги юз йилда марказий банклар мустакиллиги юкори даражада таъминланган давлатларда иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш сезиларли бўлган. Шундан келиб чиқкан холда, Марказий банк факат Олий Мажлис Сенатига ҳисобдорлиги қатъий белгиланмоқда;

тўртинчидан: “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун билан белгиланади”, деб мустаҳкамланмоқда. Ушбу хаволаки норма Марказий банкнинг мақоми, ташкилий-хукуқий асослари, фаолияти факат қонун билан белгиланишини назарда тутади.

Мазкур коидалар **Венгрия, Озарбайжон, Миср** каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

Киритилаётган ушбу нормаларнинг аҳамияти шундаки, Марказий банкнинг фаолияти асосларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, унинг нуфузи ҳамда масъулиятини оширади.



100-савол: Миллий пул бирлиги сўмнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши қандай аҳамият қасб этади?

Жавоб: Давлатчиликнинг мухим белгиларидан бири – бу миллий валютадир. Ҳар қандай давлат худудида ушбу мамлакатнинг миллий пул бирлиги ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм, у Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона чекланмаган қонуний тўлов воситасидир.

Ўзбекистоннинг миллий валютаси сўм 1994 йилнинг 1 июль санасида илк маротаба муомалага киритилган. Ўзбекистон Республикаси пул белгиларининг номинал қиймати Марказий



банк томонидан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 1000, 5000, 10000, 20000, 50000, 100000, 200000 сўмлик көзоз пуллар, шунингдек, турли номиналдаги танга пуллар ҳам муомалада амалда бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига кўра, 2022 йил январь-сентябрь ойларида нақд пулайланмаси **503,0 трлн сўмни ташкил** этган ва бу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 39,3 фоизга ошган.

Миллий валютанинг иқтисодиёт ва иқтисодий-ижтимоий хаётидаги ўрнидан келиб чиқкан холда янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 150-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Сўм Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона чекланмаган қонуний тўлов воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қонуний тўлов воситалари сифатида пул белгиларини муомалага киритишда ва уларни муомаладан чиқаришда мутлақ ҳуқуқقا эгадир”, деган норма белгиланмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлган сўм факат Марказий банк томонидан эмиссия қилиниши катъий химоя остига олинган. Аҳолининг жамғармалари, даромадларини турли иқтисодий бўхронлардан химоялаш нуқтаи назаридан миллий валютанинг барқарорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш ҳам Марказий банкинг катъий мажбуриятларидан бири бўлиб, ушбу пул белгилари унинг барча активлари билан таъминланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 176-моддасида қалбаки пул ясаш ва уни ўтказиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатлар, хусусан, **Испания, Чили, Финляндия** каби давлатларнинг конституцияларида ҳам миллий валютанинг ҳуқукий режимини белгиловчи нормалар ўз ифодасини топган.

Конституцияга мазкур норманинг киритилиши давлатнинг монетар сиёсатини самарали амалга оширишга хизмат қиласи.

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ

- РАХМАНКУЛОВ**
Мир-Акбар
Ходжи-Акбарович
- ХАКИМОВ**
Рахим
Расулжонович
- МИРАКУЛОВ**
Миравзал
Миродилович
- МУХТОРОВ**
Нодиржон
Илхомжонович
- ЭРГАШЕВ**
Восид
Ёкубович
- АКИЛОВ**
Олим
Рахимович
- ИСМАИЛОВ**
Баходир
Исламович
- ТҮРДАЕВ**
Дониёр
Бахтиёрович
- САИДОВА**
Лола
Абдувахидовна
- БЕКОВ**
Ихтиер
Рустамович
- САЙД-ГАЗИЕВА**
Нилуфар
Шерзодовна
- РАХМОНОВА**
Сурайё
Махмудовна
- ХОЛМУХАМЕДОВ**
Мухсинжон
Муродуллаевич
- Конституциявий комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёсат институти директори, ю.ф.д., профессор
 - Конституциявий комиссия аъзоси, ю.ф.д., профессор
 - Конституциявий комиссия аъзоси, ю.ф.д., профессор
 - Конституциявий комиссия аъзоси, ю.ф.д.
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёсат институти директор ўринбосари, ю.ф.н., профессор
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёсат институти бош илмий ходими, ю.ф.д., профессор
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёсат институти шуъба мудири, ю.ф.д., профессор
 - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Конунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими, ю.ф.д., профессор
 - Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, ю.ф.д., профессор
 - Ўзбекистон Жамоат хавфсизлиги университети кафедра профессори, ю.ф.д., профессор
 - Ўзбекистон Жамоат хавфсизлиги университети кафедра профессори, ю.ф.д.
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори ўринбосари, и.ф.н.

- ХАЙТОВ**
Хушвакт
Сапарбаевич
- ТУРДИЕВ**
Хайитжон
Усмонкул ўғли
- ДАВЛЯТОВ**
Валишер
Хакимжанович
- МУХАМЕДОВ**
Ўткирбек
Хазраткулович
- КАРИМОВА**
Дилдора
Мирсабитовна
- КАРИМОВ**
Алишер
Нишанович
- АЛЛАКУЛИЕВ**
Миржалол
Давронбекович
- РУСТАМБЕКОВ**
Исломбек
Рустамбекович
- ХАЛИЛОВ**
Дониёр
Нортажиевич
- МИРЗАРАХИМОВ**
Феруз
Абдуманнабовиҷ
- МУҲАММЕДОВ**
Илёс
Султанович
- МУСАЕВ**
Сардор
Фахриддинович
- РЎЗМЕТОВ**
Хайрулло
Ибадуллаевич
- ЖЎРАБАЕВ**
Бекзод
Латифжон ўғли
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, ю.ф.д., профессор
 - Тошкент давлат юридик университети кафедра доценти, ю.ф.ф.д. (PhD)
 - Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, ю.ф.д. (PhD), доцент
 - Демократик жарабёнларни таҳлил килиш маркази бўлим бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор
 - Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, и.ф.д.
 - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари
 - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Конунчилик департаменти бошлиги
 - Тошкент давлат юридик университети проректори, ю.ф.д. профессор
 - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёsat институти шуъба мудири
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёsat институти шуъба мудири
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёsat институти шуъба мудири
 - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Конунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиги, ю.ф.д., доцент
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Конунчилик ва хукукий сиёsat институти бош илмий ҳодими

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойихасида Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда. Бу нимани англатади?	3
2-савол: Конституцияда Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб белгилашнинг аҳамияти нимада?	6
3-савол: Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон – дунёвий давлат, деб белгиланмоқда. Бунинг аҳамияти нимада?	8
4-савол: Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга ошириши нимани англатади?	10
5-савол: Конституцияда “ижтимоий бирдамлик” принципининг акс эттирилиши жамият хаётида қандай ўзгаришларга сабаб бўлади?	12
6-савол: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга деганда нималар тушунилди, унинг аҳамияти қандай?	13
7-савол: Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши тўғрисидаги қоидани белгилаш нима учун зарур?	16
8-савол: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида ҳалқаро шартномаларнинг тан олинишига доир қоиданинг Конституцияга киритилаётганлигининг аҳамияти нимада?	18
9-савол: Ўзбекистон Конституциясининг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқук ва манфаатларига, Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга заар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслигини белгилашнинг аҳамияти нимада?	20
10-савол: Конституцияга ташки сиёсатнинг асосий	
170	

принциларидан бири сифатида "давлатларнинг худудий яхлитлиги" принципининг киритилаётганлиги қандай ахамиятга эга?	21
11-савол: Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ташки сиёсатни амалга оширади, деган янги принципнинг мазмун-моҳияти нимада?	23
12-савол: Инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, деган янги конституциявий норма қандай мазмун ва ахамиятга эга?	24
13-савол: Инсон ҳамда фўқаронинг ҳуқук ва эркинликлари халкаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларига ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши нимани англатади?	26
14-савол: Инсоннинг ҳуқук ва эркинликларининг бевосита амал қилиши нимани англатади?	27
15-савол: Инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши тўғрисидаги норманинг Конституцияга киритилиши нимани англатади?	29
16-савол: Инсон шаъни ва қадр-қиммати даҳлсизлиги белгиланишининг ахамияти нимада?	30
17-савол: "Инсонга нисбатан давлат органлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонунлarda назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши керак", деган конституциявий қоиданинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?	32
18-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги номувофиқликларни ҳал этиш бўйича қандай тартиб белгиланмоқда?	34
19-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида инсоннинг ҳуқук ва эркинликларини чеклаш асослари бўйича қандай норма белгиланмоқда?	35
20-савол: Ўз шахсини эркин камол топтириш ҳукуқи нима ва у қандай амалга оширилади?	37

21-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига киритилаётган ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юқлатилиши мумкин эмас, деган норма нимани англатади?	39
22-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкинми?	40
23-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига хорижда яшаётган ватандошлар билан боғлиқ қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?	42
24-савол: Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади, деган қатъий норма ўрнатилишининг моҳияти нимада?	43
25-савол: “Миранда қоидаси” тушунчаси ва мазмун-моҳияти нима ҳамда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига “Миранда қоидаси”га оид қандай янгиликлар киритилмоқда?	4
26-савол: “Хабеас корпус” институти тушунчаси ва мазмун-моҳияти нима ҳамда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига “Хабеас корпус”га оид қандай янгиликлар киритилмоқда?	46
27-савол: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳқумнинг ҳуқуқий химоясини кучайтириш борасида янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига қандай янгиликлар киритилмоқда?	48
28-савол: Жиноят процессида шахснинг “сукут сақлаш ҳуқуқи” белгиланишининг аҳамияти нимада?	50
29-савол: Шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслигига оид қоида Конституция даражасида мустаҳкамланишининг аҳамияти нимада?	51
30-савол: Шахснинг ўз айини тан олиши уни айбор деб топишга асос бўлмаслигига оид қоиданинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?	53
31-савол: Судланганликнинг ҳуқуқий оқибати таъсири билан боғлиқ қандай инсонпарвар қоида белгиланмоқда? ...	54

32-савол: Жиноят процессида адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига оид қандай янги ҳуқуқий қафолатлар киритилмоқда?	56
33-савол: Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлат қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмоқда?	57
34-савол: Шахсий ва оиласиб сирга эга бўлиш ҳуқуқи янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида мустаҳкамланмоқда, бу фуқароларга нима беради?	59
35-савол: Шахс ўзига доир маълумотларни ҳимоя қилиши бўйича қандай конституциявий нормалар киритилмоқда?	61
36-савол: Шахснинг республика бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланиши инсонларнинг ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади?	63
37-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига шахснинг турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига оид қандай янгилик киритилмоқда?	65
38-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига Интернет тармоғига оид қандай норма киритилмоқда?	66
39-савол: Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлар кафолатланишининг аҳамияти нимада?	68
40-савол: Давлат хизматига киришда teng ҳуқуқлилик нима ва унинг Конституцияда мустаҳкамланиши фуқароларга нима беради?	70
41-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига меҳнат ҳуқуқи ва уни амалга оширишга оид қандай янгиликлар киритилмоқда?	71
42-савол: Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашга доир қандай норма киритилмоқда?	73

43-савол: Конституцияда фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни кисқартириш борасидаги нормаларниң белгиланиши фуқаролар учун қандай аҳамиятга эга?	74
44-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида болалар меҳнатига оид қандай нормалар белгиланмоқда?	76
45-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган янги кўшимчага мувофиқ пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамлар миқдорлари қайси мезонлар асосида белгиланади?	78
46-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш масаласида қандай норма белгиланмоқда?	79
47-савол: Уй-жойга нисбатан мулк хукукини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий кафолатлар кучайтирилишининг аҳамияти нимада?	81
48-савол: Конституцияда соғлиқни саклаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?	83
49-савол: Соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича давлатнинг асосий вазифалари сифатида нималар белгиланмоқда?	85
50-савол: Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган хукукини амалга ошириш бўйича қандай янги қоидалар киритилмоқда?	87
51-савол: Фуқароларнинг таълим олиш хукукини кафолатлашга қаратилган янги нормаларнинг моҳияти нимадан иборат?	89
52-савол: Конституцияда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг ривожлантирилишини таъминлашга оид нормани киритиш зарурияти нимадан иборат?	91

53-савол: Мактабгача таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш бўйича давлатнинг янги конституциявий мажбуриятини белгилаш зарурияти нимадан иборат?	92
54-савол: Конституциямизда алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларнинг таълим олишга бўлган хуқукини таъминлашга доир норма белгиланишининг аҳамияти нимада?	94
55-савол: Умумий ўрта таълим мажбурийлиги Конституцияда белгиланаётганлигининг аҳамияти нимада?	95
56-савол: Олий таълим ташкилотларига конунга мувофиқ берилаётган академик эркинлик ҳамда ўзини ўзи бошқариш хуқуқларининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?	97
57-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ўқитувчи касбига доир алоҳида норма белгиланаётганлигининг аҳамияти нимада?	98
58-савол: Ижод эркинлиги ва унинг натижаларини ҳимоя килиш борасида қандай ўзгаришлар киритилмоқда?	100
59-савол: Конституцияга киритилаётган “ҳар ким ўз хукуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усууллар билан ҳимоя қилишга ҳақли”, деган норманинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?	101
60-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига инсоннинг бузилган хукуқ ва эркинликларини тикиш хуқуки билан боғлик қандай қоидалар киритилмоқда?	103
61-савол: Давлат органлари томонидан инсонга етказилган зарарни коплашга оид қандай конституциявий норма киритилмоқда?	104
62-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжданд тоифалари ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқларига оид қандай янги нормалар белгиланмоқда?	106

63-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишга оид қандай янги норма белгиланмоқда?	107
64-савол: Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мероснинг давлат муҳофазасига олинишига оид қандай конституциявий норма белгиланмоқда?	109
65-савол: Солиқ сиёсатининг конституциявий асослари қандай мазмундаги янги нормалар билан бойитилмоқда?	110
66-савол: Бозор иқтисодиётини ривожлантириш бўйича давлат ўз зиммасига қандай янги мажбуриятларни олмоқда?	111
67-савол: Давлатнинг кулай инвестициявий ва ишибилармонлик мухитини таъминлашга масъуллигини белгиловчи норманинг иқтисодий-хукуқий аҳамияти нимада?	113
68-савол: Конституцияда тадбиркорларнинг қайси асосий хукуқлари кафолатланмоқда ва бу тадбиркорлар учун нима беради?	114
69-савол: Товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин харакатланишининг конституциявий кафолатланиши тадбиркорлар учун қандай аҳамиятга эга?	116
70-савол: Конституцияда “монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади”, деган қатъий норма белгиланишининг аҳамияти нимада?	118
71-савол: Конституцияда ерга нисбатан хусусий мулк хукуқининг эътироф этилиши фуқаролар учун қандай имконият беради?	119
72-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида фуқаролик жамияти институтларига оид қандай нормалар киритилмоқда?	121
73-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига диний ташкилотлар билан боғлиқ қандай янги норма киритилмоқда?	122
74-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида	

болаларни тўлақонли ва баркамол вояга етказиш бўйича ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига қандай мажбуриятлар юкланмоқда?	124
75-савол: Конституцияда давлатга боланинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қандай мажбуриятлар юклатилмоқда ва унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?	125
76-савол: Конституцияда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида қандай янги нормалар назарда тутилмоқда?	127
77-савол: Конституцияда оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини таъминлашга йўналтирилаётган янги кафолатлар жамиятга қандай таъсир қиласи?	129
78-савол: Конституциявий даражада Конунчилик палатаси депутати бир вақтнинг ўзида бошқа вакиллик органи депутати бўлиши тақиқланишининг зарурати нимада?	130
79-савол: Олий Мажлис палаталарининг конституциявий ваколатларига Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги миллий маърузани эшлиши ваколатининг киритилаётганлиги нима билан боғлиқ?	132
80-савол: Парламент текшируви институтини конституциявий даражада мустаҳкамлашнинг аҳамияти нимада?	133
81-савол: Чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар хузуридаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш ва уларни назорат қилиш бўйича Сенат қандай конституциявий ваколатларга эга бўлмоқда?	135
82-савол: “Конунчилик таклифларини киритиш” институти нима, бундай институт жорий этилишининг зарурати ҳамда қонунчилик ташаббуси билан фарқли жиҳатлари нималардан иборат?	137

83-савол: Конституциявий суд. Олий суд за Бош прокурор факатгина ўз ваколатларига оид масалалар юзасидан конунчилик ташаббуси хукукини амалга оширишга эга, деган норманинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?	139
84-савол: Фуқароларга қонунчилик таклифларини Конунчилик палатасига киритиш хуқуки берилишининг халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципига ижобий таъсири нималарда намоён бўлади?	140
85-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган янгиликка кўра, қонунчилик таклифларини киритиш хуқуки кимларга ёки қайси ташкилотларга берилмокда ҳамда бунинг зарурати ва аҳамияти нимада? ...	142
86-савол: Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий ваколатлари билан боғлиқ қандай ўзгаришлар киритилмоқда?	143
87-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган ўзгартишларга кўра, сиёсий партияларнинг Бош вазир номзодини кўрсатишдаги иштирокига оид қандай янгилик киритилмоқда?	145
88-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллашини тақиқлаш тўғрисида янги норма белгиланмоқда. Ушбу янгиликнинг аҳамияти нимадан иборат?	147
89-савол: Конституцияда халқ депутатлари Кенгашларининг конституциявий ваколатлари алоҳида белгиланишининг аҳамияти нимадан иборат?	148
90-савол: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмаслиги Конституцияда назарда тутилишининг ижтимоий-сиёсий ва хуқукий аҳамияти нимада?	150
91-савол: Конституцияга киритилаётган қўшимча билан фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш хуқуки берилётганлигининг аҳамияти нимада?	152

92-савол: Конституцияга судьялар мустакилдигини кучайтириш бўйича киритилаётган янги нормаларнинг аҳамияти нимада?	153
93-савол: Конституцияда судлар фаолиятини молиялаштириш факат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади, деб қатъий белгилашнинг аҳамияти нимада?	155
94-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига адвокатурага оид қандай янги нормалар киритилмоқда? ...	157
95-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига адвокат касбий фаолияти эркинлигининг кафолатларига оид қандай янгиликлар киритилмоқда?	158
96-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасига киритилаётган ўзgartиришга кўра, илгари сайлов хукуқига эга бўлмаган қайси тоифа шахслар сайловда иштирок этиш хукуқига эга бўлади ҳамда бунинг амалий аҳамияти нимада?	160
97-савол: Конституциявий даражада фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларига Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш фаолияти устидан назоратни амалга ошириш хукуқининг берилиши қандай аҳамиятга эга?	162
98-савол: Конституцияда давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш очиқлик ва шаффоғлик принциплари асосида амалга оширилиши белгиланишининг аҳамияти нимада? ...	163
99-савол: Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида Марказий банк мақоми билан боғлиқ қандай ўзgartириш назарда тутилган ҳамда уларнинг амалий аҳамияти қандай? ...	165
100-савол: Миллий пул бирлиги сўмнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши қандай аҳамият касб этади?	166
Муаллифлар жамоаси	168

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

Нашр учун масъуллар:

Н. Мухторов

Ф. Тожиев

Х. Кличев

Ш. Абдулаев

Муҳаррир:

Д. Маткаримова

Компьютерда сахифаловчи:

Ж. Тожибоев

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. AI № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-үй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга руҳсат этилди 01.04.2023 й.

Қофоз бичими 60x84^{1/16} “Antiqua” гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 11.25.

Нашриёт хисоб табори 8. Адади 11 000 нусха.

*** -буортма. Нархи шартнома асосида.

